

**Таъсисчи:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**

И. И. Ҳувайтов, В. Г. Кан, Ж. Э. Холов

**Дизайнер ва саҳифаловчи**

Д. Р. Джалилов, Д. Х. Хамидуллаев

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

Ахборотнома фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари илмий натижалари юзасидан илмий мақолалар эълон қилиниши мумкин бўлган республика журналлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

**Таҳририят манзили:**

100197, Тошкент шаҳри, Ингизор кўчаси, 68.

Тел.: 265-99-75, 265-23-52.

<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>

e-mail: akadmvd@uzsci.net.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Мақолалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр. ҳисоб табағи 11,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «BETTER PRINT» МЧЖ босма-хонасида чоп этилди. Тошкент ш., Олмазор тумани Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254.

Босишга рухсат этилди 30.06.2015.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси, 2015.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ИИВ АКАДЕМИЯСИНING

### АХБОРОТНОМАСИ

Чораклик илмий-амалий  
ҳуқуқий нашр

2015 йил, 2-сон

МУНДАРИЖА

**Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни  
такомиллаштириш**

**Судебно-правовые реформы и совершенствование  
законодательства**

*Х. Т. Одилқориев*

Қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат:

шаклланиши ва амалга оширилиши.....3

*У. А. Қодиров*

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини модернизация

қилишнинг ҳуқуқий асоси.....10

*Ш. Ш. Мирзаев*

Правовое воздействие и регулирование

в системе действия права.....14

*М. А. Рустамов*

Қонунчилик тилини тартибга солиш ва такомиллашти-

тиришнинг долзарб муаммолари хусусида.....19

*А. Қ. Ҳудойбердиев*

Давлат ҳокимиятини модернизация қилиш жараёнида

парламент сайловлари ва ислоҳотларининг моҳияти.....24

*Ш. Р. Қобилов*

Коррупциянинг илмий-назарий талқинига оид

айрим мулоҳазалар.....29

**Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат  
хавфсизлигини таъминлаш муаммолари**

**Проблемы профилактики правонарушений и  
обеспечения общественной безопасности**

*А. А. Отажонов*

Жиноят иштирокчиларининг жиноятдан ихтиёрий

қайтганлиги учун жавобгарлик чораларини

такомиллаштириш.....34

**Учредитель:**  
Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакторы номера**  
И. И. Хувайтов, В. Г. Кан, Ж. Э. Холов

**Дизайн и верстка**  
Д. Р. Джалилов, Д. Х. Хамидуллаев

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень республиканских журналов, рекомендованных для публикации научных статей, подготовленных по результатам диссертационных работ на соискание ученой степени доктора наук (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

**Адрес редакции:**  
100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.  
Тел.: 265-99-75, 265-23-52.  
<http://akadmvd.uz/files/vestnik.htm>  
e-mail: [akadmvd@uzsci.net](mailto:akadmvd@uzsci.net).

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикаций. Ответственность за содержание публикаций и достоверность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 11,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в типографии ООО «BETTER PRINT». г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1-туп. д.254.

Подписано в печать 30.06.2015.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан, 2015.

*М. З. Зиёдуллаев*  
Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ва уни ижро этишнинг ўзига хос жиҳатлари.....42

*Ш. К. Гиясов*  
Ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятида «қотиллик» атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир фикр-мулоҳазалар.....48

*Ш. Мустафаев*  
Особенности прокурорского надзора на стадиях дознания и предварительного следствия.....54

*Ф. Кадиров, М. Х. Джаматов*  
Ахборот тизимларида хавфсизликни таъминлаш муаммолари.....58

*И. Ю. Фазилов*  
Одам савдоси жиноятларининг профилактикаси.....62

*С. А. Якубов*  
Процедура примирительной формы разбирательства уголовных дел.....67

*Ф. А. Примов*  
Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари.....71

**Маънавият ва ҳуқуқий тарғибот**

---

**Духовность и правовая пропаганда**

*Д. Х. Разаков, Ш. Ш. Хасанов*  
Маънавий баркамоллик ва шарқона қадриятлар.....77

*К. В. Джавакова*  
Роль и значение глобальной информационной сети в законодательной пропаганде и преодолении правового нигилизма.....82

**Давлат ва ҳуқуқ тарихи**

---

**История государства и права**

*Н. П. Азизов*  
Туркистон сиёсий партиялари дастурларида инсон ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг акс эттирилиши.....87

**Ёш олимлар минбари**

---

**Трибуна молодых ученых**

*А. К. Янгибаев*  
Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштироки: қонунчилик асослари.....93

Х. Т. Одиқориев\*

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ СИЁСАТ: ШАКЛЛАНИШИ ВА АМАЛГА ОШИРИЛИШИ

Жамият ҳуқуқий ривожланишининг давр талабларига мос ва тегишлича юксак савияда бўлиши кўп жиҳатдан давлат ҳокимияти юритадиган ҳуқуқий сиёсатга боғлиқ. Давлат ҳокимиятининг иродаси - сиёсий ирода. Ушбу ирода қонун ижодкорлиги фаолиятига импульс (туртки) беради, натижада ўзи шаклан – қонун, мазмунан – ҳуқуқ тарзида расмийлашади, юридик маъно касб этиб, сиёсий-ҳуқуқий ҳодисага айланади. Маълумки, давлат белгилайдиган мақсад, бажарадиган вазифалар, амалга оширадиган фаолият сиёсат соҳасини ташкил этади, бошқача айтганда, аини сиёсатдир. Давлат фаолияти ниҳоятда серқирра бўлганлиги боис, у юритадиган сиёсат бир қанча турларда, масалан, иқтисодий сиёсат, ижтимоий сиёсат, маданий-маърифий сиёсат, ҳуқуқий сиёсат каби шаклларда намоён бўлади. Ўзбекистон Республикасида адолатли демократик давлатчилик қарор топаётган вазиятда ҳуқуқий сиёсат мавзусини, бундай сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишнинг фундаментал масалаларини илмий тадқиқ этиш ўта долзарб вазифадир. Чунки, мамлакатда юритилаётган ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш ҳуқуқий тизимни муваффақиятли модернизация қилиш гаровидир<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январдаги қўшма мажлисидаги маърузасида асосий эътиборни қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолиятининг сифат-самарадорлигини оширишга қаратди. Унда қонун ижодкорлигини амалга оширишда янги, замонавий фаолият

шакллари жорий этиш, қонунни қўллаш амалиётини мунтазам ўрганиш, қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтларини кенг жалб этиш асосида муҳокама қилиш, тегишли хорижий ҳуқуқий амалиётни таҳлил қилиш, қонунларда уларнинг нормаларини амалга ошириш механизмларини пухта ишлаб чиқиш, қонун ижодкорлигида сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари ва депутатлар фаоллиги ҳамда ташаббускорлигига эришиш, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини йўлга қўйиш, парламент палаталарининг самарали ҳамкорлигини таъминлашга оид муҳим вазифалар белгиланди<sup>2</sup>. Давлатимиз раҳбарининг ушбу маърузаси ҳозирги кунда қонун ижодкорлигини ривожлантириш борасидаги ҳуқуқий сиёсатнинг ўзагини, унинг истиқболли дастурини ташкил этади, дейиш мумкин.

Замонавий илмий адабиётларда ҳуқуқий сиёсат мавзусига алоҳида аҳамият берилмоқда<sup>3</sup>. Мазкур мақолада ҳуқуқий сиёсатнинг биргина жабҳаси, яъни унинг қонун ижодкорлиги воситасида шакллантирилиши, амалга оширилиши, қолаверса, қонун ижодкорлигининг кўлами, йўналиши, мазмун-моҳиятини белгиловчи муҳим омил эканлигига эътибор қаратилади.

Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий тизим равон ҳаракатланишини таъминлаш, ҳуқуқий ҳаётни ташкиллаштириш бобида юритадиган сиёсати ҳуқуқий сиёсат деб аталади<sup>4</sup>. *Ҳуқуқий сиёсат* - давлатнинг ҳуқуқий мафкураси, унинг ҳуқуқий ҳаёт соҳасида тутадиган йўл-йўриғи, рўёбга чиқарадиган амал ва тадбирлари, қўлланиладиган раҳбарий ғоялари (принциплари) ифодасидир<sup>5</sup>.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

Шу билан бирга, айтиш жоизки, ҳуқуқий сиёсат юридик фаолиятдаги кадриятлар, устуворликлар тизимида, ҳуқуқий ҳаёт воқеликлариди, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида ҳамда расмий ҳуқуқий мафкурада намоён бўлади. Ўз мазмун-моҳиятига кўра, ҳуқуқий сиёсат жамият тузилмалари ва давлат органларини қуйидаги долзарб вазифаларни ҳал этишга йўналтиради: мамлакат миқёсидаги муҳим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқ субъектлари (жумладан, фуқаролар)нинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, юридик ҳаётни равон ҳамда изчил ривожлантириш, қонунчиликни давр талабларига мутаносиб такомиллаштириб бориш, ижтимоий-ҳуқуқий онг ва маданиятни барқарор юксалтириш, умуман, ҳуқуқий тизимни ялпи модернизация қилиш кабилар.

Илмий адабиётларда ҳуқуқий сиёсатнинг иродавий ҳодиса эканлигига эътибор қаратилади: «ҳуқуқий сиёсат давлатнинг ҳуқуқий ҳаёт соҳасидаги тизимли расмийлаштирилган иродаси бўлиб, у давлатнинг ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ... мақсадида юридик воситалардан оқилона фойдаланиш борасидаги мунтазам фаолиятидир»<sup>6</sup>. Давлат ҳокимиятининг ҳуқуқий сиёсати, бир томондан, қонунчилик тизимида моддийлашади (бунинг боиси, қонун, қонунчилик ҳужжатлари ҳуқуқни ифодалашнинг асосий шакли эканлигида), иккинчи томондан, қонун ижодкорлик фаолиятига татбиқан дифференциациялашади (тармоқланади).

Профессор С. В. Поленинанинг таъкидлашича, ҳуқуқий сиёсат унинг таъриф ва тавсифлари хилма-хил бўлишига қарамасдан, аввало, ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасидаги сиёсат тарзида тасаввур этилади<sup>7</sup>. Ҳуқуқшунос олим Б. У. Таджиханов эса «давлатнинг ҳуқуқий сиёсати унинг қонун яратиш фаолиятида, шунингдек, ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида яққол кўзга ташланади», «деб таъкидлайди»<sup>8</sup>. Келтирилган иқтибослар биз таъкидлаган ҳуқуқий сиёсат қонун ижодкорлигига татбиқан дифференциациялашади, деган тезисни қувватлайди. Мазкур тезисни давлатнинг «қонунчилик сиёсати» ёки «қонун ижодкорлиги борасидаги ҳуқуқий сиёсати» категориялари ёрдамида талқин этиш мумкин. Суверен давлат

ҳокимияти ўзининг мустақил қонунчилик стратегиясига, қонун ижодкорлигига доир ҳуқуқий сиёсатига, яъни ўз қонунчилик сиёсатига эга бўлади. Қонун ижодкорлиги борасидаги ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш ва расмийлаштиришда қонунчилик стратегияси институти муҳим методологик аҳамият касб этади. Хўш, қонунчилик стратегияси қандай маънони англатади? Фикримизча, *қонунчилик стратегияси* — бу мамлакат бутун ҳуқуқий тизимининг, алоҳида таркибий қисмлари, ҳуқуқ ҳамда қонунчилик соҳалари ва институтларининг ҳозирги ва келгуси тараққиёти йўналишларининг белгиланишидир. Қонунчилик стратегияси қонунларни тайёрлашнинг, уни режалаштириш ва амалга оширишнинг назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олади. У давлат сиёсати билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, қонунчилик стратегияси сиёсатни ҳуқуқий муносабатлар мазмунига сингдириш, қонунларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш воситасидир<sup>9</sup>.

Н.В.Минюк қонунчилик стратегиясининг комплекс ҳодиса эканлигини эътироф этиб, унинг қуйидаги элементлардан таркиб топишини таъкидлайди: а) қонун ижодкорлиги, қонунчилик ва ҳуқуқий тизимни ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларини белгилаш; б) мавжуд бошланғич вазиятни чуқур таҳлил этиш ва ҳуқуқий ҳаёт тенденцияларини аниқлаш; в) истиқболли вазифаларни ҳал этишнинг устувор ҳуқуқий воситаларини аниқлаш; г) қонун ижодкорлиги самарасини ошириш йўллари белгилаш<sup>10</sup>.

Ушбу элементлар сирасига биз қонунчилик стратегиясининг қуйидаги жиҳатларини ҳам қўшишни таклиф этамиз: аввало, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий тизимнинг истиқболли ривожлантириш *мақсадини* белгилаб олиш лозим. Иккинчидан, ҳар қандай стратегия мукамал илмий *ҳуқуқий прогнозлашга* асосланиши мақсадга мувофиқ<sup>11</sup>.

Давлат иродасининг қонун ижодкорлиги жараёнига таъсири қонунчилик сиёсати орқали амалга ошади. Шу боис, давлатнинг қонунчилик сиёсатини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиб, унга юридик фан нуқтаи назаридан тавсиф бериш алоҳида долзарблик касб этади. *Қонунчилик сиёсати* — давлат ҳуқуқий сиёсатининг бир бўлаги бўлиб, унда ижтимоий муносабатларни

ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий йўналишлари, принциплари, мақсад ва вазифалари ўз ифодасини топади<sup>12</sup>. Қонунларни шакллантириш, қабул қилиш ва ҳаётга жорий этиш мақсадларига йўналтирилган махсус сиёсий-юридик таъсир этиш воситалари ва чоралари йиғиндиси қонунчилик сиёсати воқелигини ташкил этади. Бошқача айтганда, қонун ижодкорлиги давлатнинг ҳуқуқий (қонунчилик) сиёсатини шакллантириш, ифодалаш, расмийлаштириш ҳамда амалга оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Қонунчилик сиёсати ижтимоий бошқарув санъатининг махсус туридир. Қонунчилик сиёсати қонун ижодкорлигининг бош мазмунини, асосий йўналишларини, тенденцияларини, уни такомиллаштириш стратегияси ҳамда тактикасини ва модернизациялаш мантиғини белгилайди.

Қонунчилик сиёсатининг энг муҳим сифати — қонунчиликни такомиллаштириш мақсадига йўналтирилганлик, ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни ижро этишни ташкил қилишнинг рационал тизимини ишлаб чиқишдир. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ҳеч кимга тобе бўлмаган қонунчилик сиёсатини юритади. Юксак нуфузли инсонпарвар, адолатли ҳамда демократик қонунлар яратиш, қонунни инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш воситасига айлантириш, жамият учун умумий манфаатли барча муносабатларни қонун ёрдамида муҳофаза этиш кабилар ушбу сиёсатнинг асосини ҳосил қилади.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси давлатимиз ҳуқуқий сиёсатининг, шунингдек, қонунчилик сиёсатининг негизини ташкил этади. У қонунчилик сиёсатининг асослари, принциплари ва устувор йўналишларини белгилаб беради. Шу маънода, Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этмоқда<sup>13</sup>. Дарҳақиқат, Конституцияда жамият ривожланишининг бош стратегияси, устувор йўналишлари, давлат умумий ва ҳуқуқий сиёсатининг мазмун-моҳияти

ўзининг қонуний ифодасини топади. Аслида Конституция жамият сиёсий етуклигининг, маърифий-ҳуқуқий савиясининг, турли ижтимоий-сиёсий кучлар мувозанати (муросага келишуви)нинг натижаси, маҳсулидир. Конституция нафақат соф маънодаги юридик ҳужжат, балки давлат сиёсатини олий даражадаги қонун тарзида расмийлаштирувчи ҳужжатдир. Асосий қонунимизда қонун ижодкорлиги жараёни ва унинг босқичлари, қонунларни яратишнинг конституциявий механизми аниқ ҳамда қатъий мустаҳкамланган (76-, 78, 83, 84, 87, 93-модданинг 17-банди ва бошқ.). Мазкур моддаларда белгиланган қоида, принцип ва нормалар мамлакатимизда амалга ошириладиган қонун ижодкорлик фаолиятининг, шунингдек, қонунчилик сиёсатининг конституциявий асосларини ташкил этади.

Давлатнинг Конституцияда ифодланган сиёсатини, сиёсий мафқураси ва доктринасини конституциявий-ҳуқуқий сиёсат сифатида эътироф этиш мумкин. Таҳлил этилаётган мавзуга татбиқан *конституциявий-ҳуқуқий сиёсат* — давлат ҳокимиятининг Конституция асосида ҳуқуқ яратиш, қонунларни ижод қилиш ва уни амалга ошириш соҳасида давлат органлари, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтларининг ваколатларини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойили асосида қонун ижодкорлиги стратегиясини белгилаш, шунингдек, ҳуқуқий воситалар билан конституциявий тузумни муҳофаза этишга оид асосий концептуал қоида ва мезонларни ишлаб чиқиш ҳамда жамият ҳаётига татбиқ этишга йўналтирилган фаолиятидир<sup>14</sup>.

Мамлакатнинг қонунчилик стратегияси Конституцияда мужассам ифодаланган. Айни вақтда, қонунчилик стратегияси қонунчилик сиёсатининг мазмун-моҳиятини ижтимоий муносабатлар тизимига синдиришнинг муҳим йўналишлари сифатида майдонга чиқади.

Давлатимизнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги замонавий ҳуқуқий сиёсати Ўзбекистон Республикаси Президенти 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаш-

тириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ўзининг аниқ ифодасини топган. Унда Давлатимиз раҳбари жамиятимизнинг истиқболли тараққиётини таъминловчи устувор йўналишларни белгилаш баробарида, бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустақамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ҳамда сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди. Концепциянинг *бош мақсади* мустақиллик йиллари мобайнида амалга оширилган ислохотлар ва эришилган ютуқларга танқидий баҳо бериш ҳамда истиқболда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифаларни илмий-амалий, назарий жиҳатдан асослашдан иборат.

Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрлари қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи парламент учун дастуруламал, қонун ижодкорлик фаолиятини янада жўшқинлаштириш учун стратегик асос бўлиб хизмат қилади: «Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Шу боис, авваламбор... ҳар томонлама чуқур ўйланган аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлган мамлакат ва халқ муваффақиятга эришади. Ўзбекистон Президенти, шунингдек, «қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишдан кўзланган асосий мақсад — парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида... **қонун ижодкорлигининг сифатини** жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат»<sup>15</sup>, — деб эътироф этди.

Алоҳида ургу бериш лозимки, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясининг Президент Ислон Каримов шу чоққача қилган барча маърузаларидан фарқли хусусияти шундаки, ушбу маъруза Давлатимиз раҳбарининг жуда катта миқдордаги янги қонунларни қабул қилиш,

қўплаб амалдаги қонунларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш борасидаги қонунчилик ташаббусларига ниҳоятда бой бўлди. Энг муҳими, Президентнинг қонунчилик ташаббуслари илмий ва амалий жиҳатдан чуқур асослантирилган бўлиб, жамиятимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш эҳтиёжларига хизмат қилувчи қонунлар қабул қилинишига тааллуқли бўлди.

Унда 21 та янги қонун, 5 та янги таҳрирдаги қонун, 2 та миллий дастур ва амалдаги қонунларга 25 та қўшимча ва ўзгартириш киритиш, жами 50 дан зиёд қонунчилик ташаббуси илгари сурилган.

Кўриниб турибдики, Давлатимиз раҳбари тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» Олий Мажлис палаталари қонун ижодкорлик фаолиятининг қатъий дастуруламали сифатида мазкур фаолиятга янгича руҳ, маъно-мазмун, жўшқинлик, изчиллик ва тизимлилик бахш этди. Энг муҳими, барча қонунларимизни демократик фуқаролик жамияти қуриш эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган сифат ҳамда савияга эга бўлишига кўмаклашмоқда.

Қонунчилик сиёсатини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Президенти алоҳида ўрин тутди. Президент давлат бошлиғи сифатида ўз фармон ва қарорлари воситасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаётининг барча соҳаларига оид ҳуқуқий сиёсат асосларини белгилаб беради. Шунингдек, у парламент минбаридан туриб мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан қилган маърузаларида, парламентга мурожаатларида, алоҳида концепцияларида қонун ижодкорлиги борасидаги сиёсатнинг асосий устуворликларини ифода этади.

Фикримизнинг далили сифатида Ислон Каримовнинг «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» асаридаги қуйидаги иқтибосни келтириш айни муддаодир: «Давлат қурилиши ва иқтисодийни ислоҳ қилиш соҳасидаги асосий, гоят муҳим стратегик қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан ишлаб чиқилади ва унинг фармонлари билан тасдиқланади. Айни шу фармонлар ислохотларнинг асосий мафкурасини ва уларни амалга оширишнинг муҳим

босқичларини ўзида акс эттиради. Қабул қилинаётган муҳим қарорлар қандай мақсадга қаратилганлиги, уларни амалга ошириш механизми фармонларда очиб берилади»<sup>16</sup>.

Мустақил тараққиётимизнинг дастлабки даврларида қонун ижодкорлигида шундай тажриба шаклландики, масалан, қатор муҳим соҳалар бўйича, хусусан, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, хусусий мулкчиликни ривожлантиришни рағбатлантириш, банк ва банклар фаолияти, қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржасини шакллантириш, биржалар ва биржа фаолиятини ташкил қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш каби кўплаб масалалар бўйича дастлаб Президент фармонлари қабул қилинди. Тегишли ҳуқуқий механизмлар ҳаёт синовидан ўтиб, ижтимоий муносабатлар руҳига синггач, шу масалаларга оид алоҳида-алоҳида қонунлар қабул қилинган эди. Шуларни таҳлил этиб, Президент ўз мулоҳазаларини қуйидагича ифода қилади: «Ислоҳотлар жараёни ривожланиб ва чуқурлашиб борган сари, уларнинг ҳуқуқий негизи сайқалланиб ва такомиллаштириб борилади, қабул қилинган қонун ҳужжатларига ўз вақтида зарур ўзгартиришлар киритилади.

Фармонларда қабул қилинадиган ечимлар ҳукумат қарорларида ҳуқуқий асосда батафсил ёритиб берилади ва аниқ чоратадбирлар билан мустақамланади. Ҳукумат қарорларини қабул қилиш йўли билан иқтисодий ислоҳотларнинг боришини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан жадал суратда тартибга солиш, иқтисодиётнинг ғоят муҳим бўғинлари ва соҳаларини ўзгартириш жараёни амалга оширилади»<sup>17</sup>. Кейинги йилларда қонун чиқариш тизимининг ўзигина эмас, балки қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш механизми ҳам вужудга келди.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи олий давлат вакилик органи сифатида қонунчилик сиёсатини шакллантириш ва ҳаётга жорий этишда салмоқли роль ўйнайди. Қонун ижодкорлиги жараёни қабул қилинадиган қонунларда давлат сиёсатини, хусусан ҳуқуқий сиёсатни ифодалаш, расмийлаштиришнинг алоҳида тартиби (процедураси) ҳисобланади. «Қонун

чиқариш жараёнида ҳуқуқий сиёсатни шакллантиришда жамиятнинг умумий манфаатларини, турли ижтимоий қатламларнинг манфаатларини аниқлаш ва муро-сага келтириш»<sup>18</sup> амалга оширилади. Парламент қонун ижодкорлиги жараёнини самарали ташкил этиш, изчил қонунчилик тизимини шакллантириш, сифатли қонунлар қабул қилинишини таъминлаш, қонунлар ижроси устидан парламент назоратини амалга ошириш билан боғлиқ катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Парламент мамлакат тараққиётининг тегишли босқичларида муҳим қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича қонун ижодкорлик ишлари режаларини қабул қилади, мазкур фаолиятнинг концептуал ва ташкилий жиҳатларини муҳокама этиб, ўз стратегик вазибаларини белгилайди.

Олий Мажлис қонунчилик сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш жараёнига Конституциянинг 83-моддасида назарда тутилган қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларини, сиёсий партияларни (уларнинг парламентдаги фракцияларини), фуқаролик жамиятининг барча институтларини, айниқса оммавий ахборот воситаларини кенг жалб этади. Мазкур сиёсатнинг асосий принциплари ва устувор йўналишлари мазмунида мамлакатда ўтказилган референдумлар, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамалари яқунлари, халқ ижтимоий фикрини ва фуқароларнинг ҳуқуқ ташаббускорлигини акс эттириш таъминланмоқда. Қонун ижодкорлик жараёнида халқ оммасининг, фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш парламент собитлик билан риоя этадиган демократик конституциявий принципдир.

Ҳукумат даражасида қабул қилинадиган қарорлар қонун ва фармонлар ижросини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, улар ҳам давлат томонидан юритилаётган қонунчилик соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатнинг амалий жиҳатларини акс эттиради. Қонунчилик сиёсатининг айрим юридик ва ташкилий масалаларини ишлаб чиқишда, ҳаётга татбиқ этиш ва қонунчилик ҳужжатларини лойиҳалаштириш, амалдаги қонунчиликни янги қабул қилинган қонунларга мувофиқлаштиришда Адлия вазирлиги, қонунлар ижроси устидан назоратни ташкил этишда прокуратура, қонунлар ижросини

---

таҳлил этиш бўйича Президент ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ва бошқалар муҳим роль ўйнайди.

Давлатнинг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатини шакллантиришда суд ҳокимияти субъектлари ҳам фаол қатнашадилар. Конституциявий суд, умумий юрисдикция ва ҳўжалик судларининг олий органлари қонунларни қўллаш амалиётини таҳлил этиш асосида қонунчилик ташаббуси тартибида парламент эътиборига мунтазам равишда тегишли таклифларни киритадилар. Амалиётчи мутахассис Б. Қ.Жамоловнинг таъкидлашича, мазкур институтнинг конституциявий қонун даражасига кўтарилишининг боиси, қонунларни муайян ишлар бўйича қўллаш жараёнида улар ҳаёт синовидан ўтади ва маълум суд амалиётини шакллантиради<sup>19</sup>. Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг концепцияси, шунингдек, жинойт қонунчилиги ва жинойт жазо тайинлаш тизимини либераллаштириш концепцияси ҳам ушбу демократик ўзгаришларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш борасидаги қонунчилик сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилиши мумкин. Хусусан, мазкур сиёсатнинг қатор устуворликлари «Судлар тўғрисида»ги қонунда, Президент фармонларида, айниқса, «Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Президент қарорида (2008 йил 23 июнь) расмий тарзда мустаҳкамланди<sup>20</sup>. Мазкур ҳужжатда судларга оид қонунчилик сиёсатининг қуйидаги мантиғи ифода этилган: мустақил, холис, демократик суд ҳокимияти ва инсонпарвар суд тизимини вужудга келтириш пировардида инсон манфаатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли муҳофаза этишга хизмат қилади.

Шу ўринда, ҳуқуқий сиёсатнинг алоҳида тури сифатида суд-ҳуқуқий сиёсати мавжудлигини ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин. Фикримизча, *суд ҳуқуқий сиёсати* - давлат ҳокимиятининг, тегишли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатдаги одил судловни ташкил этиш ва амалга оширишга оид ҳуқуқий ғояларни, принципларни, соҳани ислоҳ этиш мафку-

раси ҳамда стратегиясини ишлаб чиқишга йўналтирилган мақсадли, илмий асосланган, изчил ва тизимли фаолиятidir. Унинг моҳияти жамият ва давлат манфаатларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, одил судловни самарали ташкил этиш ва амалга оширишга доир ғояларни шакллантириш ҳамда вазифаларни белгилаш, дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишдан иборат.

Жамиятни модернизациялаш жараёнида давлатнинг қонун ижодкорлик фаолиятига, умуман, қонунчилик сиёсатининг мазмунига янада юқори янги талаблар қўйилиши табиий. Мазкур вазиятда қонун ижодкорлиги соҳасидаги давлат сиёсатини давр руҳи ва эҳтиёжларига мос ҳолда такомиллаштиришни таъминловчи, мустаҳкам методологияга таянган илмий концепцияни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу ўринда, қонунчилик сиёсати қонунлар яратиш соҳасидаги давлат фаолиятининг илмий асосланган стратегияси ва тактикаси сифатида майдонга чиқади. Қонун ижодкорлиги борасидаги ҳуқуқий сиёсатни ривожлантириш концепциясида, аввало, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятининг ва қонунчилик сиёсатининг бош мақсади, асосий вазифалари, устувор йўналишлари, ривожланиш тенденциялари, қўлланиладиган раҳбарий принциплари, структураси ва шакллари, ижтимоий муносабатларни қонун воситасида тартибга солишнинг юридик воситалари ва усуллари ўз аксини топиши зарур. Қонун ижодкорлигига оид сиёсатнинг истиқболга мўлжалланган концепциясини ишлаб чиқишда қонун ва қонунчилик ҳужжатлари тизими ривожланишини прогноз қилиш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, қонунчилик сиёсати давлат ҳуқуқий сиёсатининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакатнинг изчил ҳуқуқий тараққиётини таъминлаш, ҳуқуқий тизимни яхлит воқелик тарзида сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, қонун ижодкорлиги фаолиятини модернизация қилиш, унинг илмий асосларини мустаҳкамлаш, энг муҳими, ижтимоий муносабатларни самарали ҳуқуқий тартибга солишнинг қонуний механизмларини яратиш имконини беради.



---

<sup>1</sup> Қаранг: *Таджиханов Б. У.* Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш. — Т., 2007. — Б. 4.

<sup>2</sup> Халқ сўзи. — 2015. — 24 янв.

<sup>3</sup> *Коробова А. П.* Правовая политика: понятие, формы реализации, приоритеты в современной России: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Саратов, 2000. — С. 15; *Исломов З.* Ҳуқуқий сиёсатнинг шаклланиши ва амалга оширилишида юридик фаннинг аҳамияти // *Ҳуқуқ—Право—Law.* — 2003. — № 3. — Б. 10; *Матузов Н. И.* Актуальные проблемы российской правовой политики // *Гос. и право.* — 2001. — № 10. — С. 6; *Малько А. В., Шундиқов К. В.* Правовая политика современной России: цели и средства // *Гос. и право.* — 2001. — № 7. — С. 15; *Одилқориев Х. Т.* Конституциявий-ҳуқуқий сиёсат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш // *Ҳуқуқ—Право—Law.* — 2002. — № 4. — Б. 3–4; *Минюк Н. В.* Законотворчество как форма выражения правовой политики // *Гос. и право.* — 2007. — № 6. — С. 94–98: ва бошқ.

<sup>4</sup> Қаранг: *Матузов Н. И.* Правовая политика: сущность, концепция, реальность // *Российская правовая политика.* — М., 2003. — С. 83.

<sup>5</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 34.

<sup>6</sup> *Таджиханов Б. У.* Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш. — Т., 2007. — Б. 19.

<sup>7</sup> Қаранг: *Российская правовая политика.* — М., 2003. — С. 180.

<sup>8</sup> *Таджиханов Б. У.* Кўрсатилган асар. — Б. 4.

<sup>9</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 155.

<sup>10</sup> *Минюк Н. В.* Законотворчество как форма выражения правовой политики // *Гос. и право.* 2007. — № 6. — С. 96.

<sup>11</sup> *Батафсилроқ қаранг: Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 155.

<sup>12</sup> *Одилқориев Ҳ. Т.* Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — Б. 33.

<sup>13</sup> *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2011. — Б. 7.

<sup>14</sup> Қаранг: *Одилқориев Ҳ. Т.* Конституциявий сиёсат ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш // *Ҳуқуқ—Право—Law.* — 2002. — № 4. — Б. 4.

<sup>15</sup> *Каримов И. А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2011. — Б. 9.

<sup>16</sup> *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.- Т., 1996. — Б. 195.

<sup>17</sup> Қаранг: *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. — Т., 1996. — Б. 195–196.

<sup>18</sup> Қаранг: *Таджиханов Б. У.* Кўрсатилган асар. — Б. 42.

<sup>19</sup> Қаранг: *Жамолов Б. Қ.* Суд ҳокимияти. — Т., 2011. — Б. 29–30.

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2008. — № 26-27. — 248-м.

**Одилқориев Х. Т. Қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат: шаклланиши ва амалга оширилиши**

**Таянч иборалар:** давлат ҳокимияти, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий сиёсат, қонунчилик сиёсати, қонунчилик стратегияси, ҳуқуқий тизим самарадорлигини ошириш.

Мақолада давлат ҳокимиятининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳуқуқий сиёсатининг маъно-моҳияти, уни шакллантириш механизми ва принциплари, қонунчилик стратегиясини қарор топтириш, унинг таркибий элементлари ва амалга ошириш масалалари назарий-методологик жиҳатдан таҳлил этилади.

**Адълқариев Х. Т. Правовая политика в отрасли права: формирование и реализация**

**Ключевые слова:** государственная власть, законотворчество, правовая политика, законодательная политика, законодательная стратегия, повышение эффективности правовой системы.

В статье рассматриваются теоретико-методологические вопросы формирования и выражения правовой политики государства в сфере законотворчества, анализируются сущность, механизм и принципы формирования законодательной стратегии, ее структурные элементы и проблемы реализации.

**Adilkariyev Kh.T. Legal policy in the sphere of law: formation and realization**

**Key words:** state authority, law-making, legal policy, legislative policy, legislative strategy, increase of effectiveness of legal system.

The article deals with the theoretical and methodological problems of formation and expression of state legal policy in the law-making sphere. The author analyzes the essence, mechanism and principles of formation of legislative strategy, its structural elements and problems of realization.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Чунки, ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиларидан бири бўлган давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниш принципи Конституцияда мустақамлаб қўйилган. Бу борада мамлакат Президенти Ислоҳ Каримов демократик принципларни давлат бошқарувига янада чуқуқроқ жорий этишни асосий вазифа сифатида белгилаб, «Ҳокимият — яъни қонунчилик, ижро ва суд тармоқларининг ўзаро муносабати ва мутаносиблигини, шу билан бирга, уларнинг мустақиллигини таъминлаш, ҳар қайси тармоқ ўз вазифа ва бурчини бажариши учун амалий механизмларни ташкил қилиб бериш»<sup>1</sup> мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Мазкур устувор вазифадан келиб чиқиб, бугунги кунда икки палатали парламент тизимини жорий этиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ўртасидаги ваколатларни қайта тақсимлаш ҳисобига давлат ҳокимияти механизминини маълум даражада модернизациялашга олиб келганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларига қараб, *умумий* ва *махсус ваколатли* давлат органларига бўлинади<sup>2</sup>. Умумий ваколатли давлат органлари ўз ваколатига қирадиган умумий ёки кўп тармоқли бошқарув фаолияти билан шуғулланади. Уларга қонун чиқарувчи — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимликлари қиради. Махсус

ваколатли давлат органларига давлатнинг маълум бир махсус вазифасини бажаришга қаратилган ваколатли органлар, масалан, вазирликлар, ҳокимликлар алоҳида бошқармалар ва бўлимлар қиради.

Давлатнинг ижроия ва бошқарув органларидаги махсус ваколатли органлари ҳам, ўз навбатида, тармоқ органлари, яъни маълум бир тармоқнинг бошқарув органлари ва тармоқлараро бошқарув органларига бўлинади. Биринчисига, асосан, вазирликлар, иккинчисига эса давлат қўмиталари қиради. Умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органларининг фаолият доираси кенг. Улар кенг миқёсдаги масалаларни ҳал этади. Давлат томонидан чиқарилган қонунларнинг ижро этилишида давлат ҳокимият органлари иштирок этади. Махсус ваколатга эга бўлган органлар у ёки бу функцияни, муайян фаолият турини ижро этишга ихтисослашади. Масалан, маҳаллий ҳокимият органлари ўз ҳудудида фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлайди, фуқаролик ҳолати актларини қайд этувчи органларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади. Агар туман ва кичик шаҳарларда бу ишларни бевосита маҳаллий ҳокимият органлари амалга оширсалар, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бу фаолият жойлардаги адлия органлари орқали йўлга қўйилади.

Давлат ҳокимияти органлари *коллегиал* ёки *яккабошчилик* асосида ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилувчи давлат органларига бўлинади. Коллегиал ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш кўпчилик овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида бундай давлат ҳокимияти органлари

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиёти кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

---

сирасига – Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, халқ депутатлари кенгашлари, вилоят, туман, шаҳар, суд органлари киради. Яккабошчилик асосидаги давлат ҳокимияти органларида эса, раҳбарларнинг ўзи томонидан мустақил ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш назарда тутилади. Бундай давлат ҳокимияти органларига – Ўзбекистон Республикасининг Президенти, вазирлар, давлат қўмиталари раислари, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг бошқарув, бўлим бошлиқлари киради<sup>3</sup>.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари юқори давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалда қўлланилишини таъминлашда асосий роль ўйнайди. Уларга қонунлар ва Президент фармонларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш масъулияти юклатилган. Шунингдек, маҳаллий ҳокимиятнинг қўйи органлари юқори ҳокимият органлари ҳужжатларини ҳам амалга оширишга масъулдирлар. Давлат ҳокимиятининг ҳар бир юқори органи қўйи давлат органлари фаолиятини олиб боришга, яъни улар фаолиятини амалга оширишга раҳбарлик қилади. Бу раҳбарлик қўйи органларга кўрсатмалар бериш, уларнинг фаолиятини текшириш ва назорат қилиш, қўйи органларнинг ғайриқонуний ҳужжатларини тўхтатиб қўйиш ёки бекор қилиш каби кўринишларда амалга оширилади.

Юқори ҳокимият органларининг ўзига берилган ваколат доирасида қабул қилган ҳар қандай ҳужжатлари қўйи маҳаллий органлар бажариши мажбурийдир. Бу ҳолда давлат органлари ўртасидаги муносабатнинг асосини ташкил этиб, ижро интизомини, масъулиятини таъминлайди. Маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти давомида ўзининг ваколоти доирасида норматив ҳужжатлар қабул қилиши мумкин. Улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг мазкур ҳудудда бажарилиши мажбурийдир. Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунларга зид

бўлмайдиган бошқа қатор ваколатларни ҳам амалга оширадilar.

Давлат ҳокимиятини модернизация қилиш ҳамда уларнинг фаолиятини янада демократлаштириш борасида мамлакат Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида баён этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қонунчилик ташаббуси тарзида илгари сурган «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги таклифи катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад «... фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришдан иборат»<sup>4</sup> эканлиги таъкидланди.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизация қилишнинг муҳимлиги ҳамда масъулиятли вазифа эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти 2013 йил 20 мартда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш ҳақида фармойиш қабул қилди. Ижтимоий-сиёсий воқелигимизда бундай ҳуқуқий экспериментнинг ўтказилиши нафақат мислсиз юридик прецедент, балки давлат ҳокимияти тузилмаларини замонавий талаблар даражасида тақомиллаштириш ишига жиддий, амалий тажрибаларига таянган ҳолда пухта ҳозирлик кўриш асосида ёндашишни таъминлайди. Ушбу эксперимент 2013 йилнинг мартдан декабригача Бухоро ва Самарқанд вилоятлари давлат ҳокимияти органлари негизида юқоридаги қонун лойиҳаси синови бўйича ўтказилиши белгиланди. Ҳуқуқий экспериментни ўтказишда қўйидаги мақсад

---

---

ва вазифаларнинг бажарилиши кўзда тутилади:

— қонун лойиҳасининг давлат органлари фаолиятининг очиқлигини, шаффофлигини, уларнинг фаолияти тўғрисида ахборотдан оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари, аҳоли (ахборотдан фойдаланувчилар) кенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган қоидалари самарадорлигини аниқлаш, бу қоидаларга амалий жиҳатдан ишлов бериш;

— қонун лойиҳасининг қоидаларини, шу жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви субъектларининг, шунингдек, ушбу субъектлар фаолияти тўғрисида ахборот олишдан манфаатдор бўлган оммавий ахборот воситалари, фуқаролик институтлари, аҳолининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириш, уларни амалга оширишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

— қонун лойиҳаси нормалари амалга оширилишининг давлат бошқарув тизими барқарор фаолият юритишига, бу соҳадаги ахборот хавфсизлигини таъминлашга кўрсатиши мумкин бўлган таъсири оқибатларини баҳолаш;

— давлат органлари раҳбарлари ўзи қабул қилаётган қарорларнинг, энг аввало, бевосита одамлар манфаатига, жамоатчиликка дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар орқали тушунтириш борасидаги ишларда фаол иштирок этишини рағбатлантиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини, усулларини ишлаб чиқиш;

— миллий матбуотнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини, мамлакатимизнинг ташқи ва ички сиёсатини ёритиш сифатини, самарадорлигини мунтазам ошириб боришга қаратилган, журналистларнинг касбий фаолияти соҳасида ўзини ўзи тартибга солиш (касбий этика кодекси)нинг турли механизмларини амалиётда синовдан ўтказиш<sup>5</sup>дан иборат бўлди

---

---

ва бу ўзининг ижобий самарасини берди.

Шундан сўнг, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун 2014 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди, 2014 йил 10 апрелда Сенат томонидан маъқулланди ҳамда 2014 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланди. Мазкур қонун ўз ичига 4 боб 24 моддани қамраб олган бўлиб, унинг асосий вазифаси қуйидагиларда ифодаланди:

— жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқининг кафолатларини таъминлаш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда улар мансабдор шахсларининг қабул қилинаётган қарорлар учун масъулиятини ошириш;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатиш тартибини белгилаш<sup>6</sup>.

Шунингдек, қонунда бир қатор масалалар, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигининг асосий принциплари кўрсатилган бўлиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан тақдим этиладиган ахборотдан ҳамманинг фойдаланиши мумкинлиги, унинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги, улар фаолиятининг ошкоралиги ва шаффофлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этишда фуқароларнинг ўз шаъни ва кадр-қимматини тажовузлардан, ўз шахсий ҳаётига аралашувлардан ҳимоя қилишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ишчанлик обрўсини ҳимоя

---

---

қилишга бўлган ҳуқуқларга риоя этиш каби масалалар баён этилган. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларидан хабардор бўлиши, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасининг янада юксалишига олиб келади.

---

---

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши нафақат фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи яна бир муҳим ҳуқуқий ҳужжат, балки давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик йўлида курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 322-323.

<sup>2</sup> Одиқориев Х., Тўлтеев И., Мухамедов Қ. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуқи: Дарслик // Проф. Х.Одиқориевнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2005. – Б. 259.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б. 259.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 31.

<sup>5</sup> Одиқориев Х. Т. Давлат ҳокимиятини модернизация қилиш – сиёсий-ҳуқуқий ривожланишнинг марказий йўналиши // Давлат ҳокимияти ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш: Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2013. – Б. 14–15.

<sup>6</sup> «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 19. – 12 май.

**Қодиров У. А. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятини модернизация қилишнинг ҳуқуқий асоси**

**Таянч иборалар:** давлат ҳокимияти, давлат фаолияти, бошқарув органлари, ахборот соҳаси, ахборот хавфсизлиги, ҳуқуқий эксперимент.

Мақолада «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг тузилиши, унинг асосий вазифалари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг асосий принципларига оид масалалар атрофлича ёритилган.

**Қодиров У. А. Правовые основы модернизации государственной власти в Узбекистане**

**Ключевые слова:** государственная власть, государственная деятельность, органы управления, информационная отрасль, информационная безопасность, правовой эксперимент.

В статье рассматривается Закон Республики Узбекистан «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления», его структура и основные задачи, а также основные принципы деятельности государственной власти и органов управления.

**Kadirov U.A. Legal bases of modernization of state authority in Uzbekistan**

**Key words:** state authority, activity of state, governing bodies, information sphere, information security, legal experiment.

The article deals with the law «On the openness of the activity of state authority and governing bodies», its structure, main tasks and basic principles of state authority and governing bodies.

## ПРАВОВОЕ ВОЗДЕЙСТВИЕ И РЕГУЛИРОВАНИЕ В СИСТЕМЕ ДЕЙСТВИЯ ПРАВА

Возникновение и действие права является результатом насущных потребностей общества. Важнейшее предназначение права, т.е. его социальное значение, заключается в том, чтобы регулировать общественные отношения путем воздействия на поведение людей. Основным, определяющим началом, заключенным в праве, является его способность оказывать воздействие на волю и сознание индивидов. Вот почему в современных условиях особую актуальность приобретает научный анализ процессов правового воздействия и социального регулирования.

Смысл действия права в демократическом обществе заключается в том, чтобы обеспечить самостоятельность и независимость человека от государства как субъекта гражданского общества и одновременно гарантировать возможность для проявления его социальной активности, создать четкий механизм правовой защиты его прав и свобод<sup>1</sup>. Наличие и действие такого механизма, безусловно, обеспечивает в обществе достоинство и самореализацию личности.

Действие права в самом общем и доступном виде означает перевод требований правовой нормы в реальную практику, т.е. функционирование отдельных юридических норм. «Содержательной стороной действия права, - отмечает проф. В. В. Лазарев, - является собственно правовое регулирование, отражающее сугубо динамическую роль права»<sup>2</sup>.

Исследование соотношения правового воздействия и правового регулирования требует уточнения понятий «регулирование» и «воздействие». Понятие «воздействие» по объему более широкое, чем «регулирование», ибо воздействие включает как регулирование с помощью определенной пра-

вовой нормы, так и другие правовые средства и формы влияния на поведение людей<sup>3</sup>.

По мнению проф. В. А. Комарова, правовое воздействие - это результативное, нормативно-организационное влияние на общественные отношения как специальной системы собственно правовых средств (норм права, правоотношений, актов реализации и применения), так и иных правовых явлений (правосознания, правовой культуры, правовых принципов, правотворческого процесса)<sup>4</sup>.

Исследование тенденций развития правовой сферы позволило Ю. А. Тихомирову прийти к выводу, что правовое регулирование - это институциональный и познавательный механизм установления нормативно-юридических правил поведения (деятельности), обязательных или рекомендательных, их обеспечения и реализации<sup>5</sup>. Исходными элементами приведенного определения Ю. А. Тихомиров называет цели и предмет правового регулирования, его субъекты и объект, процесс и стадии, способы (методы), результаты и новый цикл. При этом, по мнению ученого, «непрерывность регулирования - индикатор его жизнестойкости»<sup>6</sup>.

Таким образом, можно отметить следующие черты правового регулирования:

а) комплексный характер регулирования, включая его правовые, экономические, культурологические, социальные и поведенческие аспекты;

б) оценочно-целевой характер регулирования как процесс формирования целей, концепций, прогнозов, моделей и форм правового воздействия, правоприменения<sup>7</sup>, оценки их эффективности и меры отклонения от моделей и норм;

\* Преподаватель Национального университета Узбекистана, кандидат юридических наук.

в) многоуровневый характер регулирования, включая различные по правовой природе регуляторы и саморегулирование;

г) принципы регулирования – опережающего отражения, вариативности, реализации целей в новых правовых состояниях;

д) типологию регулирующих режимов<sup>8</sup> и т.д.

Согласно теории управления всякое регулирование означает упорядочение, воздействие с целью наведения порядка, правильности, приведения в движение, развития какого-либо явления. Право, призванное регулировать общественные отношения, оказывает влияние на поведение людей. Право оказывает свое регулятивное влияние через комплекс предоставляемых прав и обязанностей, запретов и дозволений, установления правового статуса. Право как институциональное образование, как объективное право, складывается из множества юридических норм, прав и обязанностей, санкций, других элементов правовой материи. Это многоуровневая, иерархическая структура, существующая в обществе, выступающая в качестве особого регулирующего феномена, обладающего системным правовым влиянием. Лишь развитое право способно оказать позитивное регулирующее влияние на законность и правопорядок в обществе.

М. Ю. Осипов, глубоко исследовавший правовое регулирование как системное явление, выделил в юридической науке несколько подходов к понятию «правовое регулирование»:

а) правовое регулирование как единство трех взаимосвязанных компонентов – правотворчество, правореализация и применение юридической ответственности (П. Е. Недбайло, В. М. Сырых, Ф. Н. Фаткуллин, В. А. Шабалин и др.);

б) правовое регулирование как специфическое юридическое воздействие на общественные отношения с целью их упорядочения (А. В. Малько; А. В. Поляков и др.);

в) правовое регулирование как воздействие государства на поведение участников общественных отношений с целью подчи-

нить поведение отдельных субъектов установленному в обществе правопорядку (В. М. Горшенев и др.);

г) правовое регулирование как воздействие на волю людей (М. Ф. Орзих и др.);

д) правовое регулирование как синоним правового воздействия (Е. А. Лукашева, Ю. И. Новик и др.);

е) правовое регулирование как руководство общественными процессами при помощи права (Е. Быстрикина, М. Лакатош и др.)<sup>9</sup>.

При всем различии указанных подходов в них усматриваются общие черты – это *процесс* (деятельность, длящаяся во времени, как правило, протекающая в определенных формах и процедурах), это *воздействие* (организованное влияние на социальные отношения и их субъекты, их сознание и установки), это регламентированное *юридическое* воздействие (специально установленные формы, процедуры, правила, методы и т.д.), это *результативное* воздействие (возникновение либо изменение отношений, формирование или изменение сознания, установок, состояния, поведения, ответственность и другие юридические последствия). Как видим, правовое регулирование проявляется в деятельностном, нормативно-воздействующем, специально-юридическом и результативном аспектах.

Правовое регулирование имеет свою цель, т.е. желаемый идеальный результат, ради достижения которого субъект правотворчества осуществляет правовое регулирование общественных отношений (упорядоченность, другие юридические цели)<sup>10</sup>. Оно имеет свой объект и предмет – общественные отношения, явления и процессы, факты, поведение их субъектов, их сознание, психология, установки и действия. Оно осуществляется посредством целого ряда средств, инструментов, процедур, актов. Ему присущи свои типы, методы, способы и режимы. Правовому регулированию, как и другим видам юридической деятельности, присущи определенные функции, т.е. направления воздействия правового регулиро-

---

---

вания на общественные отношения, проявляемые в решении конкретных задач.

Таким образом, к элементам правового регулирования можно отнести объект, предмет, методы, принципы, функции, цели, средства, способы, типы, режимы и, наконец, механизм правового регулирования. Правовое регулирование, будучи сложно организованным системным правовым процессом, само входит составной частью в более широкое явление – действие права.

Обзор научной литературы, посвященной вопросам правового регулирования, функционирования, действия права, показывает интересную картину: в большинстве из изученных работ рассматриваются проблемы не собственно правового регулирования, а его механизма. В результате складывается впечатление, что проблематика механизма правового регулирования шире явления «правовое регулирование», первая категория охватывает вторую. На самом деле (и это признает большинство исследователей) механизм правового регулирования входит составной частью в такое более широкое явление, как правовое регулирование. В свою очередь, правовое регулирование охватывается таким явлением, как действие права. Думается, правильным было бы в данном случае рассмотреть категорию «правовое регулирование», определить ее соотношение с категорией «действие права».

Действие права представляет собой реальное функционирование, практическое осуществление права, его претворение в жизнь, в конечном счете – достижение заложенных в нем целей. Присоединяясь к мнению В. В. Дедухина о том, что «действие права представляет собой системную категорию, в качестве элементов которой выступают различные виды юридической деятельности»<sup>11</sup>, отметим, что действие права включает в себя такие элементы, как правовое воздействие и правовое регулирование. Категория «действие права» по своему содержанию и форме шире категорий «правовое воздействие» и «правовое регулирование». Оно охватывает их, образуя в сумме новое качество, целостное правовое явление.

---

---

Правовое регулирование представляет собой осуществляемое посредством системы юридических средств воздействие на общественные отношения с целью их упорядочения. В свою очередь, правовое воздействие есть многообразный сложный процесс влияния права на всю социальную жизнь, т.е. общественные отношения, сознание и поведение людей. Указанные правовые явления не совпадают, они имеют определенные различия, которые проявляются в следующем.

Прежде всего, предмет правового воздействия значительно шире предмета правового регулирования. Правовое воздействие включает некоторые объекты, которые не подвергаются активному правовому регулированию, но входят в сферу влияния права<sup>12</sup>. Правовое регулирование носит характер целенаправленного специально-юридического воздействия, в его результате закрепляются права и обязанности субъектов права, а правовое воздействие может и не носить такого характера.

Говоря иными словами, правовое регулирование всегда является правовым воздействием, но не всегда правовое воздействие есть правовое регулирование. Таким образом, правовое регулирование представляет собой один из видов действия права.

Итак, под действием права обычно понимается использование всех возможностей воздействия права на сознание и поведение людей, всех его видов – воспитательного, мотивационного и чисто юридического. Правовое регулирование представляет собой завершающую стадию действия права. Как уже отмечалось, действие права не всегда осуществляется само по себе. Часто для действия права необходимо специальное применение правовых средств, особый инструмент, которым выступает правовое регулирование. Именно оно «включает» систему регламентации отношений, задействует юридические средства организации социальных связей, активно влияя на субъекты права и их отношения.

Правовое регулирование есть составная и наиболее зримая, выпуклая часть фено-



---

---

мена действия права, в процессе которого осуществляется упорядочение деятельности всех участников общественных отношений согласно целям, заложенным в праве.

Будучи элементом механизма действия права, правовое регулирование проявляется в виде целенаправленной специфической деятельности государства, включающей многообразные типы, методы, способы регламентации общественных отношений, а также использующей различные правовые средства. В указанный механизм входят такие средства и процедуры воздействия на общественные отношения, которые охватывают специальные формы воздействия, включают наделение их участников правоспособностью, правами и обязанностями.

Правовое регулирование преломляет и воплощает заложенные в праве возможности в реальную действительность, оно аккумулирует в себе статику права (существование) и его динамику (функционирование), переводя юридически должное в объективированное сущее, т.е. в юридическую практику. Действия, целенаправленно осуществляемые в сфере права, выступают своего рода правовым способом удовлетворения разнообразных интересов и потребностей, тем самым практически преобразовывая правовую действительность. В свою очередь, правовая действительность представляет собой совокупность правовых явлений и процессов, включающую результаты правового регулирования как итоги и степень воздействия права на общественную жизнь.

В Узбекистане наработан определенный опыт в оценке эффективности действия права, достижения заложенных в правовых актах целей. Например, обе палаты Олий Мажлиса за пятилетний период рассмотрели более 290 вопросов в порядке контроля исполнения законодательных актов. Это довольно сложная и объемная работа, в процессе которой парламент активно контролировал, каково действие принятых им законов, какие есть проблемы и пробелы. «Однако при этом нерегулярно заслушивалась и обсуждалась информация об исполнении законов, государственных программ со сто-

---

---

роны Премьер-министра и его заместителей, руководителей министерств, ведомств, комитетов и других исполнительных структур»<sup>13</sup>.

Поскольку сегодня существенно изменилась роль права, характер его воздействия на социальные отношения, государство, помимо традиционных ограничительных инструментов (санкций, запретов и т.п.), стало все больше применять правовые стимулы. Эффективность поощрительных правовых мер проверяется в процессе реализации нормативно-правовых актов на практике. Для этого постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 281 от 26 декабря 2008 г. «О мерах по внедрению системы оценки воздействия актов законодательства» закреплена система мониторинга исполнения нормативно-правовых актов, внедрения в деятельность органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах современных принципов, методов и подходов к оценке воздействия актов законодательства.

Большое значение имеет работа по проверке действия права еще в процессе разработки проекта правового акта, т.е. до официального его принятия. Так, в 2013 г. в Бухарской и Самаркандской областях был проведен правовой эксперимент по апробации законопроекта «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления». Важным достижением правового эксперимента стала отработка эффективных организационно-правовых механизмов и методов активного участия руководителей государственных органов в разъяснении населению сути и содержания принимаемых ими решений путем проведения пресс-конференций, брифингов, интервью. Были опробованы различные механизмы саморегулирования профессиональной деятельности журналистов, оценены возможные последствия реализации норм документа в плане устойчивого функционирования системы государственного управления и обеспечения информационной безопасности в сфе-

---

---

ре. В результате проведенного эксперимента подготовлен пакет предложений и рекомендаций по совершенствованию законопроекта и созданию механизмов его эффективного применения.

Таким образом, можно констатировать, что право функционирует только тогда, когда оно действует, т.е. оказывает реальное регулятивное воздействие на общественные отношения и их участников. Исходя из аксиомы, «что не осуществляется, то не может быть признано правом», действие права характеризуется своим главным качеством

– способностью оказывать реальное воздействие на социальные отношения.

Итак, категория «действие права» охватывает все юридические средства, механизмы и процессы, «включающие» право в реальную правовую жизнь. Другими словами, движущим элементом, «мотором» механизма действия права выступает правовое регулирование. Следовательно, содержание действия права включает механизм правового воздействия, правовое регулирование, а также их результаты – правовой порядок.

---

<sup>1</sup> См.: Орлова О. В. О роли права в самореализации личности в гражданском обществе // Государство и право. – 2008. – № 6. – С. 107.

<sup>2</sup> См.: Проблемы общей теории права и государства / Под ред. В. С. Нерсесянца. – М., 2008. – С. 415.

<sup>3</sup> См.: Общая теория государства и права / Под ред. проф. М. Н. Марченко. Т.2. – М., 2000. – С. 435.

<sup>4</sup> Там же. – С. 436.

<sup>5</sup> Там же. – С. 27.

<sup>6</sup> Там же. – С. 29.

<sup>7</sup> См.: Тультеев И. Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. – Т., 2008. – С. 12.

<sup>8</sup> См.: Тихомиров Ю. А. О теории правового регулирования: сравнительный анализ // Журнал российского права. – 2009. – № 2. – С. 17.

<sup>9</sup> См.: Осипов М. Ю. Правовое регулирование как динамическая система: понятие, структура, функции: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – С. 11.

<sup>10</sup> См.: Тультеев И. Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. – Т., 2008. – С. 160.

<sup>11</sup> Дедюхин В. В. Действие права: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – СПб., 2002. – С. 3.

<sup>12</sup> Комаров С. А. Механизм правового воздействия // Теория государства и права. – М., 2007. – С. 139.

### **Мирзаев Ш. Ш. Ҳуқуқнинг амал қилиши тизимида ҳуқуқий таъсир этиш ва бошқариш**

**Таянч иборалар:** ҳуқуқий таъсир этиш, ҳуқуқнинг амал қилиши, ҳуқуқий тартибга солиш, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқни қўллаш самарадорлиги, ҳуқуқий эксперимент.

Мақолда ҳуқуқнинг амал қилиши тизими, шу жумладан, илмий апаратига оид назарий-методологик муаммолар кўриб чиқилади. Ҳуқуқий тартибга солишнинг мазмуни, таркибий элементлари, ҳуқуқ амал қилишининг амалий жиҳатлари таҳлил қилинади.

### **Мирзаев Ш. Ш. Правовое воздействие и регулирование в системе действия права**

**Ключевые слова:** правовое воздействие, действие права, правовое регулирование, механизм правового регулирования, правовой порядок, эффективность правоприменения, правовой эксперимент.

В статье рассматриваются теоретико-методологические проблемы исследования системы действия права, в том числе его научно-понятийный аппарат. Анализируются содержание, элементный состав и стадии правового регулирования, практические аспекты действия права.

### **Mirzayev Sh.Sh. Legal effect and regulation in the system of force of law**

**Key words:** legal effect, force of law, legal regulation, mechanism of legal regulation, legal order, effectiveness, law enforcement, legal experiment.

The article deals with the theoretical and methodological problems of researching the system of functioning of law as well as its scientific and conceptual definitions. The author analyzes the content, elemental composition and stages of legal regulation, practical aspects of functioning of law.

## ҚОНУНЧИЛИК ТИЛИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ ХУСУСИДА

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётнинг барча муҳим соҳаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлит асослари яратилиши билан бир қаторда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмуни ва матнининг шакллантирилиши борасида ҳам муайян тартиб-қоидалар ишлаб чиқилди. Вақт ўтиши билан бошқа кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар каби улар ҳам такомиллаштирилмоқда. Мазкур тартиб-қоидалар ҳозирги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги қонунига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1995 йил 21 декабрь қонуни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссиясини тузиш тўғрисида»ги 2015 йил 5 февраль қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 9 октябрь қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2014 йил 28 февралдаги буйруғи, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2015 йил учун қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тўғрисида»ги 2015 йил 11 май қарорида ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ равишда қонун яратувчи

идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатли баён этилишини таъминлаш орқали уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишига замин яратиш келмоқдалар.

Лекин, шунга қарамай, қонунларнинг тил нуқтаи назаридан сифатли бўлишини таъминлашга етарли эътибор берилмаяпти. Қабул қилинган айрим қонунлар тилида учрайдиган баъзи бир жузъий ва жиддий хатолар ушбу фикримизга далил бўла олади. Буни бир неча мисоллар билан кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз.

Мавжуд камчиликларни тилшунослик нуқтаи назаридан бир неча турларга бўлиш мумкин. Шулардан бири синоним сўзлар қаторидан керакли сўзнинг нотўғри танлалиши билан боғлиқ. Аввало шунини унутмаслик керакки, синоним сўзлар ҳар доим ҳам бир-бирининг ўрнида қўлланавермайди. Улар бир хил маънони англатса-да, уларнинг айримлари нейтрал хусусиятга эга бўлиб, қўлланиш доирасининг кенглиги, бошқа сўзлар билан бириктириш имкониятининг кўпроқлиги билан ажралиб турса, бошқаларининг қўлланиш доираси торроқ ва бошқа сўзлар билан бириктириш имконияти чекланган бўлади. Масалан, «лойиқ» ва «сазовор» сўзлари ўзаро синоним бўлиб, «лойиқ» сўзининг қўлланиш доираси анча кенгроқ. Бу сўзни «таҳсинга лойиқ», «мақтовга лойиқ», «мукофотга лойиқ», «лавозимга лойиқ», «ҳурматга лойиқ», «эътиборга лойиқ», «жазога лойиқ» каби ва бошқа кўплаб бирикмалар таркибида қўллаш мумкин. Бироқ «сазовор» сўзини мазкур бирикмаларнинг барчасидаги «лойиқ» сўзи билан алмаштириб қўллаш мумкин эмас, масалан, «лавозимга сазовор», «жазога сазовор» дейиш ўзбек тили учун одатий ҳол эмас. Чун-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тиллар ва адабиёт кафедраси бошлиғи, филология фанлари номзоди, доцент.

ки, «сазовор» сўзи «лойиқ» маъносини ифодалаш билан бирга, ушбу маънога ижобий тус бериш хусусиятига ҳам эга. Шунинг учун, «таҳсинга сазовор», «мақтовга сазовор», «мукофотга сазовор», «ҳурматга сазовор», «диққатга сазовор» ва шу каби бошқа бирикмалар нутқимизда кўп қўлланади. Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (ЖК)нинг 4, 13-моддаларида қўлланилган «жазога сазоворлиги» бирикмасини «жазога лойиқлиги» деб тузатиш мақсадга мувофиқ. 32-моддадаги «жазога сазовор бўлган» бирикмасини эса, қисқа ва лўнда қилиб «жазоланадиган» сўзи билан ифодалаш айтиш мумкин бўларди.

Ўзбек тилининг табиатида унча мос келмайдиган таъбирлардан фойдаланиш ҳам қонуннинг мазмун-моҳиятини тезда илғаб олишга тўсқинлик қилади. Масалан, ЖКнинг 4-моддасидаги «Ҳеч ким суднинг ҳукми бўлмай туриб жиноят содир қилишда айбли деб топилши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас», деган қонуннинг ифодаланишида учта камчилик бор. Биринчидан, содда ва аниқ қилиб «суднинг ҳукмисиз» дейиш ўрнига «суднинг ҳукми бўлмай туриб» деб берилган. Иккинчидан, тегишли маъно ва тушунчани аниқ ифодаладиган, асрлар давомида қўлланиб келган ва тилимизга мустаҳкам ўрнашиб қолган «айбдор деб топмоқ» ибораси ўрнига сунъий равишда «айбли деб топмоқ» ибораси киритилган. Ваҳоланки, шу модданинг ўзида, таҳлил қилинаётган қонуннинг давомида ибора «айбдор деб топилган» тарзида тўғри қўлланган. Бу билан расмий услуб, хусусан, қонун тилига қўйилган талабларнинг иккитаси бузилган, яъни биринчидан, сўзнинг адабий тилда мавжуд ва кенг қўлланадиган шакли олинмай, бундай контекстда деярли учрамайдиган бошқа шакли олинганлиги бўлса, иккинчидан, айнан бир ва маъно жиҳатдан тенг турувчи тушунчани ифодалаш учун икки терминдан фойдаланилган<sup>1</sup>. Учинчидан, берилган қонунда мантиқий изчиллик бузилган, чунки «қонунга хилоф равишда» бирикмаси гапнинг нафақат «жазога тортилиши» деган қисмига, балки «суднинг ҳукмисиз айбли деб топилши» жумласига ҳам тегишли. Шу муносабат билан, ушбу қонун «Ҳеч ким суднинг ҳук-

*мисиз ва қонунга хилоф равишда айбдор деб топилши ва жазога тортилиши мумкин эмас.*» тарзида тузатиш тақозо этилади.

Қонунларимиз тили грамматик хатолардан ҳам холи эмас, аслида гапдаги сўзларни ўзаро боғловчи воситаларни тушириб қолдириш, ноўрин ёки нотўғри қўллаш баъзи ҳолларда гап мазмунининг бузилишига ёки ғализ жумлаларнинг ҳосил бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, қонун ижодкори назарда тутган қонунда ёки ҳолатни тўғри тушуниш ва талқин этишда қийинчилик туғдиради. ЖКнинг 7-моддасида келтирилган қўйидаги қонуннинг мазмунини бир ўқишда ўқиб олиш қийин: «Жазоланган кўзланган мақсадга ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.» Бу гапдаги «Кодекс» сўзида «-нинг» қўшимчаси етишмаяпти. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек тилда ушбу ва баъзи бир бошқа қўшимчаларни тушириб қолдириш мумкин, бироқ бу ўринда эмас. Афтидан қонун ижодкори кейинги ўринда ҳам («Махсус қисмининг» бирикмасида) қаратқич келишиги қўшимчасининг ишлатилаётгани учун уларнинг кетма-кет такрорланишидан қочиш учун биринчисини тушириб қолдирган. Бироқ масаланинг бундай ечими тил қонунлари нуктаи назардан тўғри эмас. Аслида биринчи «-нинг»ни қолдириб (Кодекснинг) иккинчиси ўрнида бошқа воситалардан фойдаланиш мумкин эди, масалан, унинг ўрнига «-даги», «-да келтирилган», «-дан ўрин олган», «-га оид» каби ва бошқа қўшимча ва сўзларни қўллаш ва «моддаларида» сўзини эгалик қўшимчасисиз, яъни «моддаларда» шаклида бериш мумкин эди. Мазкур гапдаги сўзларни ўзаро бириктиришда яна бир камчиликка йўл қўйилган бўлиб, у «эришиб бўлмайдиган тақдирдагина» бирикмасига тегишли. Гап шундаки, «тақдирда» боғловчиси ўзидан олдинги гапдаги феълнинг ўтган замон сифатдоши шаклида бўлишини тақозо этади (бўлган тақдирда, келган тақдирда, билган тақдирда ва ҳ.к.). Лекин мазкур қонунда «эришиб бўлмаган тақдирдагина» деб ўзгартирсак, гапнинг мазмуни бузилади, яъни бунда «тегишли жазо чоралари

қўлланилгач, мақсадга эришилмаган тақдирда» деган маъно келиб чиқади. Шунинг учун ҳали амалга оширилмаган ҳаракатни шарт майлида ифодалаш учун «эришиб бўлмайдиган бўлсагина» ёки «эришиш мумкин бўлмаган тақдирдагина» ёхуд «тақдирдагина» сўзини «ҳолатлардагина» сўзи билан алмаштириш орқали ифодалаш мумкин. Кодексдаги ушбу қоидага оид яна бир мулоҳаза шундан иборатки, гап инсонпарварлик принципи ҳақида бораётган экан, асосий эътиборни «оғирроқ жазо чоралари»га қаратган ҳолда, уни гапнинг бошига олиш мақсадга мувофиқроқ бўлади: *Оғирроқ жазо чоралари жазолашдан кўзланган мақсадга ушбу Кодекснинг Махсус қисмидаги тегишли моддаларда назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиш мумкин бўлмаган тақдирдагина тайинланиши мумкин.*

Қонун моддалари баёнида расмий услуб талабларига зид келувчи, хусусан, заруриятсиз ортиқча сўзларни қўллаш ҳолатлари ҳам мавжуд. Масалан, 11-модданинг қуйида келтирилган *б* ва *в* бандларидаги «эса» сўзини қўллашга ҳеч қандай зарурият йўқ: б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса; в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати эса, Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса. Мазкур модда тилида ўзга турдаги яна бир камчилик мавжуд бўлиб, у гапнинг «Қилмиш» сўзи билан бошланиб, ундан кейин икки нуқта қўйилганлиги, сўнгра ҳар бири хат бошидан ёзилган тўртта банд келтирилиб, «Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади» жумласи билан тугатилганлигида намоён бўлган. Мазкур қоиданинг ифодаси қуйидаги кўринишда шакллантирилганида, ўзининг айнан ўзбекона ифодасини топган бўлар эди:

*Қилмиш қуйидаги ҳолларда Ўзбекистон ҳудудида содир этилган жиноят деб топилади:*

*а) Ўзбекистон ҳудудида бошланган, тамомланган ёки тўхтатилган бўлса;*

*б) Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида содир этилиб, жиноий оқибати Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса;*

*в) Ўзбекистон ҳудудида содир этилиб, жиноий оқибати Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида юз берган бўлса;*

*г) бир неча қилмишлардан иборат ёки бошқа қилмишлар билан биргаликда содир этилган бўлиб, унинг бир қисми Ўзбекистон ҳудудида юз берган бўлса.*

11-модданинг кейинги қисмидан ўрин олган гапга диққат билан эътибор қаратилса, унинг «Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида бўлиб» деган бўлаги ушбу гап таркибидаги бошқа бўлақларнинг ҳеч бири билан грамматик алоқага киришмаган ва мантиқан боғланмаган. Бу гапда учта ўрин ҳоли, яъни ҳаракатнинг бажарилиш ўрни мавжуд: «... ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида», «Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида» ва «чет эл давлати ҳудуди ҳисобланмаган жойда». Бу ҳолат жиноят содир этилган жой мана шу учта хусусиятни ўзида мужассамлаштирган бўлиши лозимлигини кўрсатади. Бундай маълумотни баён этишнинг энг оддий ва кенг тарқалган усули гапни уюшиқ бўлақлар воситасида ифодалашдир. Бунда уюшиқ бўлақларнинг тартибига ҳам эътиборни қаратиш зарур бўлади, масалан, гапда юқоридаги ҳолат каби бир неча ўрин ҳоли ишлатилган бўлиб, уларнинг бири иккинчисининг ичидан ёки таркибидан ўрин олган бўлса, аввал барча ўрин ҳолларини ўз ичига олувчи гап бўлаги ва сўнгра қолганлари шу тартибда келтирилади: «Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ва чет давлат ҳудуди ҳисобланмаган жойда Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида ...» Таҳлил этилаётган қоида тилидаги яна бир камчилик «чет эл давлати» бирикмасига тегишли, чунки бирикмадаги «эл» сўзи бу ўринда «мамлакат» маъносини ифодалашга сабабли бирикмада «эл» ва «давлат» сўзлари ёнма-ён ишлатилиши мумкин эмас, улардан фақат биттасини қолдириш мумкин. Камчиликни бартараф этишнинг яна бир йўли «чет» сўзи ўрнида «хорижий» сўзини қўллашдир. Бу қоидадан яққол кўзга ташланмайдиган, лекин тил меъёрлари нуқтаи назаридан жиддий эътирозга сабаб бўлувчи яна бир нуқсон ўрин олган. Гапнинг тузилиши унинг таркибида кимнинг жавобгарликка тортилиши ҳақидаги маълумотнинг алоҳида сўз ёки сўз бирикмаси орқали акс эттирилишини, яъни грамматик термин билан айтганда, гап эгасининг бўлишини тақозо этади, бироқ ушбу эга гапда ифодаланмаган. Бу

нуқсонни бартараф этишнинг ҳам бир неча йўллари бор, лекин мазкур қондани қуйидаги шаклда ифодалаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: *Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ва хорижий (чет) давлат ҳудуди ҳисобланмаган жойда Ўзбекистон байроғи остидаги ёки Ўзбекистон портида рўйхатга олинган ҳаво, денгиз ёки дарё кемасида жиноят содир этилса, бундай жиноят учун жавабгарлик ушбу Кодекс бўйича белгиланади.*

Айтиш жоизки, йўл қўйилган камчиликларнинг бош сабаби аксарият қонунларимизнинг аввал рус тилида тайёрланиб, кейин таржима соҳасида етарлича уқув ва тажрибага эга бўлмаган кишилар томонидан давлат тилига таржима қилинишидир. Агар қонунлар давлат тилида тайёрланганда эди, табиийки, юқоридаги камчиликларга йўл қўйилмаган бўларди. Мазкур фикрни янада ёрқинроқ ифодалаш ва далиллар билан мустаҳкамлаш учун айрим мисолларни келтирамиз.

ЖКнинг 136-моддасида келтирилган қонданинг қуйидаги қисмидан ўрин олган «эркига хилоф равишда» иборасига эътиборни қаратамиз: «Аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун ўғрилаш, шунингдек, аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш ...». Ушбу бирикма рус тилида «вопреки ее воле» тарзида ифодаланган. Рус тилидаги «воля» сўзининг «эрк, эркинлик» деган маъноси бор, лекин «вопреки ее воле» бирикмаси «унинг хоҳишига зид равишда (қарши)» деган маънони англатади. Агар қонун ижодкори бу ўринда «унинг эркига хилоф равишда» демоқчи бўлганида «вопреки ее свободы» жумласини қўллаган бўларди. Шу каби ҳолатлар ЖКнинг 125 ва 142-моддаларда ҳам мавжуд.

ЖКнинг 141-моддасининг тегишли қисми рус ва ўзбек тилларида қуйидагича ифодаланган:

Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан **қатъи назар**, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита **афзалликлар** бериш ... Прямое или косвенное нарушение или ограничение прав, или установление

прямых или косвенных **преимуществ** граждан **в зависимости от** их пола, расы, национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного или общественного положения ...

Мазкур модданинг ушбу қисми аслида қуйидагича ифодаланиши зарур эди: «Фуқароларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ёки ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб, уларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд ўзлари учун бевосита ёки билвосита имтиёзлар яратиш ...». Бунда «қатъи назар» ва «в зависимости» ибораларининг мазмунан қарама-қарши эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. «Афзалликлар бериш» иборасига келсак, бундай ибора ўзбек тилида мавжуд эмас. «Преимущество» сўзи «устунлик», «афзаллик» ва «имтиёз» маъноларини англатади, лекин биз ҳеч қачон «фалончига афзаллик берилди» демаймиз, унинг тўғри таъбири «имтиёз бермоқ»дир. Ушбу моддада фуқароларнинг ўзлари учун имтиёзлар яратиш олишлари назарда тутилаётгани учун моддани юқорида таклиф этилгандек таҳрир қилиш зарур. Бундан ташқари, «фуқароларнинг» сўзини гапнинг бошига олиш, кейинги ўринларда эса унинг ўрнига олмошларни ишлатиш мақсадга мувофиқ. Чунки, гапда одатда аввал от келади ва унинг нима эканлиги аниқ бўлгандан кейин, уни олмош билан алмаштириш мумкин бўлади.

ЖКнинг 72-моддасида ифодаланган гапнинг қуйидаги қисми давлат ва рус тилларида ушбу кўринишда ифодаланган:

Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш ва бошқа ҳаракатлар қилиш, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда ўтказиш ... Незаконное изготовление, приобретение, хранение и другие действия с наркотическими средствами или психотропными веществами с целью сбыта, а равно их сбыт ...

«Сбыт» сўзига рус тилининг изоҳли луғатларида «продажа готовой продукции, изделий»<sup>2</sup>; «продажа готовой продукции на рынок, потребителю»<sup>3</sup>; «1. Продажа чего-либо потребителю. 2. Незаконное распрост-

ранение чего-либо, нелегальная торговля чем-либо»<sup>4</sup> каби изоҳлар берилган ва бундан бошқа маъноси қайд этилмаган. «Қтказиш» сўзи ўзбекча-русча лугатда ўтказмоқ шаклида берилган бўлиб, 16 та маъноси қайд этилган ва уни ушбу модда доирасида бир неча маъноларда талқин қилиш мумкин, бироқ уларнинг ҳеч бирида «сбыть» маъноси қайд этилмаган. Демак бу сўз ўзбек тилига фақат «сотиш» ёки «пуллаш» деб таржима қилиниши лозим экан. ЖКнинг бошқа бир қатор моддаларида ҳам ушбу ҳолатни кузатиш мумкин. Бундан ташқари, «ҳаракатлар қилиш» бирикмасини «ҳаракатларни қилиш» (янада яхшироқ шакли «ҳаракатларни амалга ошириш») деб таржима қилиш керак эди, чунки «-ни» қўшимчаси ўзининг бошқа маънолари билан бир қаторда аниқликни ҳам ифодалайди, яъни ушбу контекстда «қандайдир бошқа ҳаракатлар»ни эмас, балки «ғиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сотиш билан боғлиқ ҳаракатлар»ни амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Юқорида кўрсатилган тилдаги бундай камчиликлар ҳуқуқий масалалар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкинлигини унутмаган ҳолда, ушбу камчиликларнинг ҳуқуқшунос кадрларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёни ва унинг натижалари

рига ҳам салбий таъсир кўрсатишини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қонуннинг ўзида қонун бузилишига йўл қўйилишини қандай баҳолаш мумкин, деган савол туғилади. Бундай ҳолатлар бир томондан ёшларнинг ўз саводхонликларини оширишга бўлган масъулиятини сусайтирса, иккинчи томондан, уларнинг қонунларга нисбатан ҳурматининг заифлашишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқшунослар орасида «тилчилар ҳуқуқни яхши тушунмайдилар, шунинг учун уларга қонун лойиҳаларини таҳрир қилдиришнинг фойдаси йўқ», деган фикрда бўлганлар ҳам топилади. Бироқ қонун ижодкорининг тилни мукамал билмаслиги оқибатида келиб чиқадиган зарарнинг тилшуноснинг ҳуқуқни билмаслиги натижасида етказиладиган зараридан бир неча марта ортиқлигини юқорида келтирилган мисолларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди.

Юқоридагиларни баён қилишдан мақсад — қонун ижодкорларининг қонунлар мазмунида мавҳумлик, икки маънолик ва ноаниқликларга йўл қўймасликлари, моддалар баённинг равон бўлиши, гапларнинг тил қоидаларига мувофиқ ва уларда ифодаланган нормаларни қўллаш учун қулай тарзда шакллантирилиши учун масъулиятларини янада оширишдан иборат.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг 6-банди. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирининг 2014 йил 28 февралдаги «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»-ги 53-сонли буйруғининг 35-банди.

<sup>2</sup> Ожегова С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка. — Израиль, 1994.

<sup>3</sup> Ушаков Д. Н. Толковый словарь русского языка. — М., 2000.

<sup>4</sup> Ефремова Т. Ф. Большой современный толковый словарь русского языка. — М., 2006.

**Рустамов М. А. Қонунчилик тилини тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг айрим муаммолари хусусида Таянч иборалар:** қонун тили, қонун услуби, қоида, гап, сўз, ибора, қўшимча.

Мақолада мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар тилида кузатиладиган камчиликлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси мисолида таҳлил қилинган ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли таклифлар берилган.

**Рустамов М.А. Об некоторых проблемах регламентации и совершенствования языка закона**

**Ключевые слова:** язык закона, стиль закона, правило, предложение, слово, словосочетание, аффикс. В статье на примере Уголовного кодекса Республики Узбекистан анализируются лингвистические недостатки, имеющиеся в законах, принятых в стране, а также вносятся предложения по их устранению.

**Rustamov M.A. Қонунчилик тилини тартибга солиш ва такомиллаштиришнинг айрим муаммолари хусусида**  
**Key words:** language of law, style of law, rule, sentence, word, word combination, affix.

The article deals with analyses of language mistakes observed in the laws adopted in Uzbekistan by the example of the Criminal Law of the Republic of Uzbekistan and contains the author's proposals on illuminating these errors.

## ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВЛАРИ ВА ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ

Дунёнинг аксарият давлатларида қонун чиқарувчи олий вакиллик органини ифодаловчи тушунча сифатида «парламент» ибораси қўлланилади. Мамлакатларнинг тили, анъаналари ва турли қадриятларидан келиб чиқиб, парламентнинг расмий номи турлича аталиши мумкин. Масалан, Россияда — Дума, Францияда — Миллий Мажлис, Ўзбекистонда — Олий Мажлис ва ҳоказо.

Парламентнинг асосий вазифаси қонун ижодкорлиги ва қонунни қабул қилишдан иборатдир. Парламентлар ўз тузилиши жиҳатидан бир (юникамерал) ёки икки палатали (бикамерал) бўлиши мумкин. Узоқ тарихда палаталарга бўлишнинг асосий мезони сифатида аҳоли қўйи ва юқори табақалари манфаатларининг ранг-баранглиги майдонга чиққан. Асрлар ўтиб парламент тобора умумманфаатни ифодаловчи идорага айлангани сари бундай мезон ўрнини ҳудудлар манфаати, уларнинг вакиллиги эгаллай бошлаган.

Шунингдек, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, жамият ва давлатнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш вазифаси мамлакатимиз парламенти фаолиятини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Демократик жамият тараққиётида давлатнинг олий вакиллик ва қонун чиқарувчи органи бўлмиш парламент муҳим ўрин тутади. Парламент халқ вакиллари минбари, демократиянинг муҳим ва ажралмас белгиси сифатида фуқароларнинг давлатни идора этишдаги реал иштирокини ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнига таъсир кўрсатиш имкониятларини таъминлайди. Шу маънода, мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда демократия талабларига

тўла мос бўлган том маънодаги парламентни шакллантириш, давлат ҳокимияти тизимида унинг роли ва таъсирини кучайтириш босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу жараёнида парламент сайлови муҳим ўрин эгаллайди.

Маълумки, 2014 йил 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳарлар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди. Ушбу сайловларни кузатишда иштирок этган 70 минг нафардан ортиқ маҳаллий ва 340 нафардан зиёд чет эллик кузатувчилар, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари кўпчилигининг фикрича, бу сайловлар очиқлик ва ошқоралик шароитида, халқаро ҳуқуқ нормалари ва стандартларига тўла мос равишда ўтди.

Мазкур сайловлар, авваламбор, жамоатчилигимиз, халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, сиёсий партиялар, фуқаролик институтларининг обрў-эътибори ва нуфузи, етуқлик даражаси сезиларли равишда ошганини кўрсатди.

Ўтказилган сайловлар мамлакатимизда демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаётимизга жорий этилаётган демократик ўзгариш ва ислоҳотларнинг амалий натижаларини намойиш этди. Буларнинг барчасини сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнининг ўзи, уларнинг яқунлари ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Бўлиб ўтган сайловларда 18 миллион 500 минг нафарга яқин фуқаро ёки сайловчиларнинг 88,9 фоизи иштирок этди. Шуниси диққатга сазоворки, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловолди кураши кескин ўтган

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедраси бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди.



---

135 та сайлов округининг 22 тасида биринчи босқичда номзодлар етарлича овоз ололмади ва бу округларда такрорий овоз беришни ўтказишга тўғри келди. Бу эса, сайловларнинг Конституциямиз нормалари, умумэтироф этилган халқаро демократик принцип ва талабларга мос равишда ўтказилганлигидан далолат беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан тенг миқдорда олти кишидан сайланди ва Давлатимиз раҳбари томонидан санъат адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган обрўли фуқаролар орасидан ўн олти киши тайинланди (77-м.). Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2014 йил 21 декабрь куни сайловлар ўтган кундан роппа-роса бир ой муддат ичида 10 кишидан иборат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати таркиби ҳам шакллантирилди.

Истиқлол туфайли Олий Мажлис қонун чиқарувчи мутлақо янги олий вакиллик органи сифатида вужудга келди, шаклланди ва давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида ривожланиш учун зарур бўлган барча ваколатларга эга бўлди.

1991 – 2000 йиллар мобайнида миллий парламентимизнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш билан боғлиқ ислохотлар амалга оширилди.

Олий Кенгаш ва давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари ўзаро аҳиллик билан фаолият кўрсатди. Ўзбекистон жаҳон миқёсига чиқди, парламентимиз бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлди.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган ва халқаро умумэтироф этилган демократик стандартларга тўла мувофиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда парламентнинг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Асо-

сий қонуниimiz парламентаризм ривожланиши учун зарур бўлган ҳуқуқий принцип ва қоидаларни мустаҳкамлаб берди. Бу принциплар қаторига халқ ҳокимиятчилиги, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, ижтимоий ҳаётнинг сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланиши, демократик сайлов тизими ва бошқалар киради.

Ўзбекистон тарихида илк мартаба 1994 йил декабрда янги парламент – Олий Мажлисга очиқ-ошқора, демократик сайловлар ўтказилди. Мазкур сайловлар собиқ Олий Кенгашга бўлган сайловлардан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилди:

биринчидан, депутатлар сайлови биринчи марта кўппартиявийлик асосида ўтказилди, ҳар бир сайлов округида икки-уч номзод депутатлик учун курашди. Сайловчиларга ана шу номзодлардан танлаб олишнинг реал ҳуқуқи берилди;

иккинчидан, Олий Мажлисга сайловларни ташкил қилишнинг дастлабки давларидаёқ синфий ёндашув нодемократик тамойил сифатида рад этилган эди. Олдинги пайтларда Олий Кенгашни шакллантириш жараёнида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг ўрни ва сони олдиндан белгилаб қўйилар эди. Олий Мажлис депутатлари эса турли партия ва ҳаракатларнинг вакиллари билан иборат номзодлар орасидан муқобиллик асосида сайланди<sup>1</sup>.

2000 йилга қадар янги сайланган Олий Мажлис олдида мамлакат келажагини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган ниҳоятда масъулиятли вазифалар турарди. Қша даврларда 250 депутатдан иборат бир палатали парламент ўтиш даврида мамлакатимиз учун энг мақбул тизим эди. Зеро, тегишли ҳуқуқий асосларга бўлган юқори эҳтиёж шароитида бир палатали парламент тизими мамлакат ривожланиши учун зарур бўлган қонунларни тезкорлик билан қабул қилиш имкониятини берарди.

Олий Мажлис нафақат миллий қонунчилик базасига, балки парламент фаолиятининг ривожланишига ҳам сезиларли ҳисса қўшди. Ушбу даврда парламент ўз тузилмаларининг иш самарадорлигини, парламентдаги партия фракцияларининг роли ва таъ-

---

сирини ошириш бўйича муҳим вазифаларни муваффақиятли бажарди. Эътиборли жиҳатлардан бири — парламентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти ташкил қилинди. Бу институт ҳузурида инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия тузилди.

Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолияти янада такомиллаштирилди. Бир тарафдан — қонунчилик такомиллаштирилди, иккинчи тарафдан — қонунларнинг амалда самарали татбиқ этилиши таъминланди. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси ҳамда уларнинг экспертизадан ўтказилиши амалиёти жорий этилди. Ушбу даврда Олий Мажлис томонидан 10 та кодекс, иккита миллий Дастур, 138 та қонун қабул қилинди.

2001 йил мамлакатимиз парламентида фаол демократик янгиланишлар ва модернизация жараёнларини жадаллаштириш даври бўлди. Иккинчи чақириқ Олий Мажлисда бешта сиёсий партиянинг фракциялари рўйхатдан ўтказилди. Бу даврда парламент фаолиятининг устувор вазифаси қонун ижодкорлиги ва қабул қилинган ҳуқуқий нормаларнинг бажарилишини назорат қилишдан иборат бўлди. Парламент қўмиталари ва комиссиялари жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларида қабул қилинган қонунларнинг амалда татбиқ этилишини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар. Сўнгра Республика қонунчилик органининг икки палатали тизимга ўтиши масаласи аҳолининг турли қатламлари ўрасида кенг муҳокама қилинди. Олий Мажлиснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган ўрни ва ролини юксалтиришда Президентимиз Ислон Каримов томонидан илгари сурилган ташаббуслар муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Юртбошимиз томонидан Олий Мажлиснинг 2000 йил 25-26 май кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида парламентни доимий, профессионал асосда ишловчи икки палатали тизимга ўтказиш ҳақида билдирилган ғоя ўзбек парламентаризми тарихида мутлақо янги босқични бошлаб берди. Қшанда Ўзбекистон Республикаси Президенти: «Ҳаёт

ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир»<sup>2</sup> — дея таъкидлаган эди.

Икки палатали миллий парламентимизни ташкил этиш масаласи бўйича 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум яқунлари ва шу асосда «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилиш асосларини белгилаб берди.

Бундан кўзланган асосий мақсад — парламент томонидан ўз ваколатларини амалга ошириш жараёнида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини шакллантириш, қонун ижодкорлигининг сифатини жиддий равишда ошириш, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришишдан иборат эди. Бу борада таркиб жиҳатидан асосан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларида ташкил топган юқори палата — Сенатнинг ҳудудлар манфаатларини ифода этиши, қўйи — Қонунчилик палатаси эса ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга ошириши ҳисобга олинганини айтиб ўтиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, миллий парламентимизнинг ривожланишида янги парламент ва унинг ҳар бир палатасининг мақоми, ваколатлари ва фаолият механизмлари аниқ белгилаб берилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларнинг 2003 йилда қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этди<sup>3</sup>.

Ушбу қонунлар асосида 2004 йилдан эътиборан Ўзбекистон тарихида илк марта Олий Мажлис икки палатали тизимга ўз фаолиятини бошлади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат таркибда профессионал асосда фаолият юритишга ўтиши жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ этиш соҳасидаги му-

---

---

ҳим қадамлардан бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, икки палатали парламентни барпо этишдан мақсад:

биринчи — парламент ўз ваколатларини самарали амалга ошириши, ҳар томонлама асосли ва пухта қарорлар қабул қилиши учун зарур бўлган ўзаро мувозанат ва чекловлар тизимини яратиш;

иккинчи — Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда, парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин ошириш;

учинчи — Сенат асосан маҳаллий Кенгашлар, ҳудудларнинг вакилларида иборат бўлишини ҳамда вакиллик вазифасини бажаришини инобатга олиб, умумдавлат ва ҳудудий манфаатларнинг мутаносиблигига эришиш;

тўртинчи — аҳолининг мамлакат ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги иштироки кўламини янада кенгайтиришдан иборатдир<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда Олий Мажлис фаолиятини ривожлантиришда яна бир муҳим ҳужжатлардан бири 2007 йилда қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун бўлди. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг вакиллик ва ижро органларини шакллантиришда фаол иштирок этиб, ҳукумат тузилмалари, марказий ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларининг партия гуруҳлари олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Конституциявий қонунга мувофиқ, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқининг берилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

---

---

2010 йилда Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси асосида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда, парламентнинг роли ва таъсирини кучайтириш бўйича ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ушбу муҳим ҳужжат бўйича Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов: «Олий Мажлис томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, ҳеч шубҳасиз, бизнинг эртанги кунимизни белгилаб берадиган, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларимизнинг стратегик дастурига айланди»<sup>5</sup>, — деган эди.

Концепция доирасида бугунги кунгача 27 та қонун қабул қилинди. Ушбу қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришга қаратилди.

Мамлакатимиз Олий органи фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Бу соҳада ўнга яқин қонунлар қабул қилинди. Улар жумласига «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири, «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун ва бошқалар қиради.

2014 йилнинг апрель ойида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги қонун миллий парламентаризм ривожигаги навбатдаги муҳим ислоҳотлардан бўлди. Мазкур Қонунга мувофиқ парламентнинг назорат ваколатларини кенгайтириш ва кучайтириш мақсадида Конституциянинг 78-моддаси парламент палаталарининг парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини конституциявий мустаҳкамлашга қаратилган қоидалар билан тўлдирилди. Бу, ўз

---

навбатида, ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, парламент назорати институти кўламининг янада кенгайтиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида зикр этилган қонун Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини янада аниқ белгилашни, унинг мустақиллиги ва айни пайтда Олий Мажлис олдидаги масъулиятини ошириш бўйича Конституцияга тузатишлар киритди. Ривожланган демократик давлатларнинг умумэтироф этилган тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Қонунда Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзо-

ди кўриб чиқиляётган ва тасдиқланаётган пайтда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракат дастурини тақдим этиши ҳақида қоидалар белгиланди.

Сўзимиз якунида шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизда парламент ислохотлари босқичма-босқич ва тизимли равишда миллий давлатчиликнинг ривожланиш даражаси, давлат ҳокимиятини модернизация қилиш жараёнларининг жадал суръатлари, кўппартиявийлик тизимининг мустаҳкамланиши, мамлакатимиз аҳолисининг тобора юксалиб бораётган сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасидан келиб чиқиб, ижтимоий-сиёсий фаоллигига мос тарзда амалга оширилмоқда.

---

<sup>1</sup> Конституциявий ҳуқуқ: Дарслик / Х. Т.Одилқориев, Қ. Ҳ. Мухамедов, Б. А. Саидов ва бошқ; масъул муҳаррир Ш. Т. Икрамов. – Т., 2014. – Б. 444.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б. 483.

<sup>3</sup> Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятнинг ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 27–28.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир // Халқ сўзи. – 2005. – 29 янв.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги нутқи // Халқ сўзи. – 2015. – 24 янв.

#### **Худойбердиев А.Қ. Давлат ҳокимиятини модернизация қилиш жараёнида парламент сайловлари ва ислохотларининг моҳияти**

**Таянч иборалар:** парламент, парламент сайлови, қонунчилик жараёни, сайлов принциплари, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси, референдум, сиёсий партиялар, парламент назорати институти.

Мақолада парламент ислохотларининг моҳияти, мақсади ва парламентнинг жамиятни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларида қабул қилган қонунларини амалга татбиқ этиш усуллари ҳамда мамлакат олий қонунчилик органида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларнинг роли таҳлил қилинган.

#### **Худойбердиев А. К. Сущность парламентских выборов и реформ в процессе модернизации государственной власти**

**Ключевые слова:** парламент, парламентские выборы, законодательный процесс, принципы выборов, обсуждение законопроектов, референдум, политические партии, институт парламентского контроля.

В статье дается анализ сущности парламентских реформ, целей и методов внедрения в практику законов, принятых парламентом для стратегического развития общества, а также роли политических партий, имеющих своих представителей в высшем законодательном органе страны.

#### **Khudayberdiyev A.K. Essence of parliamentary elections and reforms in the process of modernization of state authority**

**Key words:** parliament, parliamentary election, law-making process, principles of election, public discussion of draft legislation, referendum, political parties, institute of parliamentary control.

The article concerns with the analyses of the essence of parliamentary reforms, objectives and methods of introduction of laws into practice adopted by the parliament for strategic development of the society, and the role of political parties having their own representatives in the supreme legislative body of the country.

## КОРРУПЦИЯНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИГА ОИД АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

«Коррупция» атамаси лотинча «corruptio» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузиш», «сотиб олиш» деган маъноларни англатади. Ушбу икки сўз коррупциянинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

БМТнинг Коррупцияга қарши курашга оид маълумотномасида: Коррупция — шахсий мақсадда фойда олиш учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш<sup>1</sup> эканлиги кўрсатилган бўлса, Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам коррупцияга шу каби таъриф берилган: «Коррупция — шахсий манфаат учун давлат ҳокимиятини суиистеъмол қилиш»<sup>2</sup>.

Коррупцияни бундай тушуниш россиялик олимлар томонидан яратилган криминология фанида ҳам мавжуд. Масалан, А. И. Долгова коррупцияни «давлат ходимлари ёки бошқа хизматчиларнинг сотилиши ва шу асосда уларнинг расмий хизмат ваколатлари, улар билан боғлиқ обрўси ва имкониятларидан шахсий ёхуд тор гуруҳий, корпоратив манфаатлари йўлида фойдаланишларида кўринадиган ижтимоий ҳодиса»<sup>3</sup> дея таърифлаган. Н. Ф. Кузнецова эса уни «давлат аппарати ва нодавлат тузилмаларининг хизматчиларини сотиб олишда ифодаланадиган ижтимоий хавфли ҳодиса»<sup>4</sup> дейди.

Бироқ коррупцияни фақат сотилиш, порахўрликдан иборат бўлмаган ижтимоий ҳодиса сифатида кенгроқ тушуниш тўғрироқ бўлади.

Бу борада АҚШлик олимлар “коррупция” тушунчасини чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганганлар. Тадқиқотчилар ушбу ҳодисани сиёсий арбоблар, давлат аппа-

ратининг ходимлари, тадбиркорлар ва бошқа шахсларнинг шахсий, оилавий ёки гуруҳий манфаатлари йўлида бойиш ҳамда ўз ижтимоий мақомини ошириш мақсадида ўзларининг расмий мажбуриятлари ва давлат функцияларини бажаришдан бўйин товлашлари, деб таърифлайдилар<sup>5</sup>. Хусусан, М. Жонстон ва Ж. С. Наем унга шундай таъриф берадилар: «...Мансабдор шахсга мавжуд қоидаларда келтирилганидан оғувчи ҳамда ўзи, ўз оиласи ёки ўзи билан боғлиқ тор доирадаги шахслар учун моддий ёки мавқеига оид имтиёзлар олиш истаги билан боғлиқ бўлган, шунингдек, мансаб билан боғлиқ вазифаларнинг бажарилишига шахсий мотивлар бўйича аралашининг чекланишини бузувчи хатти-ҳаракат»<sup>6</sup>.

Давлат хизматчиси ҳам давлат функциялари ижросининг занжиридаги ҳалқа бўлиб, ўз мавқеидан қониқмаган тақдирда давлат фаолияти шаклланадиган бутун занжирга зарар етказиши, яъни қонунга хилоф иш қилиши мумкин. Бунга йўл қўймаслик учун давлат амалдорини зиммасидаги вазифаларни виждонан бажаришга ундовчи шароитлар яратиш керак, аксинча эмас<sup>7</sup>. Бизнингча ҳам, коррупциянинг асосий сабабларидан бири «...иқтисодиётда бозор муносабатларининг номукамаллиги, қонунчиликдаги муаммолар, фуқароларнинг ахлоқий позицияларини ифодалашдаги камчиликлар»<sup>8</sup> саналади.

XX асрнинг иккинчи ярмига келиб коррупция халқаро муаммога айланди. Айниқса, глобаллашув жараёнининг авж олиши натижасида бир мамлакатдаги коррупция бошқа давлатларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсата бошлади.

\* ИИВ Академияси иқтисодий фанлар кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

---

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти коррупцияга оид саводхонликни ташвиқот қилиш учун 9 декабрни «Халқаро Коррупцияга қарши кураш куни» деб таъсис этди ва ушбу кун 2004 йилдан бошлаб нишонлаб келинади.

Коррупция жиноятчиликнинг энг хавфли шакли бўлиб, алоҳида белгиларга эга. Бир томондан, у тизимли ҳодиса бўлиб, уюшган, ғаразли ҳамда иқтисодий жиноятчиликнинг таркибий қисми ҳисобланади ва улар билан чамбарчас боғлиқ. Бошқа томондан эса, жиний жавобгарлик назарда тутилган аниқ жиноятлар мажмуи ҳисобланади.

Халқаро-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тажрибаларни тадқиқ этиш асносида коррупциянинг моҳияти, объектив ва субъектив келиб чиқиш сабаблари ҳамда олдини олиш чоралари борасида айрим фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Дунё тафаккури коррупция муаммосини ҳал қилмай туриб, давлат бошқаруви вазифаларини самарали бажариб бўлмаслигига аллақачон ишонч ҳосил қилган. Масалан, буюк мутафаккирлар Афлотун ва Арасту коррупцияни сиёсий категорияга киритганлар. Н. Макиавелли *уни фуқаролар фазилятларини (фуқароликни) бузувчи давлатнинг умумий иллатидан далолат берувчи оми*, деб ҳисоблаган. Ш. Монтескьё эса *уни яхши сиёсий тартиб ёки тизим яроқсиз ҳолга келадиган дисфункционал жараён*, деб таърифлаган.

Бугунги Ўзбекистон жамиятининг кўплаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муаммолари орасида коррупцияга қарши кураш алоҳида ўрин тутди. Таъкидлаш жоизки, 2003 йил 31 октябрь куни БМТнинг коррупцияга қарши кураш конвенцияси қабул қилинган. Ушбу конвенция коррупция каби офат билан глобал даражада курашишга имкон берадиган янги ҳужжат ҳисобланади. Конвенция дунёвий тараққиётга қўмаклашишда ҳамда барчанинг фаровонлиги учун кишилик дунёсини такомиллаштиришга қаратилган ишларда

ҳалоллик, ҳуқуқ устуворлигини ҳурмат қилиш, ҳисобот юритиш ва ошкоралик каби фазилятлар муҳим аҳамиятга эга эканлигини тасдиқлайди. Бугунги кунда дунёнинг 158 давлати ушбу конвенциянинг аъзоси ҳисобланади. 2008 йил 7 июль куни Президентимиз томонидан «Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш конвенцияси (Нью-Йорк 2003 йил 31 октябрь)га қўшилиши тўғрисида»ги қонун имзоланди. Шу тариқа, мазкур иллатнинг олдини олиш, унга қарши кураш бўйича халқаро мажбурият қабул қилинди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, коррупция дунё ҳамжамиятига йилига 80 млрд. АҚШ доллари миқдорида зарар келтиради<sup>9</sup>. Бугунги кунда давлатлар, ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамиятларининг иқтисодий ривожланишига путур етказадиган, демократик институтларни заифлаштирадиган, ижтимоий тартибни бузадиган ҳамда жамият ишончини йўқотадиган коррупцияга қарши курашда ҳамкорликдаги ҳаракатлар зарурлиги эътироф этилмоқда.

Коррупцияга қарши курашнинг долзарблиги бир қанча омиллар билан изоҳланади.

*Биринчидан*, Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берганлиги»ни таъкидлайди<sup>10</sup>. Аҳолининг турли қатламлари ўртасидаги тенгсизлик чуқурлашиб бораётган замонда ғаразли мақсадларда ҳокимиятни суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жанжаллар ва фош этишлар ҳокимиятнинг обрўсини туширади, демократияни обрўсизлантиради, шиорларидан бири коррупцияга қарши кураш бўлиши мумкин бўлган диктатурага бурилиш хавфини юзага келтиради.

*Иккинчидан*, иқтисодий мазмуни глобаллашув жараёнларида чекланиб бораётган

ресурсларни тақсимлаш жараёнининг бузилишидан иборат бўлган коррупция, умуман, иқтисодийнинг ривожланиши ва мустақамланишига салбий таъсир кўрсатади.

*Учинчидан*, коррупция бошқа кўплаб салбий-ижтимоий ҳодисалар сингари, ўзини такрор ишлаб чиқариш учун шароит яратади — бўлгуси ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, кенг миқёсли коррупция қанчалик узоқ давом этса, унга қарши кураш ва оқибатларини тугатиш, ҳатто, айрим сабаблари йўқ қилинган тақдирда ҳам, шунчалик қийин кечади.

*Тўртинчидан* коррупция кенг миқёсда ривожланган мамлакатнинг обрўси нафақат сиёсий, балки иқтисодий томондан ҳам тушиб кетади (буниси ҳозирги вақтда жуда муҳим), қарзлар бериш, хорижий инвестицияларни киритиш ва шу каби шароитларга таъсир этади, ҳар қандай бошқа обрў сингари, уни қайтариш қийин бўлади.

Жамиятга маъқул ҳодисаларни юридик қонунлар тартибга солади. Шу нуқтаи назардан, коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият<sup>11</sup> деб айтиш мумкин. Коррупция — глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси турли мамлакатларда ҳар хил. Бу коррупция илдишлари чуқур бўлишидан гувоҳлик беради.

Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари мажмуаси, конвенция қабул қилинишидан олти йил аввал (1997) дунёнинг ўнлаб мамлакатларида чоп этилган, дунё хавфсизлиги назарияси ва амалиётига улкан ҳисса қўшган Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида кўрсатиб берилган. Булар қуйидагилар:

— амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш;

— давлатнинг конституциявий асосларини емириш;

— жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириш;

— жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариш, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантириш;

— пул орқали ҳокимиятни қўлга олишга интилиш;

— нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто, вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;

— жиноий йўллар билан бойлик орттирган кимсаларни «демократия» учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар аввалига ўз халқини алдаб капитал тўплайди, кейин демократия ва адолатни рўқач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини чалғитиб, сиёсий обрў орттирди. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳаммиша тайёр турувчилардир;

— жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш жараёнига қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотиши натижасида мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, «соф» қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади<sup>12</sup>.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, коррупцияга қарши кескин чоралар кўрилмаслиги унинг жиноий, иқтисодий ва ижтимоий муаммодан сиёсий муаммога айланишига, мамлакат конституциявий тузумининг асосларига путур етказувчи миллий офат даражасига чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис, Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон халқининг фаровон-

---

лиги, хавфсизлигини таъминлаш йўлидаги устувор йўналишлардан бири сифатида коррупцияга қарши қатъият билан ва самарали курашиш ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шarti эканлигини таъкидлайди. Айниқса, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Коррупция мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёни, бозор иқтисодиётини барпо этиш, инвестицияларни жалб қилиш жараёнига тўсқинлик қилиши, демократик давлатнинг сиёсий ва ижтимоий институтларига салбий таъсир кўрсатиши, мамлакатнинг келажакдаги ривожланишига жиддий таҳдид қилиши»ни қайд этади.

Мазкур ижтимоий салбий ҳодисага қарши курашнинг мураккаблиги шундаки, коррупция нафақат яширин, балки содир этилишида келишув хусусиятига ҳам эга. Аксарият ҳолларда унинг устидан шикоят қилинмайди, чунки иккала томон ҳам ноқонуний битимдан фойда олади. Ҳатто, пора талаб қилиш устидан ҳар доим ҳам шикоят қилинвермайди, чунончи, одамлар коррупцияга қарши кураш жараёнига доимо ҳам ишонмайдилар. Бунинг ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятга эга муайян асослари бўлиб, улар нафақат мамлакатда, балки хорижда тўпланган тажрибага алоқадордир.

Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан коррупциявий характердаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш борасида изчил фаолият олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида бу борада муайян тажриба тўпланди. Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари коррупцияга қарши курашиш борасида дунё мамлакатларининг ҳуқуқ-тартибот органлари билан тажриба алмашаётганини таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари коррупцияга қарши курашишда ўз фаолиятларининг ўта масъуллигини ҳис этадилар ва қонуний қўлланилаётган чораларининг оқибатлари учун жавоб-

гарликларини ҳам англайдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг собиқ Бош котиби Кофи Аннанинг «коррупцияга қарши курашиш мураккаб вазифа, лекин биргаликда ҳаракат қилсак, бу борада зафарларга эришамиз» деган сўзлари бугунги кунда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини, балки кенг жамоатчиликни ҳам ушбу иллатга қарши курашишга чорлайди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, «мамлакатимизнинг келажagini ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, кучгайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»<sup>13</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Конституцияга асосланган ҳолда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий база яратилган бўлиб, у коррупцияга қарши кураш, давлат ва жамият қурилишининг барча соҳаларида демократик ислохотларни амалга ошириш, мамлакатда барқарорлик ва хавфсизлик сақланишини таъминлашга хизмат қилмоқда. 2008 йил 7 июлда «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш конвенциясига қўшилиши тўғрисида»ги қонуни бу борадаги ишларнинг асосийси ҳисобланади. Бугунги кунда Ўзбекистонда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти тизими доирасида биринчи ва иккинчи раунд мониторинги ўтказилиб, ҳисобот тайёрланган. Ҳисобот 2012 йилнинг 24 феввалида коррупцияга қарши курашиш Истанбул ҳаракат режасининг пленар йиғилишида қабул қилиниб, мамлакатимизда бозор иқтисодиётини эркинлашти-



риш борасида босқичма-босқич таркибий ислохотлар олиб борилаётгани, сўнгги 10 йилда изчил иқтисодий ўсиш таъминланаётгани, халқимиз турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётганлиги, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ялпи ички маҳсулот МДҲ мамлакатларига нисбатан Ўзбекистонда ўсиш тенденциясига эга эканлиги қайд этилган. 2015 йилнинг 29 июнидан 12 июлига қадар Ўзбекистонда Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти тизими доирасида учинчи раунд мониторинги ўтказилди.

Маълумки, XX асрнинг охирлари ва XXI асрга келиб иқтисодиётнинг глобаллашуви оқибатида хуфиёна иқтисодиёт миллий доирадан чиқиб, халқаро даражага кўтарилди. Бунга мисол сифатида халқаро наркобизнес, қурол ва одам савдоси, ишчи кучининг яширин миграциясини уюштириш, оффшор зоналар орқали гайриқонуний йўллар билан топилган пулни «ҳалоллаб» олиш кабиларни кўрсатиш мумкин. Коррупция даражаси ҳамда хуфиёна иқтисодиёт ўртасидаги боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилиб, ҳозирги кунда хуфиёна иқтисодиётнинг мазмунига иштирокчилари томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқ тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган иқтисодий фаолият турлари сифатида қаралмоқда. Чунки, хуфиёна иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол жараёнлари — иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки гуруҳлар манфаатлари ётади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати яширин иқтисодиётга қарши курашнинг битта кўриниши бўлиб, иқтисодиётни соғломлаштиришга хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан коррупциявий хусусиятига эга бўлган ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш борасида

мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда коррупцияни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, шунингдек, қабул қилинган чораларнинг амалий натижалари устидан давлат органларининг жавобгарлигига асосий эътибор қаратилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилиги БМТнинг Коррупцияга қарши кураш конвенциясида кўрсатилган коррупция билан боғлиқ барча жиноий актларни қамраб олади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси юқорида қайд этилган конвенцияда кўрсатилмаган коррупция билан боғлиқ жиноий актларни ҳам назарда тутди. Мутахассислар буларга Жиноят кодексининг 167, 175, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 230, 236, 241<sup>1</sup>, 243-моддаларини киритиш мумкинлигини таъкидлайдилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, коррупцияни заифлаштирмасдан туриб тараққиётга эришиб бўлмайди. Коррупцияга қарши кураш аҳоли маънавиятининг даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия қоидаларига содиқлигига боғлиқ. Ички ишлар органлари ходимларининг коррупцияга қарши маърифатини юксалтириш борасида сўнгги йилларда тизимда изчил равишда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Маърифий ва сиёсий ўқишлар ўз натижасини бермоқда.

**Коррупцияга қарши маърифат инсонда билим, “иммунитет”, шунингдек, коррупцияга қарши олий мақсадга мос келувчи барқарор хулқ-атвор меъёрларида ўз аксини топган тегишли маънавий-ахлоқий эҳтиёжлар, инсоф, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби сифат ва ҳиссиётларни шакллантиришга қаратилган мақсадли жараёнدير.**

Ижтимоий ҳаёт коррупцияга қарши маърифат ва хулқ-атворга ўз таъсирини кўрсатиб, ахлоқий хулқ-атворнинг ўзига хос хусусияти ҳамда коррупцияга қарши маърифатнинг мақсадидан келиб чиқади.

Ахлоқий хулқ-атворнинг ўзига хослиги шундаки, у замон ва маконда чегара билмай, ҳар ерда ва доимий равишда амалга оширилиб келинади. Токи инсон тирик экан, у атроф муҳитнинг хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин, ахлоқий таъсири остида яшайди. Зеро, биз атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ахлоқий баҳо беришга интиламиз.

Сўнгги йилларда давлатимиз коррупцияга қарши кураш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг 2007 йил

25 октябрда ички ишлар органлари ходимларига йўлланган байрам табригида қуйидаги вазифаларни илгари сурди: «...**Ички ишлар идоралари ишидаги қонунчиликни янада мустаҳкамлаш, милиция ходимлари фаолиятида учраб турадиган коррупция, расмиятчилик, тўрачилик, лоқайдлик каби салбий ҳолатларга тубдан барҳам бериш**». Бу барча ички ишлар ходимларини касб маданияти талабларига қатъий риоя қилиш, ўз хизмат бурчини чуқур англашга ва виждонан адо этишга даъват этади.

<sup>1</sup> Цитата манбаи: Борьба с коррупцией в государственных органах Республики Казахстан / Под ред. Е.О.Алауханова. – Алматы, 2008. – С. 22.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б.22.

<sup>3</sup> Криминология / Подред. А.И. Долговой. – М., 1997.

<sup>4</sup> Криминология / Подред. Н. Ф. Кузнецовой, Г. М. Миньковского. – М., 1994.

<sup>5</sup> Михайлов А. В. Борьба с коррупцией в США (80-е годы) // Вопросы истории. – 1994. – №5.

<sup>6</sup> Джонстон М. Поиск определений: качество политической жизни и проблема коррупции // Международное жюри социальных наук. – Париж, 1997. – №16.

<sup>7</sup> Қаранг: Исмагулов Д. К. Причины и условия коррупционных правонарушений в государственных органах // Материалы научной конференции молодых ученых Казахстана Проблемы и перспективы развития Казахстана как правового и демократического государства: взгляды и суждения молодежи. – Алматы, 2007.

<sup>8</sup> Қобилов Ш. Р. Миллий хавфсизликнинг иқтисодий муаммолари: Монография. – Т., 2006; Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси. – Т., 2011.

<sup>9</sup> Қаранг: Спицнадель В. Б., Белова К. В. Коррупция: история и современность. – М., 2007. ([anticorrupt.u1.ru](http://anticorrupt.u1.ru), <http://zakon.ru>, [www.k2kapital.com](http://www.k2kapital.com), [www.transparency.org](http://www.transparency.org), [www.crime.vl.ru](http://www.crime.vl.ru)).

<sup>10</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т., 1997. – Б.85.

<sup>11</sup> Қаранг: Қобилов Ш. Р. Коррупция: келиб чиқиш сабаблари ва унга қарши курашнинг жаҳон тажрибаси. – Т., 2011. – Б. 20.

<sup>12</sup> Қаранг: Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б.88–95.

<sup>13</sup> Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т., 1998. – Б. 429.

**Қобилов Ш. Р.** Коррупциянинг илмий-назарий талқинига оид айрим мулоҳазалар.

**Таянч иборалар:** коррупция, коррупцион даромад, коррупция - иқтисодий ҳодиса, БМТнинг коррупцияга қарши конвенцияси, коррупцияга қарши маърифат, коррупцияга қарши кураш сиёсати.

Мақола жамиятда демократик институтлар ва миллий қадриятлар, адолат ва ҳуқуқ-тартибнинг амал қилишига, миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишга путур етказиб, тинчликнинг барқарорлиги ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётган коррупция муаммосига бағишланади.

**Кабиллов Ш.Р.** Некоторые соображения о научно-теоретическом толковании коррупции

**Ключевые слова:** коррупция, коррупционный доход, коррупция – экономическое явление, Конвенция ООН против коррупции, антикоррупционное просвещение, политика борьбы с коррупцией.

В статье анализируются вопросы научно-теоретического толкования коррупции как экономического и социального явления, которое является угрозой развитию демократических институтов, общечеловеческих и национальных ценностей. Ее отрицательное влияние на стабильное развитие национальной экономики и в целом национальной безопасности.

**Kabilov Sh.R.** Some considerations on scientific-and-theoretical interpretation of corruption

**Key words:** corruption, corrupt profit, corruption is an economic phenomena, convention of UNO against corruption, spirituality against corruption, policy of fighting against corruption.

The article devoted to the problem of corruption that threatens democratic institutions and national values, administration of justice and maintenance of law and order, stability of peace and safety of citizens by harming the steady developing of national economy in the society.

*А. А. Отажонов\**

## ЖИНОЯТ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ЖИНОЯТДАН ИХТИЁРИЙ ҚАЙТГАНЛИГИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этишга кўмаклашишда жиноят қонуни муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, бу борада жиноят қонунининг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш институти алоҳида аҳамият касб этади.

Жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш масаласи Жиноят кодексининг 26-моддасида (тамом бўлмаган жиноят) барча учун умумий бўлган ва 30-моддасининг бешинчи қисмида (жиноятда иштирокчилик) фақат ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчига нисбатан қўлланиладиган қоидалар тариқасида тартибга солинган. Қонунга кўра (ЖК 26-м.), жиноятдан ихтиёрий қайтиш, агар, шахс жиноятни охирига етказиши мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатса ёки жиний оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган ҳолда шундай оқибат келиб чиқишининг олдини олган бўлса, жиний жавобгарлик истисно этилади. Жиноят содир этишдан мажбурий қайтиш жиний жавобгарликни истисно этмайди. Бундан ташқари, жиноятдан ихтиёрий қайтиш шахснинг дастлабки жиний фаолиятини бутунлай, яъни батамом тўхтатганлигини билдиради. Чунки, жиноят содир этиш вақти кейинга сурилган ёки уни кейинчалик давом эттириш мақсадида вақтинча тўхтатиш жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб ҳисобланмайди<sup>1</sup>. Шу боис, шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолат туфайли тўхтаган қилмишни такроран содир этиши ихтиёрий ва батамом қайтиш деб баҳоланмайди.

Таъкидлаш жоизки, амалдаги жиноят қонунчилиги бажарувчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши мумкин бўлган вазиятни алоҳида нормада тартибга солмайди. Шу

туфайли, бажарувчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши билан боғлиқ ҳолатлар Жиноят кодексининг 26-моддаси доирасида ҳал қилинади. Зеро, жиноят иштирокчилари қаторида бажарувчи асосий ўринни эгаллайди, чунки бажарувчисиз иштирокчилик юз бериши мумкин эмас. Иштирокчиликни ташкил этадиган жиноятнинг бажарувчиси яқка ҳолда жиноят содир этадиган шахсдан фарқ қилади. Ҳолбуки, иштирокчиликдаги жиноятнинг бажарувчиси уни бошқа шахс жиноят содир этишга ундаётганлигини ёки жиноятнинг содир этилишида у билан бирга бошқа шахслар ҳам қатнашаётганлигини ёхуд жиноятнинг содир этилишида унга бошқа шахслар кўмаклашаётганлигини англайди. Шу нуқтаи назардан, бажарувчининг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши ўзига хос хусусиятга эга. Чунки, жиний-ҳуқуқий нуқтаи назаридан, бу жараён бажарувчининг жавобгарлигини истисно қилиш билан бир қаторда, бошқа иштирокчиларнинг жавобгарлигини ҳам белгилашни тақозо этади.

Бошқача айтганда, бажарувчининг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши бошқа иштирокчиларнинг жиний мақсади амалга оширилишини йўққа чиқаради ва бу ҳолат жиноятда иштирокчиликнинг амалга ошмай қолишига сабаб бўлади. Хусусан, адабиётда «бажарувчи жиноятга тайёргарлик кўриш ёки уни содир этишга суиқасд қилиш босқичида жиний ҳаракатларини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда тўхтатишининг ўзи бажарувчини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши учун етарли бўлади»<sup>2</sup>, деб таъкидланган. Бироқ шу ўринда, тугалланган суиқасд ҳолатида

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди, доцент.

бажарувчи жиноятдан ихтиёрий қайтиши мумкинми?, деган савол туғилади. Чунки, тугалланган суиқасдда шахс жиноий мақсадига эришиш учун зарур деб ҳисоблаган барча ҳаракатларни амалга оширади, лекин кутилган жиноий оқибат унга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра келиб чиқмайди. Бу масала адабиётларда турлича ҳал қилинади. Масалан, айрим муаллифлар тугалланмаган суиқасдда ихтиёрий қайтиш мумкин эмас<sup>3</sup>, деб қайд этса, бошқалар бундай ҳолда бажарувчи жиноятдан фаол қайтган бўлса, ихтиёрий қайтиш мумкин<sup>4</sup>, дейдилар. Фикримизча, тугалланган суиқасдда ихтиёрий қайтиш мумкин ва мумкин бўлмаган вазиятлар мавжуд. Хусусан, бажарувчи мазкур ҳолатда амалга ошириш лозим деб ҳисобланган барча ҳаракатларни содир этади, бироқ кутилган натижага эришмайди. Агар ушбу вазиятда унга боғлиқ бўлмаган ҳолат юз бермаганида, бажарувчи жиноятни охирига етказган бўлар эди. Шахс тугалланган суиқасд рўй берганда жиноятдан ихтиёрий эмас, балки мажбурий қайтади. Қз навбатида, жиноятдан мажбурий қайтиш жавобгарликни истисно қилмайди. Шу боис, бажарувчи мазкур вазиятда жиноятга суиқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Аммо тугалланган суиқасдда жиноят қонуни билан қўриқланаётган ижтимоий муносабатга реал тажовуз қилинганда, жиноий оқибат келиб чиқиши ихтиёрий равишда бажарувчининг фаол ҳаракати билан олди олинган бўлса, жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳақида фикр юритиш мумкин.

Шунинг учун ҳам, тугалланган суиқасдда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш мумкин бўлган вазиятни шартли равишда иккига ажратиш мумкин. *Биринчидан*, бажарувчи содир этиш лозим деб ўйлаган барча ҳаракатларни амалга оширган, бироқ жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга реал тажовуз қилинмаган вазиятда жиноятдан қайтиш. *Иккинчидан*, бажарувчи содир этиш лозим деб ўйлаган барча ҳаракатларни амалга оширган ва жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатга реал тажовуз қилинган вазиятда жиноятдан ихтиёрий қайтиш. Назаримизда, биринчи ҳолатда жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликни

истисно этмайди, чунки мазкур вазиятда юқорида таъкидлаганимиздек, жиноятдан мажбуран қайтиш рўй беради ва субъектив нуқтаи назардан бажарувчи жиноий хатти-ҳаракатларни амалга оширади, бироқ жиноий оқибат унга боғлиқ бўлмаган ҳолат туфайли келиб чиқмайди. Бу ҳолатда бажарувчини жавобгарликдан озод қилиш мантиқан тўғри бўлмайди. Кўрсатилган иккинчи вазиятда агар бажарувчининг фаол хатти-ҳаракати туфайли ҳақиқатда рўй бериши мумкин бўлган жиноий оқибатнинг олди олинган бўлса, жиноий жавобгарлик истисно қилиниши лозим.

Бажарувчининг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишининг ўзига хос хусусияти шундаки, бажарувчи жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтганида, бу ҳақда бошқа иштирокчиларни хабардор қилиши талаб этилмайди. Бажарувчи ҳали бошламаган ёки тайёргарлик кўрган ёхуд содир этишни бошлаган, бироқ тамом бўлмаган жиноятдан ихтиёрий қайтиши мумкин. Айнан мазкур ҳолат бажарувчининг жавобгарлигини истисно қилишни кўзда тутаяди. Аммо бажарувчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши бошқа иштирокчиларни ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилиш кераклигини англамайди.

Биз кўриб чиқаётган масала билан чамбарчас боғлиқ яна бир ҳолат — бирга бажарувчилик ҳолатида жиноятдан ихтиёрий қайтиш муаммоси ҳисобланади. Маълумки, жиноятнинг бирга бажарувчиси жиноят таркиби объектив томонини тўла ёки қисман содир этади, шунингдек, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшма аъзолари ўз навбатида ушбу гуруҳ ёки уюшма томонидан содир этиладиган жиноятларнинг бирга бажарувчилари, деб топилади. Шунинг учун ҳам, бирга бажарувчилик ҳолатида жиноятдан ихтиёрий қайтиш масаласи жиноятда иштирокчиликнинг шаклларида боғлиқ ҳолда ҳал этилади. Чунки, иштирокчиликнинг оддий шаклида жиноятнинг бирга бажарувчиси бевосита жиноят содир этишга қаратилган ҳаракатларини жиноят тамом бўлгунига қадар тўхтатса ҳамда жиноий оқибат келиб чиқишининг олдини олса, унинг бундай хатти-ҳаракати жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, деб топилиши мумкин. Аммо А.А. Шакирова «Бирга бажарувчи агар жиноят содир этишдаги

иштирокини ихтиёрий ва батамом тўхтатса, у жиний жавобгарликка тортилмайди»<sup>5</sup>, деб таъкидлайди. Бироқ биз бу фикрга қўшилмаймиз. Чунки, бирга бажарувчи иштирокчиликда содир этилаётган жиноятдан ихтиёрий ва батамом қайтгани билан содир этилиши кўзда тутилган жиноят бошқа бажарувчи томонидан охирига етказилиши мумкин. Чунинчи, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш учун жиноят иштирокчиларининг жавобгарлигини истисно қилишимиздан мақсад, аввало, содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олиш ҳисобланади. Шу боис, жиноятнинг бирга бажарувчисини жавобгарликдан озод қилиш учун унга бу борада қўшимча шартлар белгиланиши жиноятнинг олдини олишга қаратилган мақсадга эришиш учун имконият яратади.

Бундан ташқари, жиноят ҳуқуқи доктринаси ва амалиётида жиноят уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма томонидан содир этилган ҳолатда унинг ташкилотчиси ёки аъзоларини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишини ҳуқуқий баҳолаш мунозарали ҳисобланади. Чунки, мазкур ҳолатда биз кўзда тутган мақсаддан келиб чиқадиган бўлса, нафақат ташкилотчи ёки унинг аъзо (бирга бажарувчи)ларининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши, балки улар шу гуруҳ ёки уюшма фаолиятини тўхтатиши ҳамда бошқа иштирокчилар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг ҳам олдини олишлари керак бўлади. Хусусан, бу борада Т.Н. Дронова «Жиноят олдиндан тил бириктириб бир гуруҳ шахслар, уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма (жиний ташкилот) томонидан содир этилганда, жиноятни бевосита бажаришга қаратилган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этишга киришган жиноятнинг бирга бажарувчиси, агар у жиноятнинг бошқа бажарувчилари томонидан содир этиладиган жиноятни охирига етказишни бартараф қилган бўлса, жиний жавобгарликка тортилмайди»<sup>6</sup>, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, жиноят уюшган гуруҳ ёхуд жиний уюшма томонидан содир этилганда, уларнинг ташкилотчиси ёки аъзоси бундай гуруҳ ёки уюшма фаолиятини ихтиёрий ва батамом тўхтатса ҳамда гуруҳ ва уюшманинг бошқа иштирокчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг

оқибатларининг олдини олса, жиний жавобгарликдан озод қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Мухтасар айтганда, таъкидланган ҳолатлар турли вазиятларда бажарувчи, бирга бажарувчи, уюшган гуруҳ ва жиний уюшма аъзоларининг қилмишини жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолаш мумкин бўлган шартларни белгилашга имкон беради. Шунинг учун ҳам, содир этилган қилмишни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолашда қуйидагиларнинг амалга оширилганлиги исботланиши керак:

*Агар иштирокчиликда содир этилаётган жиноят фақат битта бажарувчи томонидан амалга оширилган бўлса:* 1) ихтиёрий қайтиш жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш босқичида тўхтаганлиги; 2) жиноят содир этишдан батамом қайтганлиги ва жиний хатти-ҳаракатини тўхтатганлиги; 3) жиноятдан ўз ихтиёрига кўра қайтганлиги; 4) жиний оқибатнинг юз бермаганлиги; 5) жиноятдан ихтиёрий қайтганлиги тўғрисида бошқа иштирокчиларни хабардор қилишнинг шарт эмаслиги.

*Агар иштирокчиликда содир этилаётган жиноят фақат бирга бажарувчиликда амалга оширилаётган бўлса:* юқорида кўрсатилган 1–3-белгилар билан бир қаторда, бошқа бажарувчилар томонидан, содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги ва жиний оқибат келиб чиқишининг олди олинганлиги.

*Агар жиноят уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма томонидан содир этилаётган бўлса:* юқорида кўрсатилган 1–3-белгилар билан бир қаторда, уюшган гуруҳ ва жиний уюшманинг фаолияти ва бошқа иштирокчилари томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг тўхтатилганлиги ва жиний оқибат келиб чиқишининг олди олинганлиги.

*Агар бажарувчи, жиноят қонунига биноан жиний жавобгарликка тортилмайдиган шахслардан фойдаланиб жиноят содир этаётган бўлса:* юқорида кўрсатилган 1–3-белгилар билан бир қаторда жиноятга жалб этилган жиний жавобгарликка тортилмайдиган шахсларнинг жиноятни содир этишга қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш

---

---

мумкинлигини англаган ҳолда содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўрганлиги ва жиний оқибатнинг олди олинганлиги.

Ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши бажарувчиникдан фарқ қилади. Гарчи, бажарувчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши учун у тажовуз қилинаётган объектга зарар етказмасдан ўз ихтиёри (эрки, иродаси) билан жиний ҳаракатини тўхтатганлигининг ўзи етарли бўлса, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчиларнинг ўз ҳаракатларини оддий тўхтатишининг ўзи жиноятдан ихтиёрий қайтиш учун асос бўлмайди. Уларни жиноятдан ихтиёрий қайтган деб ҳисоблаш учун бажарувчи томонидан амалга оширилаётган жиний оқибат келиб чиқишининг олдини олиш учун ўзларига боғлиқ бўлган барча чораларни кўришлари керак<sup>7</sup>.

Қайд этиш керакки, ташкилотчининг ташкиллаштирилган ёки раҳбарлик қилган ёхуд далолатчининг далолат қилган ижтимоий хавfli қилмиши бажарувчи томонидан амалга оширилади. Шунинг учун, ташкилотчи ва далолатчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши учун, авваламбор, улар бажарувчини, содир этилиши кўзланган жиноятдан қайтариши ёки бажарувчи томонидан содир этилиши бошланган, бироқ тамом бўлмаган жиноятининг олдини олишлари керак бўлади. Айнан шу сабаб адабиётларда ташкилотчи ва далолатчининг бажарувчини жиноятдан қайтариши ёки у содир этадиган жиноятнинг олдини олишга қаратилган хатти-ҳаракати фақат фаол<sup>8</sup> ёки аксарият ҳолларда пассив бўлиши<sup>9</sup> мумкинлиги таъкидланади. Бинобарин, агар жиноятга тайёргарлик кўриш ёки суиқасд жараёнида ташкилотчи ёки далолатчи жиноятдан ихтиёрий қайтса, ўзининг фаол хатти-ҳаракати билангина бажарувчини жиноят содир этмасликка кўндира олиши ёки у содир этадиган жиноятнинг олдини олишлари мумкин. Пассив (ҳаракатсизлик) хулқ-атвор билан, улар бажарувчининг тайёргарлик кўрилган ёки содир этилаётган жиноятдан тўхтата олмайди. Боиси, мазкур жараён уларнинг фаол хатти-ҳаракатини талаб этади.

Чунончи, қонун чиқарувчи Жиноят кодексининг 30-моддаси бешинчи қисми ёки

бошқа моддасида ташкилотчи ёки далолатчининг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши борасида амалга ошириши лозим бўлган у ёки бу ҳаракатларининг аниқ мазмунини очиб бермайди. Хусусан, Жиноят кодексининг 30-моддаси бешинчи қисмида қайд этилган «жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ бўлган барчаларни ўз вақтида кўрганлиги» ибораси қандай мазмунда тушунилиши кераклиги аниқлаштирилмайди. Гарчи, бундай чоралар интеллектуал (ишонтириш) ва жисмоний (мажбурлаш) усулларда намоён бўлиши мумкин. Мисол учун, бажарувчи томонидан содир этилиши кўзланган жиноятнинг олдини олиш учун қўлланиладиган ишонтириш усули ташкилотчи ёки далолатчининг бажарувчига жиноят содир этишдан воз кечиши кераклигини (жавобгарликка тортилиши мумкинлиги, жабрланувчига раҳм қилиш кераклигини уқтириш ва бошқа) тушунтириш, жиноят содир этишини тақиқлаш, содир этилиши мумкин бўлган жиноят тўғрисида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар бериш, келишув орқали бажарувчини жиноят содир этмасликка кўндириш тарзида ифодаланиши мумкин.

Жисмоний усул орқали жиноятнинг олдини олиш эса бажарувчидан жиноят содир этиш қурол ва воситаларини олиб қўйиш ёки уни, куч ишлатиб бўлса-да, жиноят содир этишдан тўхтатиб қолишни назарда тутаяди. Аммо бу ўринда бажарувчи томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олиш учун унга нисбатан жисмоний куч ишлатишга оид вазиятни ҳуқуқий баҳолаш муайян қийинчилик келтириб чиқариши мумкин. Негаки, қонун чиқарувчи жиноятнинг олдини олиш учун жисмоний куч ишлатиш мумкинлигини тақиқламайди. Бу эса, мазкур ҳолат юз берганда зарурий мудофаа ёки охири зарурат чораларини қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги бўйича муаммони юзага келтиради. Жиноят кодекси 37- ва 38-моддаларида белгиланган талабларга амалда тўлиқ риоя қилиниши ушбу чораларнинг қўлланилишини инкор этмайди. Аммо бу иштирокчиликда содир этилаётган жиноятнинг тайёргарлик кўриш босқичида бундай чораларни кўришнинг ўзига хос ҳолатини келтириб чиқаради. Чунки, бу ҳолат ташкилотчи ёки далолатчининг бажарувчини

жиноят содир этишдан қайтаришнинг бошқа чоралари бор ёки йўқлигини ҳамда қўллаётган усул олди олинаётган зарардан кам эканлигини баҳолашни талаб этади. Боиси, жиноятга тайёргарлик кўриш босқичида ташкилотчи ёки далолатчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятнинг олдини олиш учун бажарувчига жисмоний куч ишлатиши мантиқан тўғри бўлмайди ва бу ҳолат охириги зарурат ва зарурий мудофаа талабларига ҳам жавоб бермайди.

Айни пайтда Жиноят кодекси 30-моддаси бешинчи қисмида иштирокчиларнинг жиноятдан ихтиёрий қайтишига оид назарда тутилган талабларидан яна бири бундай чораларнинг ўз вақтида кўрилганлиги ҳисобланади. Аммо мазкур ибора баҳола- нувчи тушунча ҳисобланади. Чунки, «ўз вақтидалик» иборасини қонун нормаси изоҳламайди. Шу мақсадда жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўришни ҳуқуқий баҳолашда, юз берган муайян вазиятнинг барча ҳолатларини инобатга олиш керак. Бундай ҳолатда жиноят содир этиш вақти, жойи, содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг хусусияти, қасддан жиноят содир этиш босқичлари ва бошқа омиллар инобатга олинishi лозим. Шунинг учун, ўз вақтидаликни баҳолашда тайёргарлик кўрилган жиноятни тўхтатиш ёки бошланган жиноятнинг олдини олиш учун етарли вақт бўлганлигини аниқлаш керак. Бундай чоралар тайёргарлик кўрилган жиноятни бошламасдан ва бошланган жиноятни тамомламасдан туриб амалга оширилиши мумкин. Мазкур ҳолатларда тушунмовчи- ликларга йўл қўймаслик ва иштирокчилар- нинг жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиши билан боғлиқ ҳолатларнинг бир хилда қўлланилишига эришиш мақсадида уларга Қзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорларида тушун- тириш берилиши лозим.

Хулоса қилганда, ташкилотчи ва далолат- чининг қилмишини жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш деб баҳолаш учун *биринчидан*, уларнинг жиноятдан ўз ихтиёрига кўра қайтганлигини, *иккинчидан*, иштирокчиликда содир этилаётган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган ҳаракатларни охирига етказиш ва жиноий оқибат келиб чиқиши мумкинлигини англаган

ҳолда жиноий хатти-ҳаракатини батамом тўхтатганлигини, *учинчидан*, бажарувчини жиноят содир этишдан амалда қайтарганлиги ва *тўртинчидан*, бажарувчи томонидан содир этиладиган жиноят тамом бўлгунига қадар унинг олди олинганлигини аниқлаш лозим. Ушбу белгиларнинг мажмуи уларнинг қилмишини иштирокчиликдаги жиноятдан ихтиёрий қайтиши деб баҳолаш учун асос бўлади.

Қайд этиш ўринлики, ёрдамчининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши ташкилотчи ва далолат қилишдан фарқ қилади. Чунки, М. Х. Рустамбоевнинг ҳақли равишда таъкидлашича, «ёрдамчининг ихтиёрий қайтишини ёрдамчиликнинг турларидан келиб чиқиб алоҳида ажратган ҳолда кўриб чиқиш лозим»<sup>10</sup>. Аммо амалдаги қонунчилик ёрдамчиликнинг жиноятдан ихтиёрий қайтиши билан боғлиқ масалани тартибга солишда унинг турларидан келиб чиқувчи хусусиятларини инобатга олмаган. Агар қонун нормаси (ЖК 30-м. 5-қ.) талабидан келиб чиқсак, ёрдамчининг жиноятда ихтиёрий қайтишга қаратилган интилиш- лари натижасиз яқунланса, яъни амалда жиноят содир этилса, унинг қилмишини жиноятдан ихтиёрий қайтиш сифатида баҳолаб бўлмайди. Адабиётларда «агарда ёрдамчининг мазкур интилишлари натижа- сиз яқунланса, яъни бажарувчи томонидан жиноят содир этилган тақдирда ҳам ёрдамчининг қилмиши ихтиёрий қайтиш деб баҳолаш керак»<sup>11</sup>лиги таъкидланади. Бизнингча, бу ҳам тўғри. Фақат, бу ҳолат ёрдамчиликнинг жиноят содир этилишига воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан қўмаклашган, шунингдек, жиноят содир этган шахсни, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жи- ноий йўл билан қўлга киритилган нарса- ларни яширишга ҳамда бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган ёрдамидан ихтиёрий воз кечганлик каби ҳолларига нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Боиси, ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, бажарувчи билан жиноят содир этилишига қурол ва воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш йўли билан қўмаклашиш бўйича олдин келишган қўмагидан батамом воз кечса ёки уларни бажарувчидан жиноят содир этилгунига қадар олиб қўйса, бироқ шунга қарамасдан бажарувчи ёрдамчининг қўмагидан воз

кечиб, жиноятни ўзи ёки бошқа ёрдамчилардан фойдаланиб, жиноятни содир этса, жиноят содир этишга ёрдам беришдан ихтиёрий қайтган ёрдамчи жиний жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Мазкур ҳолатда ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий қайтиши ва жиноят содир этишни истамаганлиги ҳамда бажарувчига ёрдам бериш бўйича келишилган кўмагидан воз кечиши ҳақида бажарувчини хабардор қилиши ёки қилмаслиги мумкин. Айти пайтда ёрдамчи шу ҳаракатлари билан бажарувчи ўртасида мавжуд бўлган объектив ва субъектив алоқани узади.

Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари ва кўрсатмалари билан ёрдам берган ёрдамчи агарда бундай маслаҳатларни бажарувчига етказишга улгурган бўлса, ундай ҳолда ёрдамчига қўшимча мажбурият юклатилади. Чунки, мазкур вазиятда ёрдамчи берган маслаҳатининг натижаларини қайтариб олишнинг имкони мавжуд бўлмайди. Бундай шароитда бажарувчига шу тарзда ёрдам берган шахснинг жиноятдан ихтиёрий қайтиши учун у ўзининг фаол хатти-ҳаракати билан у томонидан содир этиладиган жиноятнинг олдини олишга эришган бўлиши даркор. Акс ҳолда, унинг қилмиши жиноятдан ихтиёрий қайтиш деб баҳоланмайди.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бажарувчи, бирга бажарувчи ва уюшган гуруҳ ёки жиний уюшма ташкилотчиси ва аъзоларининг жиноятдан ихтиёрий қайтишига оид ҳолатларни, шунингдек, ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчиликда жиноятдан ихтиёрий қайтишнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, уларни қонунчиликда алоҳида белгилаш керак. Чунки, уларнинг қонунчиликда ифодаланиши, *биринчидан*, суд амалиёти учун энгилликлар туғдиради, мавжуд муаммо ва қийинчиликларни бартараф қилади, *иккинчидан*, иштирокчиликда содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни фош этиш ва олдини олишга хизмат қилади, *учинчидан*, жиноят қонунчилигининг янада либераллашувини таъминлайди.

Бундан ташқари, қонунчилик техникаси нуқтаи назаридан ихтиёрий қайтиш нафақат жиноятда иштирокчиликнинг тури, балки унинг шакллари билан ҳам боғлиқлигини инобатга олиб, унинг амалда қўллаш самарадорлигини ошириш мақсадида Жиноят

кодекси 30-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган қонундан истисно этган ҳолда ушбу кодексга «Жиноят иштирокчиларининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши» деб номланган янги модда киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, жиноятда иштирокчилик институтини мазкур номдаги янги модда билан тўлдириш, албатта, ушбу институтни янада такомиллаштиришга ва жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш ва жиноятда иштирокчилик институтларини амалда қўллаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Демак, Жиноят кодексининг жиноятда иштирокчилик институтини қўйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш керак:

**30<sup>1</sup>-модда. Жиноят иштирокчиларининг жиноятдан ихтиёрий қайтиши**

*Бажарувчи иштирокчиликда содир этиладиган жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга бевосита қаратилган қилмишини охирига етказиш мумкинлигини англаган ҳолда батамом тўхтатса, шунингдек, содир этган ижтимоий хавфли қилмиши натижасида ушбу Кодекс билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга етказган реал зарари туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган жиний оқибатни фаол хатти-ҳаракати билан олдини олса, жиний жавобгарликдан озод қилинади.*

*Жиноятнинг бирга бажарувчиси агарда жиноят содир этишидаги иштирокини ихтиёрий ва батамом тўхтатиб, биргаликда содир этилаётган жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўрса, башарти биргаликда содир этилган жиноятнинг олди олинган бўлса, жиний жавобгарликка тортилмайди.*

*Уюшган жиний гуруҳ ёки жиний уюшма ташкилотчиси (раҳбари) ёки аъзоси агарки шу гуруҳ ёки уюшма жиний фаолиятини бошламасдан туриб, ўз фаолиятини ихтиёрий ва батамом тўхтатса, шунингдек, шу гуруҳ ва уюшма томонидан тайёргарлик кўрилган ёки содир этилиши кўзланган жиноят(лар)нинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ барча чораларни кўрса ёки бу ҳақда ўз вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга хабар берса, башарти гуруҳ ёки уюшма томонидан содир этиладиган жиноятнинг олди олинган бўлса, жиний жавобгарликка тортилмайди.*



*Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи агарда иштирокчиликда содир этилаётган жиноят ҳақида ўз вақтида ҳокимият органларига хабар берса ёки бажарувчи томонидан содир этилаётган жиноят тамом бўлгунга қадар унинг олдини олиш учун барча чораларни ўз вақтида кўрган бўлиб, жиноятнинг олдини олган бўлса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.*

*Агар ёрдамчи жиноят бошлангунга қадар жиноят содир этилиши юзасидан бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларга берган ёрдамидан воз кечса ёки жиноятга тайёргарлик кўриш*

*ёхуд содир этиш учун берган ёрдамнинг оқибатларини амалда бартараф этса, жиноий жавобгарликка тортилмайди.*

*Ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи жиноятдан ихтиёрий равишда қайтиб, бажарувчи томонидан содир этиладиган жиноятнинг олдини олиш учун ўзига боғлиқ барча чораларни ўз вақтида кўрган қилмиши уларга боғлиқ бўлмаган ҳолат туфайли бажарувчи томонидан содир этиладиган жиноятнинг олди олинмаган тақдирда, бундай қилмиш жазони енгилаштирувчи ҳолат, деб топилади.*

<sup>1</sup> Қаранг: Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик (Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашри) / Р. Кабулов, А. А. Отажонов ва бошқ. – Т., 2012. – Б. 233.

<sup>2</sup> Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Ўқув қўлланма. – Т., 2006. – Б. 92–93; *Питецкий В. В.* Добровольный отказ соучастников преступления // Российская юстиция. – 2000. – № 10. – С. 38–39.

<sup>3</sup> Тадевосян Л. З. Проблемы ответственности за неоконченную преступную деятельность по уголовному законодательству Республики Армения. Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – М., 2010. – С. 38.

<sup>4</sup> Рустамбоев М. Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. I. – Т., 2010. – Б. 129.

<sup>5</sup> Шакирова А. А. Добровольный отказ от преступления соучастников: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2006. – С. 17.

<sup>6</sup> Дронова Т. Н. Добровольный отказ от преступления: теория, закон и правоприменение: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2012. – С. 18.

<sup>7</sup> Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари: Қўв қўлланма. – Т., 2006. – Б. 92 – 93.

<sup>8</sup> Рустамбоев М. Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. I. – Т., 2010. – Б. 296.

<sup>9</sup> Орлова А. И. Добровольный отказ от преступления: проблемы теории и практики. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Красноярск, 2007. – С. 16.

<sup>10</sup> Рустамбоев М. Ҳ. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Умумий қисм. Т. I. – Т., 2010. – Б. 296.

<sup>11</sup> Тадевосян Л. З. Добровольный отказ от преступления при соучастии // Вектор науки Тольяттинского государственного университета. – 2010. – № 1. – С. 142.

#### **Отажонов А.А. Жиноят иштирокчиларининг жиноятдан ихтиёрий қайтганлиги учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш**

**Таянч иборалар:** жиноятда иштирокчилик, жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтиш, жиноий оқибатларнинг келиб чиқишининг олдини олиш, бажарувчи, ташкилотчи, далолатчи, ёрдамчи.

Мақолада жиноят иштирокчиларининг жиноятдан ихтиёрий қайтганлиги учун жавобгарлиги масалари жиноий-ҳуқуқий нуқтаи назардан тўлиқ тартибга солинмаганлиги, натижада суд амалиёти бу борада муаммоларга дуч келаётгани таъкидланади. Ушбу муаммоларни таҳлил қилиш асосида уларни бартараф этишга оид таклиф ва тавсиялар берилади.

#### **Отажонов А.А. Совершенствование мер ответственности участников преступления за добровольный отказ от преступления**

**Ключевые слова:** соучастие в преступлении, добровольный отказ от совершения преступления, прекращение совершения преступления, исполнитель, организатор, пособник, подстрекатель.

В статье подчёркивается, что вопросы ответственности участников преступления за добровольный отказ от совершения преступления с точки зрения уголовного-права отрегулированы не полностью. В итоге судебная практика встречается с проблемами в этой сфере. На основе анализа этих проблем даются предложения и рекомендации по их устранению.

#### **Atajanov A.A. Improvement of measures of liability of criminal participants for voluntary renunciation of perpetration of crime**

**Key words:** complicity in a crime, voluntary renunciation of perpetration of crime, cessation of perpetration of crime, perpetrator of a crime, organizer, accomplice, instigator.

The article emphasizes that the questions of liability of criminal participants for voluntary renunciation of perpetration of crime are not completely regulated in respect to criminal law. In the upshot, the court practice faces with definite problems in this sphere. On the basis of analyses of these problems the author puts forward some proposals and recommendations on elimination of them.

## УЙ ҚАМОҒИ ТАРЗИДАГИ ЭҲТИЁТ ЧОРАСИ ВА УНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган изчил ва тизимли ислоҳотлар инсон ҳуқуқларини, айниқса унинг асосий жинсий таъқибдан ҳимояланиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларини самарали таъминлашни халқаро стандартлар даражасида мустаҳкамлашга хизмат қилди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги (2014 йил 4 сентябрь) қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига уй қамоғи тарзидаги янги эҳтиёт чораси киритилганлиги бу борада амалга оширилган тизимли ишларнинг манتيқий давоми бўлди. Бунга қадар Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасига мувофиқ, мамлакатимизда муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафилик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафилиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий хизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик кузатуви эҳтиёт чоралари қўлланилиб келинган бўлса, юқорида келтирилган қонун билан эҳтиёт чораларининг турлари яна биттага — уй қамоғи эҳтиёт чорасига кўпайди ҳамда Жиноят-процессуал кодексига 242<sup>1</sup>-модда қўшилди<sup>1</sup>.

*Уй қамоғи* — гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида шахсининг ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ деб топилган тақдирда қўлланиладиган ҳамда шахсни жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки

бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда унга тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидан иборат эҳтиёт чорасидир.

Уй қамоғи эҳтиёт чорасининг хусусиятлари унинг қуйидаги жиҳатларида ўз аксини топади:

*Биринчидан*, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун, энг аввало, шахс Жиноят кодексига уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятлар, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун Жиноят кодексига беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, ЖПК 242-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган алоҳида ҳоллар мавжуд бўлганда, уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган қасддан содир этилган жиноятларга доир, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, бунинг учун беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинаётган, айбланаётган ёки судланаётган бўлиши лозим.

*Иккинчидан*, уй қамоғи кўрсатилган жиноятлардан бирини содир этганлиги юзасидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун барча асослар мавжуд бўлса-да, бироқ шахсининг ёши, соғлиғининг ҳолати, оилавий аҳволи ва бошқалар унга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш имконини бермаган тақдирда қўлланилади.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курслари бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, қайд этилган мазкур енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ҳар бири ёки уларнинг мажмуи уй қамоғи эҳтиёт чорасини танлашга асос бўлиши мумкин. Бунда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга асос бўлган енгиллаштирувчи ҳолатлар нима сабабдан ва қайси хусусиятларига кўра асос сифатида қабул қилинганлиги ёритилиши ва уни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар иш материалларига илова қилиниши талаб этилади.

*Учинчидан*, уй қамоғи шахсни жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйиш йўли билан ижро этилади. Таъкидлаш жоизки, уй қамоғи эҳтиёт чораси суднинг қарори билан шахсни жамиятдан қисман ёхуд тўлиқ ажратиб қўйишни назарда тутиши мумкин. Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўқиш ва иш жойига бориб келиши, шунингдек, бошқа шу каби ҳолатларда турар жойдан ташқарига чиқиши талаб этилганда ҳамда бунга тўсқинлик қилувчи ҳолатлар бўлмаганда, табиийки, суд қарорида уй қамоғи жамиятдан қисман ажратиб қўйиш йўли билан ижро этилиши белгиланади.

Иш ҳолатидан келиб чиқиб, сўнги чора сифатида суд ажрими билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйиш шарти билан ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда ушбу шахснинг яшаш жойи ҳудудий ички ишлар органлари томонидан қўриқланиши белгиланиши мумкин.

*Тўртинчидан*, уй қамоғи эҳтиёт чораси шахснинг ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда ижро этилади. Бундай турар жойларга фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнфинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган, белгиланган тартибда махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлар, фахрийлар, ёлғиз қариялар учун интернат-уйлар, шунингдек болалар уйлари, бошқа махсус мақсадли уйлар) сифатида фойдаланишга мўлжалланган жойлар киради.

Гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг соғлиғи ҳолатини ҳисобга олган ҳолда тиббий муассаса ҳам уй қамоғида сақлаш жойи этиб белгиланиши мум-

кин. Бунинг учун эса, экспертнинг шахс стационар тартибда даволанишга муҳтожлиги ҳақидаги хулосаси асос бўлади. Бундай тиббий муассасалар соғлиқни сақлаш тизимига қарашли касалхона ва клиникалардан иборат бўлиб, мазкур муассасанинг ҳудуди уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш жойи ҳисобланади.

*Бешинчидан*, уй қамоғи эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга белгиланган тақиқлар (чекловлар) юклатилади, шунингдек, унинг устидан тегишли назорат амалга оширилади.

ЖПКнинг 242<sup>1</sup>-моддасида белгиланганидек, ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланган шахсга қуйидаги тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин:

- муайян шахслар билан алоқада бўлиш;
- хат-хабар олиш ва жўнатиш;
- ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш;
- уй-жойни тарк этиш.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ушбу тақиқлар (чекловлар)нинг барчасига ёхуд улардан айримларига дучор этилиши мумкин.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси прокурор, унинг розилиги билан жиноят иши юритувида бўлган терговчи томонидан мазкур чорани қўллаш тўғрисидаги илтимоснома қўзғатиш ҳақидаги қарорга мувофиқ суд томонидан чиқарилган қарор асосида қўлланилиб, ушбу қарорда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи дучор қилинадиган аниқ тақиқлар (чекловлар), шунингдек ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш зиммасига юклатилаётган орган кўрсатилади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 11 ноябрдаги 162-сонли буйруғи қабул қилиниши ушбу эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан суд томонидан ўрнатилган тақиқ ёки чекловларга риоя этилишини назорат қилиш тартибларини белгилаб беради. Ушбу йўриқномада белгиланганидек, шахснинг уй

қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойларида бўлишини ва улар томонидан суднинг қарори билан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиш ҳудудий ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган.

Ҳудудий профилактика инспекторининг уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш тартиби, жумладан, ушбу шахс билан профилактик суҳбат ўтказиш, унинг яшаш, ўқиш ёки иш жойида текширувларни ўтказиш тартиби ва муддатлари, шахс томонидан ўрнатилган тақиқ (чеклов)лар бузилганда кўриладиган чора-тадбирлар, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни ҳисобга олиш ва ундан чиқариш масалалари Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2014 йил 11 ноябрдаги 162-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномада аниқ белгилаб берилган.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларга ўрнатилган тақиқлар (чекловлар)га риоя этилишини назорат қилишда профилактика инспекторлари ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, жумладан, тезкор-қидирув ва тергов аппаратлари, патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш бўлинмалари ходимлари билан узвий ҳамкорлик қиладилар. Хусусан, ички ишлар органларининг патруль-пост хизмати нарядлари патрулик йўналишларида жамоат тартибини сақлашга доир вазифаларини бажариш билан бирга, профилактика инспектори тақдим этган маълумотлар (фамилияси, исми-шарифи, суд томонидан ўрнатилган тақиқлар (чекловлар), фотосурати, эҳтиёт чорасини ўташ жойининг манзили)га кўра уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг кузатувини амалга оширадилар ҳамда улар томонидан ўрнатилган чекловлар бузилганлиги ёки ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги аниқланса, бу ҳақда профилактика инспекторига билдирги билан хабар берадилар.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва уни ижро этиш тартибини бел-

гиловчи қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили бу борада бир қатор шартлар ўрнатилганлигини кўрсатади:

а) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан унинг ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиш учун зарур ҳолларда электрон кузатиш воситалари қўлланилиши мумкин;

б) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси шартлари бузилган ҳолларда шахсга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилиши мумкин;

в) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ижроси устидан назоратни амалга оширувчи ҳудудий профилактика инспектори ва унинг топшириғи билан патруль-пост хизмати наряди шахснинг суд томонидан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этиши устидан сутканинг исталган вақтида монеликсиз текшириш ҳуқуқига эга;

г) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан унга нисбатан қўлланилган асбоб-ускуналарни носоз ҳолатга келтирганида етказилган моддий зарарни ушбу шахсдан ундириш чоралари кўрилади;

д) уй қамоғида сақлаш муддатини 5 ойга қадар узайтириш фақат вилоят прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорлар томонидан амалга оширилади ҳамда бу ҳақдаги илтимоснома (қарор) ушбу муддат тамом бўлишидан 10 кун олдин тақдим этилади. Мазкур талаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг «Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув жараёнида қонунлар ижроси устидан прокурор назорати самардорлигини ошириш тўғрисида»ги 2014 йил 26 декабрь буйруғи билан белгиланган.

Юқоридаги шартларнинг барчаси ҳудудий профилактика инспектори томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан ўтказилган суҳбат жараёнида унга батафсил тушунтирилади. Шундай суҳбат уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган вояга етмаган шахс билан

---

ўтказилганда мазкур жараёнда унинг қонуний вакили, унинг йўқлигида педагог ёки психолог иштирок этиши ҳам шарт қилиб белгиланган.

Бундан ташқари, жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйиш шarti билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар учун қўшимча шартлар ўрнатилади. Жумладан, бундай шахсларни суддан эҳтиёт чорасини ўташ жойига ва ушбу жойдан суриштирув органига, дастлабки тергов органига ёки судга конвой хизмати олиб боради ҳамда алоҳида ҳолларда мазкур шахсларга қўл кишани қўлланилиши мумкин. Шунингдек, жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйиш шarti билан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсларнинг яшаш жойи энг охирги чора сифатида қўриқланиши мумкин.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича ҳудудий профилактика инспекторига қуйидаги вазифалар юклатилган:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни профилактик ҳисобга олиб, унга нисбатан тегишли йиғма жилд юритилишини таъминлаш;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс билан профилактик суҳбат ўтказиб, унга ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этишига доир барча талаблар ва уларни бузишнинг оқибатларини тушунтириш;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг ўрнатилган тақиқ (чеклов)ларга риоя этишини унинг яшаш, даволаниш, иш ёки ўқиш жойида белгиланган тартибда текшириб, назорат қилиб бориш.

Бунда профилактика инспектори томонидан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг яшаш жойида бўлишини бир ҳафтада камида икки марта сутканинг исталган вақтида текшириш (кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта) ўтказилади. Унга ҳар қандай алоқа воситаларидан фой-

даланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ (чеклов) ўрнатилмаган бўлса, ушбу шахсни яшаш жойида бўлишини бир ҳафтада камида икки марта алоқа воситалари орқали қўшимча текшириб, натижасини ойлик назорат ведомостида акс эттирилади.

Шунингдек, иш ва (ёки) ўқиш вақтида суд томонидаи уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойидан ташқарида бўлишга рухсат этилганда, профилактика инспектори шахснинг иш ёки ўқиш жойига хабарнома юбориб, шахснинг ишлаш ёки ўқиш жадвали, унинг ишдан бўшатилигани, иш ёки ўқиш жадвалига ўзгартиш киритилгани ҳақида хабардор қилади. Профилактика инспектори шахснинг иш ёки ўқиш жойларига етиб бориш ва қайтиш вақти, йўналиши ҳамда қайси транспорт воситасидан фойдаланилиши ҳақида хабардор бўлиши шарт. Профилактика инспектори шахснинг иш ва (ёки) ўқиш вақтида хулқ-атвори устидан назорат ўрнатилишини таъминлаш мақсадида бир ойда камида икки марта унинг иш ва ўқиш жойига бориб, суд томонидан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя қилинишини текшириб боради. Шу билан бирга унга қуйидаги вазифалар юклатилади:

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга ҳар қандай алоқа воситаларидан фойдаланиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб боришга тақиқ (чеклов) ўрнатилганда, ушбу шахснинг мазкур талабга риоя этишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс томонидан унга нисбатан қўлланилган асбоб-ускуналарни носоз ҳолатга келтирганида, ушбу шахсдан етказилган моддий зарарни ундириш чораларини кўриш ҳақида терговчи, суриштирувчи ёки судга асослантирилган хат билан мурожаат қилиш;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахс тиббий маълумотга кўра соғлиқни сақлаш муассасаларига ётқизилган ҳолатда, зудлик билан иш юритувида жиноят иши бўлган терговчи, суриштирувчи ёки судни хабардор қилиш, шунингдек, дарҳол соғлиқни сақлаш муассасасини ушбу

---

---

шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани тўғрисида хабардор қилиб, суд ажримидан нусха тақдим қилиш;

– иш юритувида жиноят иши бўлган терговчининг, суриштирувчининг ёки суднинг сўров хатига кўра, уларга 1 кунлик муддат ичида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ўташ жойида суднинг ажрими билан ўрнатилган тақиқларга (чекловларга) риоя этилишини назорат қилиш юзасидан амалга оширилган ишлар ҳақида ахборот бериш;

– уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахснинг қаерда эканлиги номаълум бўлган тақдирда, шунингдек шахс томонидан эҳтиёт чораси шартлари бузилган ҳолатлар аниқланган тақдирда иш юритувида жиноят иши бўлган терговчига, суриштирувчига, судга, уларнинг йўқлигида идора раҳбарига хабар бериш ҳамда тегишли бошқа чораларни кўриш;

– тегишли асослар мавжуд бўлганда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсни ҳисобдан чиқариш чораларини кўриш.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг афзалликлари кўйидагиларда намоён бўлади дейиш мумкин:

а) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси, энг аввало, инсонийлик принципига мос бўлиб, унинг қўлланилиши гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг ушбу даврда оиласидан ажратилмаслиги ва бу орқали шахснинг парваришга муҳтож яқинлари бўлганда уларга қараб туришига шароит яратади, қолаверса шахс даволанишга муҳтож бўлганда унинг белгиланган касалхона ёки клиникаларда даволанишига имкон беради;

б) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг қўлланилиши шахс томонидан етказилган зарарни тўлиқ қоплашга имкон беради. Бу эса, нафақат, етказилган зарар ўрнини қоплашга, қолаверса бу орқали жиноят содир этган шахснинг жазосини енгиллаштиришга ҳам хизмат қилади;

в) уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш шахсни жамиятдан қисман ажратиб қўйиш йўли билан ижро этилганда, қамоққа

олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш учун шахсни сақлаб туриш, кўриқлаш, конвой қилиш ва тегишли ички ишлар органлари ходимларининг бандлиги билан боғлиқ давлат томонидан сарфланадиган харажатларни тежаш имконини беради;

г) биринчи марта жиноят содир этган шахслар, айниқса вояга етмаганларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси тергов ҳибсхоналарида ижро этилганда, уларнинг бошқа турли шахслар билан, жумладан, такроран жиноят содир этганлар билан битта хонада сақланиши, албатта, бундай шахслар, хусусан, вояга етмаганларнинг дунёқарашига салбий таъсир этишини инобатга олганда, қонун доирасида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ўзига хос аҳамиятга эга.

Шундай экан, жазонинг муқаррарлигини таъминлашга доир амалий фаолиятда уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси имкониятларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг моҳиятини ва ушбу соҳадаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун ва қонуности ҳужжатларининг мазмунини ўз фаолиятида қўлловчи субъектларга, айниқса ҳудудий профилактика инспекторларига етказиш, ушбу қонун нормаларини жамият ҳаётига самарали татбиқ этиш бўйича илмий-амалий конференциялар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказиш, шу мақсадларга хизмат қиладиган шарҳлар ва услубий қўлланмалар тайёрлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишга тўсқинлик қилаётган камчилик ва жиддий нуқсонлар ҳақида гапириб, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ишламаётганини таъкидлаган эди<sup>2</sup>. Фикримизча, бу борадаги кенг қўламли тарғибот ишларининг амалга оширилиши ва амалиёт учун услубий қўлланмаларнинг тайёрланиши уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашга доир

---

---

қонун ҳужжатларининг амалий фаолиятда самарали ишлашига замин яратади.

Иккинчидан, келгусида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланган шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этиши устидан самарали назоратни таъминлашда электрон кузатиш воситалари имкониятларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратиш, бунинг учун эса, ҳозирданоқ бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишнинг мод-

---

---

дий-техник асосларини яратиб бориш лозим.

Учинчидан, шахсни жамиятдан тўлиқ ажратиб қўйиш орқали ижро этиладиган уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини таъминлашда уни қўриқлаш, конвой қилиш билан боғлиқ ва юзага келадиган бошқа харажатларни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ҳисобидан қоплашни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. — Т., 2014. — № 36. — 452-м.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза // Халқ сўзи. — 2015. — 24 янв.

**Зиёдуллаев М. З. Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси ва уни ижро этишнинг ўзига хос жиҳатлари**

**Таянч иборалар:** уй қамоғи, эҳтиёт чораси, жазонинг муқаррарлиги, шахсни жамиятдан ажратиб қўйиш, электрон кузатиш воситалари, харажатларни қоплаш.

Мақолада уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси тушунчаси, ўзига хос хусусиятлари, уни қўллаш ва ижро этишнинг аҳамияти, шартлари, ҳуқуқий асослари ёритилиб, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, амалий фаолиятда ушбу эҳтиёт чораси имкониятларидан кенг фойдаланишга доир тавсиялар берилган.

**Зиёдуллаев М. З. Мера пресечения в виде домашнего ареста и особенности ее исполнения**

**Ключевые слова:** меры пресечения, домашний арест, неотвратимость наказания, изоляция личности от общества, средства электронного наблюдения, покрытие расходов.

В статье раскрываются понятие, правовые основы, условия и особенности применения и исполнения меры пресечения в виде домашнего ареста. Даются конкретные рекомендации по эффективному использованию ее возможностей в процессе обеспечения принципа неотвратимости наказания за совершенное правонарушение.

**Ziyadullayev M.Z. Restraint in the form of house arrest and peculiarities of its execution**

**Key words:** restraint, house arrest, inevitability of punishment, incarceration of the person, means of electronic surveillance, reimbursement of costs.

---

---

**ҲАЁТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШ ФАОЛИЯТИДА «ҚОТИЛЛИК»  
АТАМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИ ТАВСИФЛАШ  
МАСАЛАСИГА ДОИР ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР**

Инсоннинг ҳаёти унинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Унинг бу бойликдан маҳрум этилиши нафақат шахснинг ўзи, балки жамият учун ҳам фожа. Инсон яшар экан, ҳаётдан, унинг неъматларидан бахраманд бўлиб яшашга интилади, ҳаётдан маҳрум қилинган шахснинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди<sup>1</sup>.

Маълумки, илк бор вужудга келган қонунлар ва тизимлашган қоидалар, шунингдек барча турдаги тақиқлар умум эътироф этган одоб-ахлоқ нормалари асосида тузилган ва мустақамланиб борган. Одам ўлдириш — қадимги ва замонавий барча мавжуд қонунлар тизимида энг оғир жиноят сифатида эътироф этилади. Замонавий ҳуқуқий тизимда одам ўлдириш энг оғир жиноятлардан бири деб ҳисобланади ва қатъий жазо қўллашни назарда тутди. Бир қатор давлатларда бундай қилмиш учун ўлим жазоси белгиланган. Шу сабабли, айни вақтда одам ўлдириш каби ўта оғир турдаги жиноятларга қарши курашни янада кучайтириш ва бу вазифани илмий асосланган тартибда ташкил қилиш давр талабидир.

Миллий қонунчилигимизда, аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири сифатида қайд этилган бўлиб, унга тажовуз қилиш энг оғир жиноят деб таърифланади. Бошқа кишининг ҳаётига суиқасд қилиш, агар унинг ўлимини келтириб чиқарса, қотиллик жиноятини ташкил қилади<sup>2</sup>.

Жиноят ҳуқуқи фанида ҳаётга қарши жиноятлар туркумига Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (ЖК) 97-моддаси (қасддан одам ўлдириш), 98-моддаси

(кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш), 99-моддаси (онанинг ўз қақалоғини қасддан ўлдириши), 100-моддаси (зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш), 101-моддаси (ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг чегарасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш), 102-моддаси (эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш) ҳамда 103-моддаси (ўзини ўзи ўлдириш да-ражасига етказиш) киритилган<sup>3</sup>.

Таъкидлаш жоизки, жиноят ҳуқуқида «қотиллик» атамаси умуман берилмаган, барча манбаларда «одам ўлдириш» атамаси ишлатилган<sup>4</sup>. «Қотил» сўзи араб тилида «одам ўлдирувчи» ёки «ўлдирган киши», «қотиллик» эса, «одамни ўлдириш» маъносини англатади<sup>5</sup>.

Шу билан бирга, бир қатор олимлар томонидан «қотиллик» тушунчасига фақатгина қасддан содир этилган одам ўлдириш жиноятларини киритиш керак, эҳтиётсизлик натижасида ўлим етказишни, қотиллик категориясидан олиб ташлаш лозим<sup>6</sup> - деган фикр билдирилган. Ушбу ҳолат юзасидан ўзбек олимлари ҳам ўз нуқтаи назарига эга бўлиб, унга кўра «қотиллик жинояти» тушунчасини таҳлил қилишда эҳтиётсизлик натижасида одамни ҳаётдан маҳрум қилиш тушунчасини киритмаслик керак, бундан ташқари, «қотиллик» билан «ўзини ўзи ўлдириш» тушунчаларини қатъий чегаралаш керак, сабаби «қотиллик» — бу бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилишдир<sup>7</sup>.

Ушбу фикрларга муносабат билдиришдан аввал, айтиш жоизки, жиноятларнинг жинойий-ҳуқуқий тавсифи жиноят таркибидан келиб чиқади, булар объект, субъект,

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг мустақил тадқиқотчиси.



объектив томон ва субъектив томонлардир. Ҳаётга қарши жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, агар ушбу ҳолатларнинг бири аниқланмаса, жиноятни тўғри квалификация қилиб бўлмайди.

Амалиётда мурда топилганда бирламчи кўрсаткичларга асосланиб, яъни ўлим бошқа шахс томонидан етказилганлиги ҳақида аниқ далиллар бўлса, ЖКнинг 97-моддаси (қасдан одам ўлдириш) билан жиноят иши кўзгатилади. Мазкур жиноятни содир этган ёки унга сабабчи бўлган шахс ушланиб, унинг кўрсатувлари ва далиллар олинганидан кейингина, жиноят иши тегишли модда ва бандларга қараб, ЖКнинг ҳаётга қарши жиноятлар туркумидаги тегишли модда(лар)га қайта квалификация қилинади.

Ҳаётга қарши жиноятлар билан боғлиқ жиноят ишларини ўрганиш шунини кўрсатдики<sup>8</sup>, дастлаб ЖКнинг 97-моддаси билан кўзгатишган жиноят ишларининг 26,5 фоизи тергов жараёнида ЖКнинг бошқа моддаларига қайта квалификация қилинган. Шулардан 98-моддага – 6,6 фоиз, 99-моддага – 2,2, 100-моддага – 1,1, 102-моддага – 4,4, 104-модданинг тўртинчи қисми «д» бандига эса 12,2 фоиз жиноят ишлари қайта квалификация қилинган (ўрганилган жиноят ишларида ЖКнинг 101-моддасига қайта квалификация қилинган йиғмажилдлар учрамади).

Криминалистикадан бизга маълумки, жиноятларни, айниқса одам ўлдириш жиноятларини очишда<sup>9</sup> айбдор шахс(лар)ни аниқлаш учун бирламчи вазифа сифатида жабрланувчининг шахсини аниқлаш ҳамда жиноятнинг мотивини<sup>10</sup> ойдинлаштиришга асосий эътибор қаратилади, яъни жиноятнинг содир этилиши мотивига қараб, қотиллик жиноятига бериладиган жазони ташкил этувчи жиноят таркиби аниқланади<sup>11</sup>.

Тезкор-қидирув ҳуқуқида жабрланувчининг шахсини ҳамда жиноят мотивини аниқлашга қаратилган бир қатор тезкор-қидирув тадбирлари белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш учун тегишли режалар, маълумотномалар, билдиргилар ва ҳоказо ҳужжатлар расмийлаштирилади, чунки тезкор-қидирув фаолиятининг асосий мақсадларидан бири, жиноят содир этган шахс(лар)ни

аниқлаб, қўлга олишдир. Бу жараёнда жиноят қонунчилигида кўрсатилган атамалардан фарқли ўлароқ, «қотиллик» атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, тезкор-қидирув фаолияти назариясидан келиб чиқадиган бўлсак, одам ўлдириш билан боғлиқ бўлган ҳар қандай ҳолат (унинг аниқ тафсилотлари аниқланмагунча) – «қотиллик» деб ҳисобланиши лозим. Шунинг учун, тезкор-қидирув ҳуқуқида «қотиллик» жиноятлари тушунчасига ЖКнинг 97-102- моддалари ва 104-модданинг 3-қисми «д» банди ҳам (қасдан баданга оғир шикаст етказиш: жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса) киритилиши керак.

Мазкур тартибнинг амалга киритилиши тезкор ходимлар томонидан тезкор-ҳисоб йиғма жилдларини юритишда, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришда ҳамда иш фаолияти билан боғлиқ хатти-ҳаракатларда бир ёқламалик тушунчасининг шаклланишига олиб келади.

Юқоридаги фикрга изоҳ сифатида айтиш мумкинки, олимлар «қотиллик» сўзининг тавсифини ёритишда унинг ижтимоий хавфлилиги, мотиви, қотилнинг шахси, жабрланувчининг шахси ҳамда жиноят содир этилишига олиб келган шарт-шароитларини ёритиш орқали ифодаб келишган<sup>12</sup>.

Қотиллик жиноятларининг тавсифини ушбу усулда ифодаланишига биз бир мунча қўшилмаймиз, сабаби, жиноятларнинг тавсифи жиноят таркибидан келиб чиқиши керак, чунки қилмишнинг жиноят ёки жиноят эмаслигини жинойий-ҳуқуқий таркиби, яъни жиноятларнинг объекти, субъекти, объектив томони ва субъектив томонлари белгилаб беради. Ушбу таркибий элементларда юқорида кўрсатилган тавсифлар кенгроқ намоён бўлади.

Бу йўналишда қуйидаги фикрни келтириш мақсадга мувофиқ: «Тезкор-қидирув фаолиятининг жиноят ҳуқуқи билан боғлиқлиги шундан келиб чиқадики, у жиноят ҳуқуқисиз беъмано ҳамда предметсиздир. Фақатгина жиноят ҳуқуқи жиноят нима эканлигини белгилаб беради, бунинг натижасида ушбу жиноятни содир этган, унга

тайёргарлик кўраётган шахсларга нисбатан тезкор тадбирлар амалга оширилади. Шу билан бирга, жиноят ҳуқуқи нормаларини тезкор тадбирларсиз қўллаш мумкин эмас, акс ҳолда жиноят ҳуқуқи кучсиз, ҳал этилмай ва ҳаётга татбиқ этилмай қолар эди»<sup>13</sup>.

Юқоридаги фикрдан келиб чиққан ҳолда қотилликларнинг тавсифини ёритишда асосий тўрт йўналишга ажратиб ўрганишимиз мантиқан тўғри бўлади. Булар: *жабрланувчи, жиноят жойи ва усули, жиноятчи* ва *ниҳоят, жиноят мотивидир*.

Демак, *жабрланувчи шахсининг тавсифи*, биринчи навбатда, жабрланувчининг жинси, қотил билан алоқадорлиги хусусияти, жиноят содир этилишидан олдин бўлажак жабрланувчининг хатти-ҳаракатини ўз ичига олади.

Ўрганилган жиноят ишларида кўриниб турибдики, бир кишига нисбатан 75,8 фоиз ҳолатда, икки кишига нисбатан 16 фоиз ҳамда иккитадан ортигига нисбатан 7,1 фоиз ҳолатда қотиллик жиноятлари содир этилган. Шулардан 61,6 фоизи эркаклар, 38,3 фоизи аёллардир. Жабрланувчиларнинг ёши бўйича, 18 ёшгача бўлганлари – 8 фоиз, 18-25 ёшлилар – 21,4, 25-40 ёшлилар – 57,1 ва 40 ёшдан юқориси 27,6 фоизни ташкил қилган. Шу билан бирга, 26,7 фоиз ҳолатда жабрланувчилар билан қотил ўзаро қариндош, 56,2 фоизда бир-бирига таниш ва фақатгина 18,7 фоиз ҳолатда бегона шахслар бўлган.

Ушбу маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ҳолларда жабрланувчи қотилни яхши таниган.

Ўтказилган тадқиқотларга кўра, 37,4 фоиз жабрланувчилар қотиллик вақтида (алкоголь, наркотик ёки психотроп моддалар таъсирида) маст ҳолатда бўлганлар, улардан 38,4 фоизи жиноятчи билан бирга бўлиб, спиртли ичимлик ёки наркотик моддалар истеъмол қилган.

Шунингдек, кузатувимизга кўра, содир этилаётган қотилликларнинг 53 фоизда жабрланувчи ва қотил ўртасидаги низоли вазиятга жабрланувчининг ўзи сабабчи бўлган. Маиший шароитда содир этилган қотилликларнинг 87 фоизда қотиллик содир этган шахсда жиноят содир этилиши ҳақидаги мақсад тўсатдан пайдо бўлган. Бун-

дай ҳолатлар спиртли ичимликлар ёки наркотик моддалар таъсири остида, маиший-турмуш соҳасидаги ўзаро тортишув ёки қандайдир илгари мавжуд бўлган низоларнинг авж олиши натижасида келиб чиққан.

Қотиллик содир этилган жой ва усули ҳақидаги тавсифни кўриб чиқадиган бўлсак, уларнинг деярли ярми (43,3 фоизи) шаҳар шароитида, 20 фоизи қишлоқ шароитида, 30 фоизи шаҳардан ташқарида, қишлоқ ҳудудида ва 6,6 фоизи бошқа жойлар (аҳоли яшамайдиган ҳудудлар, яъни далалар, чўл, сув соҳиллари, тоғли ҳудудлар ва шу кабилар)да содир этилиши кузатилган. Шундан 21,1 фоизи кўчаларда, 2,2 фоизи хиёбонларда, 33,3 фоизи шахсий уйларда (далаҳовли), 26,6 фоизи кўп қаватли биноларнинг квартираларида, 6,6 фоизи автотранспорт ичида ва 11,1 фоизи йўл ёқаларида содир этилган.

Қотиллик жиноятлари шаҳар шароитида кўпроқ содир этилишининг боиси – шаҳарда қишлоқларга нисбатан криминоген омиллар кўпроқ мавжудлигидир. Ҳозирги кундаги криминологик тадқиқотлар ҳам бунга яққол кўрсатмоқда<sup>14</sup>.

Қотиллик жиноятларининг содир этилиш вақтларини кўрадиган бўлсак, кунинг ёруғ вақтида (соат 6 дан 18 гача) уларнинг 31 фоизи, кечқурун (соат 18 дан 22 гача) 38,8 фоизи ва кечаси (соат 22 дан 6 гача) 30 фоизи содир этилган.

Бундан кўриниб турибдики, қотиллик жиноятларининг содир этилиши аниқ вақтга боғлиқ эмас.

Қотилликнинг хусусиятларидан бири бу – унинг фаол ҳаракат орқали содир этилишидир. Жиноят ҳуқуқида ҳаракатсизлик орқали одам ўлдириш ҳолатларининг квалификацияси ҳақида тушунча бериб ўтилган<sup>15</sup>, лекин амалиётда ҳаракатсизлик туфайли содир этилган қотиллик жиноятлари ҳақида аниқ фактлар йўқ. Чунки, қотиллик жиноятларини исботлаш айбдорнинг ўлимига олиб келган ҳаракатларни аниқлашдан келиб чиқади, яъни бунда айбдор жабрланувчига ўз хусусиятига кўра шахсни ўлдириши мумкин бўлган муайян тан жароҳатларини етказишдек (ҳар қандай қурол-ашёдан фойдаланиш, бўғиш, куйдириш,

заҳарлаш, электр токи билан таъсир кўрса-тиш, ўта иссиқ ёки ўта совуқ хавода очик ерда қолдириш ва ҳоказо) жисмоний таъсир кўрсатади. Бу жиноят айрим ҳолларда жабрланувчига руҳий таъсир қилиш (суд-тергов амалиётида ўлимнинг қўрқувдан, қўрқитиш туфайли рўй берганлик ҳолатла-ри ҳам маълум) йўли билан ҳам содир қилиниши мумкин. Шунинг учун, ушбу жиноятни содир этишга тайёргарлик кўрилган ёки кўрилмаганлиги ҳақида ахбо-рот йиғиш зарур шартлардан бири ҳисоб-ланади.

*Қотилликни содир этган шахснинг* ху-сиятларини таҳлил қилмай туриб, жиноят-нинг моҳиятини очиб бўлмайди. Аксинча, содир этилган жиноятнинг тавсифи, усу-ли, мотиви ва бошқа ҳолатларни эътиборга олмай туриб, жиноятчининг шахси ҳақида етарли тасаввурга эга бўлишнинг ҳам ило-жи бўлмайди<sup>16</sup>.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда ўрганил-ган жиноят ишларига кўра, қотиллик со-дир этган шахсларнинг маълумот даражаси бўйича таҳлиладан ушбулар маълум бўлди: улардан 83 фоизи тугалланмаган ўрта маъ-лумотга, 10,2 фоизи ўрта махсус маълумот-га ва фақат 6,6 фоизи олий ва тугалланма-ган олий маълумотга эга бўлган. Шулар ичи-дан 70 фоизи жиноят содир этиш даврида ҳеч қаерда ишламаган ва ўқимаган. Улардан 20 фоизи эса айни вақтда ижтимоий фой-дали меҳнат билан шугулланган бўлса ҳам, иш жойини тез-тез ўзгартириб турган ҳамда 10 фоизигина доимий иш жойи ва даромадга эга бўлган.

Келтирилган статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, қотиллик жиноятлари-ни содир этганларнинг аксарияти, маълум-оти, ҳуқуқий маданияти паст, «ҳаётдан хафа» шахслардир. Маълумот ва маданий савия, кишининг дунёқарашини шакллан-тиришнинг асосий омилдир. Чунки, мада-ниятли ва маълумотли одам одатда, ўз та-лабларини мақсадга мувофиқ равишда бел-гилай олади, уларни қонуний воситалар билан қондиришга ҳаракат қилади. Унинг бузгунчиликка, зўрлик ишлатиш билан боғ-лиқ бўлган ҳаракатларни содир этишга мой-иллиги бўлмайди.

Қотиллик содир этган шахснинг судлан-ганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам аҳамият касб этади. Шундай қилиб, статистик маъ-лумотларга биноан, жиноятчиларнинг 68,8 фоизи муқаддам судланганларни ташкил қилади, шундан 5 дан бир қисми эса икки ва ундан ортиқ маротабадан судланганлар-дир. Шулардан, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи-га қарши қаратилган жиноятларни содир этганлар бўйича – 29 фоизни, ўзгалар мул-кени талон-тарож қилганлар – 43,5 фоиз-ни, наркотик моддаларнинг ноқонуний ай-ланиши билан боғлиқ жиноятларни содир этганлар – 14,5 фоизни, бошқа жиноятлари учун ҳамда судланганлар – 12,9 фоизни таш-кил қилган.

Қотиллик содир этган шахсларнинг ўрга-нилган жиноят ишлари бўйича 93,3 фоизи-ни эркактар, 6,6 фоизини эса аёллар таш-кил этган. Уларнинг ёши 3,3 фоизда – 18 ёшгача, 41,1 фоизда – 18-25, 28,8 фоизда – 25-40 ва 23,3 фоизда – 40 ёшдан юқори-ни ташкил этган. Кўриб турганимиздек, аксарият қотилликларни ёшлар содир эт-моқда.

*Жиноятнинг мотивини* тавсифлайдиган бўлсак, қотилликнинг мотивини аниқлаш – жиноятни холисона тергов қилишда, ай-бдорнинг жавобгарлик даражасини, жино-ятнинг келиб чиқиш сабаби ва шарт-шаро-итларини аниқлашда асосий йўналтирувчи ҳолат ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, жиноятнинг содир этилиши мотивига қараб, қотиллик жиноятига бериладиган жазони ташкил этувчи жиноят таркиби аниқлана-ди<sup>17</sup>.

Тезкор-қидирув ҳуқуқи йўналишида жи-ноят мотивини аниқлаш, гумон қилинув-чилар доирасини белгилаб олиш, қотилни аниқлаш ва фош қилиш бўйича тезкор-қиди-рув тадбирларини белгилаш, ашёвий далил-лар тўплаш ҳамда ҳолатга яқин тахминлар-ни илгари суришга асос бўлади.

Бу ҳақда изланиш олиб борган олим-ларнинг фикрини ўрганадиган бўлсак, «қотиллик мотивини билиш, жиноятчини фош этиш йўналишини белгилайди. Чунки, мотив шахс ички туйғусининг ҳолати бўлиб, субъектнинг шахс сифатидаги тавсифидир»<sup>18</sup>

ёки «жиноят мотиви, жиноятчининг жиноий хатти-ҳаракати механизмини белгилаб беради»<sup>19</sup> дейилган.

Демак, мотив қотилнинг шахси ҳақидаги маълумотни ўз ичига олади, бу эса, ўз навбатида, уни аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Статистик маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, қотиллик жиноятларининг кўпчилиги шахсий адоват замирида содир этилиши кузатилмоқда, яъни ҳар йили республикамиз бўйича ўртача 70 фоиз қотилликлар маиший-турмуш муносабатлари доирасидаги келишмовчиликлар оқиба-тида содир этилади.

Бундай жиноятларга маиший-турмуш доирасидаги келишмовчиликлар сабаб бўлади. Шунинг учун, маиший соҳадаги жиноятлар умумий олганда аниқ ҳолатларда содир этилиши билан тавсифланади, бу эса жиноят аломатлари ва жабрланувчи шахсининг аниқланиши билан, қотилни аниқлаш-

га имконият яратади. Лекин баъзи бир ҳолатларда қотил, жиноятни яшириш мақсадида жабрланувчи ўзини ўзи ўлдирган (5,5 фоиз), ўзининг ўлими билан ўлган (8,3 фоиз) ҳамда бошқа одам ёки бегоналар томонидан ўлдирилганлигини (16,6 фоиз) кўрсатиш учун қалбаки шароитлар (инсценировка) яратади.

Қотиллик жиноятининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, шахс эҳтиётсизликдан ёки зарурий мудофаа жараёнида одам ўлдириб қўйса ҳам, қилиб қўйган ишидан, унинг натижаларидан ёки ўлган одам танишларининг қасосидан қўрқиб яшириши мумкин.

Ушбу мақола орқали ҳаётга қарши жиноятларни очишда тезкор-қидирув ҳуқуқида «қотиллик» атамасининг ишлатилиши ҳамда шу каби жиноятларнинг тавсифини ёритишга имкон қадар ҳаракат қилдик. Албатта, бу мавзу йўналишини бир мақола доирасида тўлиқ ёритиб бўлмайди ва буни кейинги тадқиқотларда давом эттиришни жоиз деб топдик.

<sup>1</sup> Қаранг, масалан: *Абу Наср ал-Форобий*. Афлотун фалсафаси // Жаҳон адабиёти. – 2009. – № 6 – Б. 12; *Jiuyan Yu. The Ethics of Confucius and Aristotle: Mirrors of Virtue* Rutledge, 2007. – P. 276; *Баренбайм П. Д.* Кант как отец Конституции России // Законодательство и экономика. – 2009. – № 9. – С. 98; *Другач Т.Б.* Дени Дидро. – М., 1975. – С. 145; *Фозилов У. Э.* Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий муаммолари: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Т., 2009. – С. 5; *Нижёзова С.* Жиноятнинг илдизи қерда? // *Qonun himoyasida*. – 2002. – № 9–10. – Б. 15–16.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси: Илмий-амалий шарҳлар. – Т., 1997. – Б. 129.

<sup>3</sup> *Кадиров М. М.* Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть: Учебник / Под ред. д-ра юр.наук., проф. У. Таджиханова. – Т., 1997. – С. 18.

<sup>4</sup> *Зокиров Б. Э., Фийсов Ш. К.* Қотиллик жиноятларининг олдини олиш ва уларни очишда ўтказиладиган оператив-қидирув тадбирлар: ўқув қўлланма. – Т., 2007. – Б. 7.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати / Э. М. Маъруфов таҳрири остида. Т.2. – М., 1981. – Б. 675.

<sup>6</sup> *Бородин С. В.* Преступления против жизни. – СПб, 2003. – С. 2.

<sup>7</sup> *Крутько О.* Убийство: однозначно ли трактуется уголовным законом его понятие? // *Ҳуқуқ–Право–Law*. – № 1. – 2004. – Б. 37–38.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан 2002–2010 йиллар давомида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида содир этилган ҳаётга қарши жиноятлар бўйича юритилган 180 та жиноят иши ўрганилиб, натижалари таҳлил қилинган.

<sup>9</sup> Бу ҳақда батафсилроқ қаранг: *Видонов Л. Г.* Криминалистическая характеристика убийств и системы типовых версий о лицах, совершивших убийства без очевидцев. – Горький, 1978. – С. 56.

<sup>10</sup> Изоҳ: Жиноят мотиви – жиноий қилмиш содир этишга аҳд қилдирувчи англаб этилган туйғудир. Мотив доимо жиноятдан олдин пайдо бўлади ва унинг мақсадини белгилайди // *Юридик энциклопедия / Проф. У. Таджихановнинг умумий таҳрири остида*. – Т., 2001. – Б. 157.

<sup>11</sup> *Джурев У. Д. Газизов Р. С.* Предупреждение и раскрытие преступлений посягающих на жизнь, здоровье и достоинство личности. – Т., 1989. – С. 15.

<sup>12</sup> *Шиёнок В. П.* Оперативно-розыскная тактика раскрытия умышленных убийств: Учебное пособие. – Минск, 1988. – С. 34.

---

<sup>13</sup> *Басецкий И. И.* Теоретические основы, правовые, этические и организационно-тактические проблемы оперативной работы органов внутренних дел: Автореф. дис. д-ра юрид. наук. – М., 1991. – С. 23.

<sup>14</sup> Батафсилроқ қаранг: *Каракетов Й. М., Усмоналиев М. У.* Жиноятчиликка қарши курашнинг криминологик чоралари. – Т., 1995. – Б. 51.

<sup>15</sup> *Кадиров М. М.* Кўрсатилган манба. – Б. 508.

<sup>16</sup> Қаранг: *Бородулин В. В.* Выдвижение и проверка оперативно-розыскных версий при обнаружении трупа с признаками насилия: Методические рекомендации. – М., 2000. – С. 32.

<sup>17</sup> *Джурев У. Д. Газизов Р. С.* Кўрсатилган манба. – С. 15.

<sup>18</sup> *Шиёнок В. П.* Кўрсатилган манба. – С. 10–11.

<sup>19</sup> *Игошев К.Е.* Типология личности преступника и мотивация преступного поведения. – Горький, 1974. – С. 58.

**Гиясов Ш. К. Ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятида «қотиллик» атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир фикр-мулоҳазалар**

**Таянч иборалар:** қотиллик, ички ишлар органларининг тезкор хизматлари, қотилликларни очиш, тезкор ходим, тезкор-қидирув фаолияти, ҳуқуқий асос, ҳамкорлик.

Мақолада ҳаётга қарши жиноятларни очиш фаолиятини таҳлил қилиш асосида тезкор хизматлар томонидан «қотиллик» атамасидан фойдаланиш ва уни тавсифлаш масаласига доир фикр-мулоҳазалар ёритилган.

**Гиясов Ш. К. Смысл термина «убийство» и его использование в деятельности по раскрытию преступлений против жизни**

**Ключевые слова:** убийство, оперативные аппараты органов внутренних дел, раскрытие убийств, оперативный сотрудник, оперативно-розыскная деятельность, правовая основа, сотрудничество.

В статье на основе практики раскрытия преступлений против жизни анализируются смысл и содержание термина «убийство» и вносятся конкретные предложения по его использованию оперативными аппаратами органов внутренних дел в деятельности по раскрытию преступлений указанной категории.

**Giyasov Sh. K. Meaning of the term of «murder» and its use in the activity on disclosure of crimes against life**

**Key words:** murder, operational units of the organs of interior, disclosure of murders, operating officer, operational search activity, legal framework, cooperation.

In the article on the basis of the practice of disclosing crimes against life the author analyses the meaning and content of the term of «murder» and puts forward concrete proposals on its use by operational units of the organs of interior in their activity on disclosing the crimes of mentioned category.

## ОСОБЕННОСТИ ПРОКУРОРСКОГО НАДЗОРА НА СТАДИЯХ ДОЗНАНИЯ И ПРЕДВАРИТЕЛЬНОГО СЛЕДСТВИЯ

За годы независимости в Узбекистане проделана громадная работа по реформированию судебной системы, либерализации уголовных наказаний, а также защите прав и свобод человека. Дальнейшее углубление реформ, направленных на укрепление самостоятельности и независимости деятельности органов по исполнению законов в Республике Узбекистан невозможно без переосмысления и оценки концептуальных основ прокурорского надзора в данной сфере.

Об актуальности данной проблемы утверждает Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своей речи «Справедливость – в приоритете закона»: «□Прокуратура – орган, призванный стоять на страже закона, буквы закона. Она играет решающую роль в деле проведения правовых реформ, строительства демократического общества, правового государства. Прокуратура должна служить народу, а не надзирать за ним. Именно с этих позиций необходимо определять объем полномочий прокуратуры, основные направления совершенствования ее деятельности»<sup>1</sup>.

Вместе с тем следует заметить, что проблема обеспечения законности в деятельности государственных органов остается актуальной всегда, поскольку отсутствие обеспечения или ненадлежащее ее состояние являются объективной предпосылкой к невыполнению правом своей функции государственного регулятора общественных отношений.

Наиболее остро эта проблема проявляется в досудебном производстве, так как именно на этом этапе применяются меры

процессуального принуждения (либо следственные действия, имеющие элементы принуждения), зачастую ограничивающие конституционные права гражданина. Кроме того, в досудебном производстве формируется доказательственная база по уголовному делу. Не перестает оставаться дискуссионной проблема соотношения различных функций, с одной стороны, уголовного преследования, а с другой стороны – обеспечения законности в досудебном производстве, которые реализуются одним и тем же участником уголовного судопроизводства – прокурором<sup>2</sup>.

Законодательством прокуратура определена как единая централизованная система органов с подчинением нижестоящих прокуроров вышестоящим и Генеральному прокурору Республики Узбекистан. Она осуществляет свою деятельность независимо от других государственных органов и должностных лиц<sup>3</sup>. Состояние борьбы с преступностью, уровень деятельности правоохранительных органов настоятельно диктуют необходимость дальнейшего совершенствования прокурорского надзора за исполнением законов органами дознания и предварительного следствия, дальнейшего усиления контроля за исполнением принимаемых решений.

Следует заметить, что Генеральная прокуратура Республики Узбекистан ставит перед прокурорами задачу организовать надзор за законностью производства дознания и предварительного следствия так, чтобы вся деятельность по борьбе с преступностью, ни одно действие или принятое решение органов дознания и предварительного

\* Начальник Высших учебных курсов Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, кандидат юридических наук.

---

---

следствия не расходилось с законом, осуществлялись в строгом соответствии с законом<sup>4</sup>. Выполнение этих задач требует осуществления конкретных мер в этом направлении, обеспечения действенного контроля за своевременностью, полнотой и качеством осуществляемых мер.

Таким образом, прокурор обеспечивает постоянный надзор за исполнением законов всеми органами дознания и предварительного следствия независимо от их ведомственной подчиненности.

С учетом особой роли прокурора в досудебных стадиях уголовного процесса предметом прокурорского надзора является законность всей деятельности органов дознания и следователей при расследовании преступлений. Это положение отражено в ст. 27 Закона «О прокуратуре».

Можно выделить «ключевые» моменты досудебных стадий уголовного процесса, которые являются предметом прокурорского надзора. Это:

1) надзор за соблюдением прав и свобод участников уголовного судопроизводства;

2) надзор за исполнением законов при приеме, регистрации и разрешении сообщений о преступлениях;

3) надзор за исполнением закона при проведении расследования;

4) надзор за законностью решений, принимаемых органами, осуществляющими дознание.

Органы дознания вправе возбудить уголовное дело, принять к своему производству и приступить к дознанию либо отказать в возбуждении дела или передать заявление, сообщение по подследственности<sup>5</sup>. Началом дознания считается момент возбуждения уголовного дела, когда дознаватель принимает его к производству. Дознание по уголовному делу должно быть закончено в срок не более десяти суток, и по окончании дознания уголовное дело передается следователю или направляется прокурору с постановлением о направлении дела в суд для примирения сторон либо с представлением о внесении в суд ходатай-

---

---

ства о прекращении уголовного дела на основании акта амнистии.

Необходимо отметить, что в процессе расследования взаимоотношения следователя с прокурором носят не административный, а процессуальный характер. Прокурорский надзор не лишает следователя процессуальной самостоятельности. Наоборот, прокурор обязан повышать самостоятельность следователя и его ответственность за своевременное и законное производство следственных действий, за раскрытие каждого преступления, избегая в то же время мелочной опеки над следователем. Отношения прокурора и следователя определены законом и не зависят от ведомственной принадлежности.

Правильно организованное предварительное следствие и дознание, а также осуществляемый прокурорский надзор за исполнением законов при их производстве представляют собой одну из существенных гарантий быстрого и полного раскрытия преступления, его объективного и всестороннего расследования.

Следует подчеркнуть, что ни в какой иной сфере деятельности государственных органов не затрагиваются так остро права и законные интересы граждан, как в сфере дознания и предварительного следствия. Никакие иные нарушения законов не причиняют людям таких нравственных и физических страданий, как нарушения, связанные с незаконными задержаниями или арестами, необоснованными привлечением к ответственности, влекущими осуждение невиновных. Поэтому в условиях функционирования различных органов дознания и предварительного следствия прокуратура является единственным средством оперативного восстановления нарушенных прав в области уголовного процесса.

Выполняя задачу надзора за исполнением законов органами, осуществляющими дознание и предварительное следствие, прокуроры следят за тем, чтобы следователи, дознаватели строго руководствовались требованиями, содержащимися в законодательстве. Уголовное судопроизводство должно

---

---

способствовать укреплению законности и правопорядка, предупреждению и искоренению преступлений, охране интересов общества, прав и свобод граждан, воспитанию граждан в духе неуклонного соблюдения законов и уважения правил общежития<sup>6</sup>.

Осуществление прокурорского надзора в досудебных стадиях уголовного процесса должно быть всецело подчинено укреплению законности в процессуальной деятельности органов дознания и предварительного следствия, обеспечению требований закона при выполнении задач быстрого и полного раскрытия преступлений, всестороннего, полного, объективного расследования, изобличения виновных и неотвратимости ответственности за совершенные деяния, охране прав и свобод участвующих в деле лиц. Прокурорам предлагается выработать такую систему надзора, чтобы на протяжении всего периода работы по заявлениям и сообщениям о преступлениях, производства расследования по уголовным делам использовать всю полноту предоставленных им полномочий для своевременного предупреждения, выявления и устранения нарушений закона. Прокурорские проверки и меры прокурорского реагирования должны не отставать по времени и соответствовать по характеру потребностям обеспечения законности предварительного расследования.

Прокуроры осуществляют надзор в этой стадии процесса с тем, чтобы:

– ни одно преступление не осталось нераскрытым и ни одно лицо, совершившее преступление, не избежало установленной законом ответственности;

– задержание граждан по подозрению в совершении преступления производилось не иначе как в порядке и по основаниям, установленным законом;

– никто не подвергался незаконному и необоснованному привлечению к уголовной ответственности или иному незаконному ограничению в правах;

– никто не подвергался аресту без судебного решения;

– соблюдались установленный законом порядок возбуждения и расследования уго-

ловных дел, сроки их расследования, права участников уголовного судопроизводства и других граждан;

– при расследовании преступлений неуклонно соблюдались требования норм уголовно-процессуального кодекса о всестороннем, полном и объективном исследовании всех обстоятельств дела, выявлялись как уличающие, так и оправдывающие обвиняемого, а также отягчающие и смягчающие его ответственность обстоятельства;

– выявлялись причины совершения преступлений и способствующие им условия, принимались меры к их устранению.

Уголовно-процессуальный закон (ст. 17 УПК) провозглашает важное правило: никто не может быть подвергнут пыткам, насилию, другому жестокому или унижающему честь и достоинство человека обращению.

В случаях, когда прокурор устанавливает существенные нарушения уголовно-процессуальных норм, допущенные лицами, производящими дознание или предварительное следствие, он вносит представление начальнику органа дознания или предварительного следствия, имеющему полномочия на применение мер дисциплинарного воздействия к лицу, допустившему нарушение, об устранении причин и условий, способствовавших этим нарушениям. О результатах рассмотрения представления сообщается прокурору.

При установлении обстоятельств, свидетельствующих о привлечении заведомо невиновного к уголовной ответственности (ст. 230 УК) или заведомо незаконном задержании или заключении под стражу (ст. 234 УК), либо о принуждении к даче показаний путем применения угроз или иных незаконных действий (ст. 235 УК), либо о даче свидетелем или потерпевшим заведомо ложных показаний или экспертом ложного заключения (ст. 238 УК), прокурор возбуждает уголовное дело и поручает следователю прокуратуры произвести по делу предварительное расследование. За умышленное укрытие преступлений от учета должностное лицо, в служебные обязанности которого входит законное разрешение заявлений, сообщений и иных сведений о пре-



---

ступлениях дознания внутренних дел, привлекается к уголовной ответственности (ст. 241<sup>1</sup> УК).

Копии процессуальных документов, принимаемых дознавателем или следователем, направляются прокурору, ведущему надзорное производство.

В целях дальнейшего укрепления гарантий обеспечения прав и свобод граждан в досудебном производстве по уголовным делам **считаем целесообразным:**

– наделить органы дознания правом производства предварительного следствия по некоторым преступлениям, не представляющим большой общественной опасности, с непосредственной передачей в суд, что будет способствовать быстрому решению уголовных дел, разгрузке следственных органов и, в конечном итоге, послужит

---

улучшению качества производства предварительного следствия по делам об опасных и особо опасных преступлениях;

– продлить сроки дознания до 20 суток;

– организовать курсы повышения квалификации для сотрудников органов дознания и предварительного следствия.

Таким образом, защита прав и свобод человека и гражданина на стадии дознания и предварительного следствия – задача огромной политической и социальной важности. Безусловно, важную роль в этом призваны играть органы прокуратуры. Ведь интересы обеспечения надежной и гарантированной защиты прав человека вызывают объективную необходимость в функционировании внесудебного правозащитного механизма – правоохранительных органов, в частности прокуратуры.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. За безопасность и мир надо бороться. Т 10. – Т., 2002. – С. 368.

<sup>2</sup> Басков В. И. Курс прокурорского надзора. – М., 1999. – С. 141.

<sup>3</sup> Закон Республики Узбекистан «О прокуратуре». – Т., 2001.

<sup>4</sup> Пўлатов Б. Х. Прокурор назорати. – Т., 2009.

<sup>5</sup> Хидоятов Б. Б. Дознание в Республике Узбекистан. – Т., 2005. – С. 14.

<sup>6</sup> Басков В. И., Коробейников Б. В. Прокурорский надзор. – М., 1999. – С. 141.

### **Мустафаев Ш. Суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида прокурор назоратининг хусусиятлари**

**Таянч сўзлар:** прокурор назорати, суриштирув, дастлабки тергов, жиноят иши, тергов, жиноят.

Мақолада суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида прокурор назоратини амалга оширишнинг масалалари ва муаммолари кўриб чиқилган. Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритиши жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини мустақамлаш мақсадида прокурор назоратини такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.

### **Мустафаев Ш. Особенности прокурорского надзора на стадиях дознания и предварительного следствия**

**Ключевые слова:** прокурорский надзор, дознание, предварительное следствия, уголовное дело, расследование, преступление.

В данной статье рассмотрены и проанализированы вопросы и проблемы осуществления прокурорского надзора на стадиях дознания и предварительного следствия. Кроме того, в целях дальнейшего укрепления обеспечения прав и свобод граждан в досудебном производстве по уголовным делам обосновываются предложения по совершенствованию прокурорского надзора.

**Abstract: Mustafayev Sh. Peculiarities of prosecutor's supervision at the stages of inquiry and preliminary investigation.**

**Key words:** prosecutor's supervision, inquiry, preliminary investigation, criminal case, investigation, crime.

This article describes and analyzes the issues and problems of supervisory action at the stages of inquiry and preliminary investigation. In addition, in an effort to further strengthening of guaranteeing the citizens' rights and freedoms in pretrial proceedings on criminal cases some proposals on improvement of prosecutor's supervision are given.

Ф. Кадиров\*,  
М. Х. Джаматов\*\*

## АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МУАММОЛАРИ

Мамлакатимизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини тубдан такомиллаштириш, жамиятимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилиш, аҳолига ахборот ресурслари, жумладан, интернет тармоғидан фойдаланиш учун янада қулайликлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Замонавий ахборот технологияларининг тараққиёти компьютер жиноятчилиги, сир тугиладиган (конфиденциал) малумотларга рухсатсиз кириш, уларни ўзгартириш, йўқотиш каби салбий ҳодисалар билан биргаликда кузатилмоқда. Бу эса ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш учун бир қатор лойиҳалар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳар қандай тизим, жумладан, ахборот тизимлари учун асосий вазифа ҳисобланади. Ҳозирги кунда жамиятни ахборотлаштиришнинг жадал тараққий этиши ва компьютер тизимларининг турли соҳаларда кенг қўламда ишлатилиши хавфсизлик масаласини долзарб қилиб қўймоқда.

Республикаимизда ахборотлаштириш жараёнларини фаоллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тез суръатларда ривожлантириш, уларни иқтисодиёт ва жамиятнинг барча соҳаларида жорий этиш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ҳуқуқий базасини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, юзлаб қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Жум-

ладан, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup> 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бўлиб, унинг асосий вазифаси ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборатлиги қайд этилган. Қонунда «ахборот», «ахборот мулкдори», «ахборотни муҳофаза этиш», «ахборот ресурслари», «ахборот хавфсизлиги», «ахборот эгаси», «махфий ахборот», «оммавий ахборот», «ҳужжатлаштирилган ахборот» тушунчаларига таърифлар берилган. Қонунда ахборот эркинлигининг асосий принциплари, ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги, ахборотдан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва унинг ҳаққонийлиги, ахборот эркинлиги кафолатлари, ахборот олиш тартиби, ахборот беришни рад этиш, ахборотни муҳофаза этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсати, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлиги белгиланган.

**Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги<sup>2</sup> 2003 йил 11 декабрь қонунининг 19-моддасида ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш алоҳида таъкидлаб ўтилган. Унга мувофиқ, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларини муҳофаза қилиш қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:**

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедраси доценти, техника фанлари номзоди, доцент.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедраси катта ўқитувчиси, физика-математика фанлари номзоди.

---

– шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

– ахборот ресурсларининг тарқалиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, бузиб талқин этилиши, тўсиб қўйилиши, қалбакилаштирилиши ва улардан бошқача тарзда рухсатсиз эркин фойдаланилишининг олдини олиш;

– ахборотни йўқ қилиш, тўсиб қўйиш, ундан нусха олиш, уни бузиб талқин этишга доир рухсатсиз ҳаракатларнинг ҳамда ахборот ресурслари ва ахборот тизимларига бошқа шаклдаги аралашиларнинг олдини олиш;

– ахборот ресурсларидаги мавжуд давлат сирлари ва махфий ахборотни сақлаш.

Ҳозирги кунда маълумотларни техник ҳимоялаш масаласи долзарб вазифалардан бирига айланган. Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»<sup>3</sup> 2012 йил 21 март қарори эълон қилинди ва «2012–2014 йилларда Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури» қабул қилинди. Ушбу дастур 1-иловасининг 5-бандида ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Қарорда давлат органлари ахборот тизимларининг мустақамлигини ошириш, давлат ахборот-ресурс ва тизимларини ахборот хавфсизлиги талабларини инобатга олган ҳолда ҳимоялаш белгилаб қўйилган. Бу эса давлат органлари ахборот тизимларининг ҳимоясини таъминлаш ва уни такомиллаштириб бориш, давлат ахборот-ресурс ва тизимларига қаратилган хуруж ҳамда таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларни йўқ қилиш вазифасини қўяди.

Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ахборот-коммуникация технологиялари ва унинг ресурсларидан фойдаланиш, ахборот тармоқларида маълумот алмашилиш, электрон ҳужжатлар билан ишлаш, ахборотлаштириш соҳасидаги ички ва ташқи хуружлар ҳамда таҳдидлардан сақланиш йўллари билиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича

---

чоралар қўриш юзасидан билим ва кўникмаларга эга бўлишлари замон талабидир.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашга тизимли ёндашишнинг асосий принципларидан бири «етарлилик» бўлиб, унда ҳар қандай ҳолатда ҳам юз фоизли ҳимоя мавжуд эмаслиги назарда тутилади. Бунда назарий максимал ҳимоя даражасига эга бўлиш учун ҳаракат қилиш керак эмас, балки маълум шароитларда ва таҳдидлар эҳтимоли мавжуд бўладиган даражага қараб минимал ҳимояланиш зарур, деган маъно тушунилади.

Ахборот хавфсизлиги – бу ахборотдан фойдаланувчиларга ва қўплаб ахборот тизимларига зарар келтирувчи табиий ёки сунъий характерга эга бўлган тасодифий ва уюштирилган таъсирлардан ахборотларни ҳамда ахборот коммуникация технологиялари объектларининг ҳимояланганлигидир. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш эса фойдаланувчининг ахборотларни ҳимоялашга қўйилган меъёрий талабларни бажаришидир.

Ахборот хавфсизлигини таъминлашда логиндан фойдаланилади. Логин тармоқдан фойдаланувчининг махфий бўлмаган қайд ёзуви ҳисобланади. Бу ёзув белгилар кетмакетлигидан иборат. Логин фойдаланувчига ахборот тармоғида ишлаш ҳуқуқини беради.

Хавфсизлик – тизим ёки тармоқдаги ахборотнинг муҳофаза қилиниши, сақланиши, ишончлилиги ва пухталигини таъминлаш қобилиятидир.

Ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари ва жиҳатлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– ахборотни муҳофаза қилиш (шахсий маълумотларни, давлат ва хизмат сирлари ва бошқа турдаги тарқатилиши чегараланган маълумотларни ҳимоялаш);

– компьютер хавфсизлиги ёки маълумотлар хавфсизлиги – компьютер тармоқларида маълумотларнинг сақланишини, фойдаланишга рухсат этилганлиги ёки сир тутилишини таъминловчи аппарат ва дастурий воситалар тўплами, ахборотдан муаллифлик ҳуқуқисиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш чоралари;

---

– ахборот эгалари ёки ахборотдан фойдаланувчиларга ҳамда уни қўллаб-қувватловчи инфратузилмага зарар етказиши мумкин бўлган табиий ёки сунъий характердаги тасодифий ёки қасддан таъсир этишлардан ахборот ҳамда уни қўллаб-қувватловчи инфратузилманинг ҳимояланганлиги;

– фуқаролар, алоҳида гуруҳлар ва ижтимоий қатламлар, умуман аҳолининг яшаш фаолияти, таълим олиши ва ривожланиши учун зарур бўлган сифатли ахборотга нисбатан талабларининг ҳимояланганлиги.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир чора-тадбирлар ҳамда уларни ишида компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида»ги 2011 йил 27 сентябрь<sup>4</sup> ва «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси бўйича малакасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2014 йил 27 март<sup>5</sup> қарорлари қабул қилинди. Унда барча давлат органларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакаларини ошириш ҳамда уларни компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, қарорда ташкилотлар ходимларининг ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича малакасини ошириш, бу ташкилотлар ходимларининг ишда компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича билимларини мунтазам янгилаб бориш ҳамда маҳорат ва кўникмаларини такомиллаштириш эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Ходимларнинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича муайян билимларга эга бўлиши, минимал даражада бўлса-да, ўз ахборотларининг хавфсизлигини таъминлаш имкони-

ни беради. Ҳозирги кунда ИИБ олий таълим муассасаларида шахсий таркибнинг компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида информатика, ҳисоблаш техникаси ва алоқа кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан «Ички ишлар органлари ходимларининг компьютер саводхонлиги» мавзуда машғулотлар олиб борилмоқда. Машғулотлардан мақсад ҳам ходимлар, тингловчи ҳамда курсантларни компьютер саводхонлигининг минимал даражаси бўйича талабларга жавоб беришига эришиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича тушунчалар беришдир.

Давлат органлари, ташкилотлари, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг иш фаолиятида компьютер техникаларидан самарали фойдаланишлари замон талабига айланиб улгурди. Шундай экан, ҳар бир ходим ўз иш жойида компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши зарур. Бундан ташқари, энг асосий вазифалардан бири, ҳар бир ходимнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бирламчи қоидаларни билиши талаб қилинади. Чунки, улар иш фаолиятида компьютер техникаларидан фойдаланганда ўз ахборот ва маълумотларининг хавфсизлигини таъминлаш, яъни иш фаолиятига боғлиқ маълумотлар ва шахсий ахборотга рухсатсиз кириш, ундан нусха олиш, уни ўчириб юбориш, ўзгартириш ҳоллари юз берганда уларнинг олдини олишлари керак.

Маълумки, ахборотни юз фоиз ҳимоялашнинг иложи йўқ, бироқ маълумотларни энг кам даражада бўлса-да ҳимоялаш зарур. Бунинг учун файл ёки папкаларни криптографик шифрлаш, уларни парол қуйиш билан ҳимоялаш, кўринмас ҳолатга келтириш каби амалларни бажариш мумкин. Ахборот хавфсизлигини таъминлашда зарарловчи дастурлар ва компьютер вирусларидан<sup>6</sup> ҳам ҳимояланиш чораларини кўриш керак бўлади. Шундай кўникмаларни бериш мақсадида ИИБ Академияси тингловчиларига «Ахборот хавфсизлиги» фани ўқитилмоқда. Унда тингловчилар яратган файл ёки папкаларини АxCrypt, TrueCrypt каби дастурларда шифрлаш, Anvide.Lock, Folder.2.30 дастурида пап-

---

---

каларни кўринмас ҳолатга келтириш, Lock Му РС 4.8 дастури ёрдамида компьютерга рухсатсиз киришнинг олдини олиш, Word, Excel дастурларида тайёрлаган процессуал ҳужжатларни парол орқали ҳимоялаш ҳақида билимлар, амалий кўникмалар берилмоқда. Ахборотни ҳимоялашнинг бундай йўллари ИИВ Академияси Олий академик курслари тингловчиларига ҳам ўқитилмоқда.

---

---

Бир сўз билан айтганда, ҳозирги ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланаётган даврда, замон талабига жавоб берадиган етук мутахассислар тайёрлаш учун уларни компьютер техникаларидан фойдаланишга ўргатиш, маълумотларни ҳимоялаш бўйича уларга назарий билимлар бериш ва амалий кўникмалар ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2003. – № 1. – 2-м.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 2003 йил 11 декабрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 1–2.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2012 йил 21 март ПҚ-1730-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2012. – № 13.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2011. – № 43-44. – 465-м

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – № 14. – 154-м.

<sup>6</sup> Қаранг: *Каримов И. М., Кадиров Ф.* Ахборот соҳасидаги жиноятлар: зарарловчи дастурлар ва вируслар // ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2013. – № 4. – С. 57–63.

**Кадиров Ф., Джаматов М. Х. Ахборот тизимларида хавфсизликни таъминлаш муаммолари**

**Таянч иборалар:** ахборот хавфсизлиги, логин, хавфсизликни таъминлаш, асосий ташкил этувчилар, ахборот тизимлари.

Мақолада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ахборот хавфсизлигининг асосий ташкил этувчилари ҳамда ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилади.

**Кадиров Ф., Джаматов М. Х. Проблема обеспечения безопасности информационных систем**

**Ключевые слова:** информационные системы, информационная безопасность, обеспечение безопасности, основные составляющие информационной безопасности.

В статье рассматриваются вопросы обеспечения информационной безопасности, приводятся нормативно-правовые акты, регламентирующие ее различные аспекты, анализируются основные составляющие информационной безопасности и вносятся предложения, направленные на обеспечение надежной безопасности в информационных системах.

**Kadirov F., Djamatov M.H. Problems of providing the security of information systems**

**Key words:** information systems, information security, protection, basic components of information security.

This article deals with questions of providing the information security, statutory acts regulating its different aspects and analysis of basic components of information security. The author gives proposals directed at providing the information systems with safe security.

## ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ

Ўзбекистон Республикаси криминология назариясига оид адабиётларда одам савдоси жиноятлари профилактикаси тушунчасининг таърифи учрамайди. Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ушбу тушунчага таъриф берилмаган.

Муҳокама қилинаётган тушунчанинг таърифини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» 2014 йил 14 май қонунининг 3-моддаси (асосий тушунчалар)да **келтирилган «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси»** тушунчасининг таърифига асосланиш мумкин. Унга кўра, **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** деганда ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратадбирлари тизими тушунилади<sup>1</sup>.

Назаримизда, ушбу таърифда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилишининг мақсади тўлиқ акс этмаган, яъни унда қуйидагилар кўрсатилган: 1) ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш; 2) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш; 3) ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Фикримизча, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилишининг мақсадини яна қуйидаги бандалр билан тўлдириш мумкин: 4) фуқароларнинг

ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик ҳулқ-атворини шакллантириш ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш; 5) фуқароларни ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, уларни ҳуқуқбузарликлардан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш, шунингдек, уларни ҳуқуқбузарликларнинг жабрланувчисига айланиши хавфини камайтириш; 6) ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш; 7) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга, ҳуқуқбузарлик содир этган, ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун илгари судланган шахсларга нисбатан уларнинг тузалиши ва такроран ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга қаратилган профилактика ишларини юритиш; 8) ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларни, ҳуқуқбузарлик содир этган ва ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун илгари судланган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари қўлланилишининг таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Шу боис, **ҳуқуқбузарликлар, хусусан одам савдоси жиноятларининг профилактикаси тушунчасига таъриф беришда унинг амалга оширилишини муайян мақсадлар билан чегаралаб қўйиш унчалик тўғри эмас.**

**Таҳлил қилинаётган таърифда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** чора-тадбирларининг тизими ҳуқуқий, ижтимоий, ташки-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтининг катта илмий ходим-изланувчиси.

лий ва бошқа чора-тадбирларни ўз ичига олиши таъкидланган.

Ушбу фикрни батафсилроқ баён этиш заруратидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, ўтказилган таҳлиллар **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** чора-тадбирларининг тизимига: 1) ҳуқуқий; 2) тарбиявий-профилактик; 3) ижтимоий-иқтисодий; 4) маънавий-ахлоқий; 5) тиббий; 6) психологик; 7) ташкилий ва 8) бошқа чора-тадбирларни киритиш мумкинлигидан далолат беради.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, таҳлил қилинаётган тушунчага қуйидагича таъриф бериш мумкин: *одам савдоси жиноятларининг профилактикаси* деганда одам савдоси жиноятлари умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, тарбиявий-профилактик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий, тиббий, психологик, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизими тушунилади.

Одам савдосига қарши кураш криминалогик муаммоларининг ечимлари бўйича ўтказилган ёзма сўровда иштирок этган криминалогия фани мутахассисларининг аксарияти ушбу таърифни маъқуллашган, уларнинг айримлари эса, унда профилактик чора-тадбирларнинг кимларга нисбатан амалга оширилиши кўрсатилмаганлиги сабабли мазкур таърифга тўлиқ қўшилиб бўлмаслигини таъкидлашган.

Ушбу танқидий фикрни етарлича ўйланмаган деб ҳисоблаймиз. Чунки, профилактик чора-тадбирлар амалга **ошириладиган шахслар доираси одам савдоси жиноятлари профилактикасининг турларига боғлиқ; одам савдоси жиноятларининг** умумий профилактикаси — аҳолига нисбатан; махсус ва якка тартибдаги профилактикаси — одам савдосини содир этишга мойил бўлган шахслар, ушбу жиноятни содир этган шахслар ва мазкур жиноятни содир этганлиги учун илгари судланган шахсларга нисбатан; виктимологик профилактика — одам савдосидан жабрланиш эҳтимоли (хавфи) юқори бўлган шахсларга нисбатан амалга оширилади.

Демак, профилактик чора-тадбирларнинг кимларга нисбатан амалга оширили-

ши одам савдоси жиноятлари профилактикаси тушунчасининг таърифида эмас, балки одам савдоси жиноятларининг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси тушунчаларининг таърифларида келтирилиши жоиздир.

Криминалогик адабиётлар<sup>2</sup> ва қонун нормалари<sup>3</sup>нинг таҳлилига таяниб айтиш мумкинки, одам савдоси жиноятлари профилактикасининг турлари қуйидагилардан иборат: одам савдоси жиноятларининг 1) умумий профилактикаси; 2) махсус профилактикаси; 3) якка тартибдаги профилактикаси; 4) виктимологик профилактикаси.

Ёзма сўровда иштирок этган криминалогия фани мутахассисларининг барчаси қуйидагиларни одам савдоси жиноятлари профилактикасининг асосий принциплари деб ҳисоблашгани маълум қилган: 1) қонунийлик; 2) инсонпарварлик; 3) тизимлик; 4) ишонтириш усулининг устуворлиги; 5) таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш.

Шубҳасиз, ушбу фикрни асосиз деб бўлмайди. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 5-моддасида ушбу принциплар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари ҳисобланиши таъкидланган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонунининг 4-моддаси (одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари)нинг нормаларига асосланган ҳолда, одам савдоси жиноятлари профилактикасининг асосий принципларига қуйидагиларни қўшиш мумкин: 6) одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар жавобгарлигининг муқаррарлиги; 7) одам савдосидан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўймаслик; 8) ижтимоий ҳамкорлик.

Чунки, ушбу қонуннинг 3-моддаси (асосий тушунчалар)га кўра, **одам савдосига қарши курашиш** деганда, одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаш-

---

---

тириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолият тушунилади<sup>4</sup>.

Кўриниб турибдики, одам савдосига қарши курашиш одам савдосининг профилактикасини ҳам ўз ичига олади. Демак, одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари бир вақтнинг ўзида унинг профилактикасининг ҳам асосий принципларидир.

Муҳокама қилинаётган масалага доир қонун нормалари<sup>5</sup>нинг таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, *одам савдоси жиноятларининг умумий профилактикаси* деганда одам савдоси жиноятлари профилактикаси субъектларининг одам савдоси жиноятларининг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни 23-моддаси (хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари)нинг нормаларидан келиб чиқиб, одам савдоси жиноятлари умумий профилактикаси чора-тадбирларининг тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) одам савдоси жиноятларининг профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастур (режа, жадвал)ларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

2) одам савдоси жиноятларининг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

3) одам савдоси жиноятларининг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

4) одам савдоси жиноятларининг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

5) одам савдоси жиноятлари умумий профилактикасининг бошқа чора-тадбирлари.

Криминологик адабиётлар<sup>6</sup> таҳлилига асосланиб, одам савдоси жиноятлари уму-

---

---

мий профилактикасининг бошқа чора-тадбирларига қуйидагиларни қўшиш мумкин:

5) қонун ҳужжатларида ўрнатилган ҳолларда ва тартибда одам савдосига қарши кураш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш;

6) одам савдоси жиноятлари профилактикаси субъектларининг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини сўрашни ташкил қилиш ва ўтказиш ҳамда уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

7) одам савдоси жиноятларининг криминологик тавсифи ва профилактикаси бўйича илмий тадқиқотларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш;

8) одам савдоси жиноятларининг профилактикасида аҳолининг фаол иштирок этишини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва ўтказиш;

9) одам савдоси жиноятларининг профилактикаси бўйича илғор халқаро тажрибани умумлаштириш, ўзаро алмашиш ва тарқатиш.

Одам савдоси жиноятлари профилактикасининг субъектлари ўз фаолиятини прогностлаштириш ва режалаштириш, одам савдоси жиноятларининг умумий ҳолатини камайтириш мақсадида республика ва ҳудудий миқёсда ушбу жиноятларнинг профилактикасига доир дастур (режа, жадвал)ларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Одам савдоси жиноятларининг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот — одам савдоси жиноятлари профилактикаси субъектларининг фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларда қонунга итоаткорлик хулқатворини шакллантириш ва одам савдоси учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш, шунингдек, уларни одам савдосининг ижтимоий хавфи ҳақида огоҳ этиш, одам савдосининг жабрланувчисига айланиши хавфини камайтириш, одам савдосидан ҳимояланишнинг усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш бўйи-



---

---

ча тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бо-ришга қаратилган тизимли фаолиятidir.

Ёзма сўров натижалари таҳлилининг кўрсатишича, унда иштирок этган криминология фани мутахассисларининг аксарияти одам савдоси жиноятларининг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот оғзаки ва ёзма шаклларда амалга оширилиши мумкинлигини таъкидлашган.

Ушбу фикрни тўлиқ маъқулламаган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, одам савдоси жиноятларининг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

1) оғзаки — одам савдоси жиноятларининг профилактикаси масалалари бўйича мутахассислар иштирокида конференция, давра суҳбати, семинар, тренинг ва бошқа учрашувларни ўтказиш, маърузалар ўқиш, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш;

2) ёзма — одам савдоси жиноятларининг профилактикаси бўйича мақола, қўлланма, шарҳ, монография, услубий тавсиялар ҳамда ўқув ва илмий ишларнинг бошқа турларини тайёрлаш, нашр эттириш ва аҳоли орасида кенг тарқатиш;

3) электрон — одам савдоси жиноятларининг профилактикасига доир маълумотларнинг электрон нашрларини жамоат жойларида, оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан, интернет жаҳон ахборот тармоғида ва одам савдоси жиноятлари профилактикаси субъектларининг расмий сайтларида кенг тарқатиш;

4) кўргазмали — аҳоли гавжум жойлар (аэропортлар, темир йўл вокзаллари, чегара масканлари ва б.)да одам савдоси жиноятларининг профилактикасини акс эттирувчи мазмундаги плакат, баннер, панно ва эълонларни осиш, видеороликларни намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнларни эшиттириш.

Одам савдоси жиноятлари профилактикасининг субъектлари одам савдоси жиноятларининг сабабларини ва уларнинг содир

этилишига имкон яратиб бераётган шарт-шароитларни аниқлаб, ўз ваколатлари доирасида тегишли давлат орган (ташкилот)лари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ёки мансабдор шахсларга уларни баргараф этиш тўғрисида тақдимнома киритадилар.

Тақдимнома кечиктирмасдан кўриб чиқилади ва ундаги талабларни бажариш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Криминологик адабиётлар<sup>7</sup> ва қонун нормалари<sup>8</sup>нинг таҳлили шундай хулосага келиш имконини берадики, *одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикаси* деганда одам савдоси жиноятларининг профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектларнинг мавсумий ёки криминоген вазиятдан келиб чиқиб, одам савдоси жиноятларининг профилактикасига, ушбу жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни баргараф этишга, одам савдосини содир этишга мойил бўлган ва ушбу жиноятни содир этган шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти тушунилади.

Шу ўринда қуйидаги фикрлар одам савдоси жиноятлари махсус профилактикасининг тушунчасини ва уни амалга ошириш асосларини тўғри ва батафсил тушунишда муҳим аҳамият касб этади:

— одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикаси одам савдоси жиноятларининг профилактикасини амалга оширувчи барча субъектлар томонидан эмас, балки фақат ушбу жиноятларнинг профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлар томонидан амалга оширилади;

— одам савдоси жиноятлари махсус профилактикасининг махсус комплекс чора-тадбирлари ўз ичига тарбиявий-профилактик, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва бошқа махсус чора-тадбирларни қамраб олади;

---

— одам савдоси жиноятлари махсус профилактикасининг махсус комплекс чора-тадбирлари республика, ҳудудий, тармоқ ёки объект миқёсида амалга оширилиши мумкин;

— одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикасини амалга оширишни бир дақиқа ҳам сусайтирмаслик, акс ҳолда одам савдоси жиноятларини содир этишга

мойил бўлган ёки содир этган шахсларнинг кўпайиши оқибатида шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши хавфи кучаяди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу таклиф ва мулоҳазаларнинг қабул қилиниши одам савдоси жиноятларининг профилактикасини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 3 моддаси // *веб-сайт*: <http://www.lex.uz>.

<sup>2</sup> Одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий чоралари: ўқув-амалий қўлланма / И. Исмаилов, Қ.Х. Муҳамедов, И.Ю. Фазилов ва бошқ. — Т., 2014. — Б. 32.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 6 моддаси / *веб-сайт*: <http://www.lex.uz>.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги 2008 йил 17 апрель қонунининг 3 моддаси // *веб-сайт*: <http://www.lex.uz>

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 22-моддаси // *веб-сайт*: <http://www.lex.uz>.

<sup>6</sup> Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг ҳуқуқий чоралари: ўқув-методик қўлланма / И. Исмаилов, И. Ю. Фазилов ва бошқ. — Т., 2014. — Б. 46-47; Одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий чоралари. — Т., 2014. — Б. 33.

<sup>7</sup> Одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий чоралари — Т., 2014. — Б. 34; Гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларга қарши курашнинг ҳуқуқий чоралари. — Т., 2014. — Б. 48.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 24-моддаси // <http://www.lex.uz>.

#### **Фазилов И. Ю. Одам савдоси жиноятларининг профилактикаси**

**Таянч иборалар:** одам савдоси жиноятларининг профилактикаси, одам савдоси жиноятлари профилактикасининг принциплари, одам савдоси жиноятларининг умумий профилактикаси, одам савдоси жиноятларининг махсус профилактикаси.

Мақолада одам савдосининг профилактикасига доир муаммолар таҳлил қилинган. Уларнинг ечимлари бўйича илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

#### **Фазилов И. Ю. Профилактика преступлений, связанных с торговлей людьми**

**Ключевые слова:** торговля людьми, профилактика, принципы профилактики, общая профилактика, специальная профилактика преступлений, связанных с торговлей людьми.

В статье анализируются проблемы профилактики преступлений, связанных с торговлей людьми, сформулированы научно обоснованные предложения по совершенствованию деятельности органов внутренних дел в этой сфере.

#### **Fazilov I. Y. Prevention of crimes connected with human trafficking**

**Key words:** human trafficking, prevention, principles of prevention, general prevention, special prevention of crimes connected with human trafficking.

The article analyzes problems of prevention of crimes connected with human trafficking and gives grounded proposals on improving the activity of the organs of interior in this sphere.

## ПРОЦЕДУРА ПРИМИРИТЕЛЬНОЙ ФОРМЫ РАЗБИРАТЕЛЬСТВА УГОЛОВНЫХ ДЕЛ

Тенденция либерализации четко наметилась в уголовной политике нашего государства, а именно — в отраслях уголовно-правового комплекса борьбы с преступностью, инициатором которой выступил Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов. Выступая с докладом «Справедливость — в приоритете закона» на VI сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва, Президент отметил: «Если лицо, совершившее преступление, не представляющее большой общественной опасности, ранее не судимое, признает свою вину, раскаивается и готово возместить нанесенный преступлением ущерб, суд, при согласии потерпевшего, прекращает дело производством. При этом не порождаются последствия, связанные с судимостью. Существенно сокращаются сроки предварительного следствия и судебного разбирательства»<sup>1</sup>.

Исторически институт примирения нашел свое отражение в виде заглаживания вреда, причиненного потерпевшему, и регулировался материальным правом. В УК РСФСР 1960 г. существовало даже такое отдельное наказание — возложение обязанности заглавить причиненный вред (п. 8 ст. 21 и ст. 32 УК РСФСР). В соответствии с ч. 1 ст. 32 УК РСФСР исполнение обязанности заглавить причиненный вред состояло в непосредственном устранении причиненного вреда своими силами или в возмещении материального ущерба своими средствами либо в публичном извинении перед потерпевшим или членами коллектива в форме, устанавливаемой судом.

В комментариях к положениям данной статьи УК РСФСР указывалось, что непосредственное устранение причиненного вреда — это действия виновного, связанные с возможностью устранить этот вред своими силами (например, починить поврежденную мебель, вставить разбитое стекло и т.п.). Возмещение материального ущерба — это выплата виновным суммы из своих средств

потерпевшему за причиненный вред (например, за поврежденное имущество). Публичное извинение — это гласное извинение виновного перед потерпевшим за причиненный ему моральный ущерб. Извинение может быть принесено как лично, но чтобы об этом знали окружающие люди, так и публично — в присутствии членов коллектива<sup>2</sup>.

В Уголовном Кодексе Республики Узбекистан данное положение обоснованно получило свое решение в ст. 66<sup>1</sup> УК, введенной в Общую часть УК Законом Республики Узбекистан от 29 августа 2001 г. «О внесении изменений и дополнений в Уголовный, Уголовно-процессуальный кодексы и Кодекс Республики Узбекистан об административной ответственности в связи с либерализацией уголовных наказаний»<sup>3</sup> и предусматривающей освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением.

Институт примирения сторон в качестве одного из направлений уголовной политики обуславливает, при наличии соответствующих оснований и условий, применение поощрительных норм в процессе правоприменительной практики. Это, несомненно, способствует значительному сокращению потерь общества от вредных последствий совершенных преступлений, снижению уровня латентной преступности, существенному ограничению сферы интенсивного применения уголовной репрессии, материальных и иных ресурсных средств государства, затрачиваемых на борьбу с преступностью.

Тенденция роста количества прекращенных уголовных дел налицо. По итогам последних лет, в 2011 г. за примирением сторон было прекращено 72 % от общего числа прекращенных уголовных дел, в 2012 г. — 75 %; в 2013 и 2014 гг. — 78 %.

Жесткими требованиями применения поощрительной нормы в виде освобождения от уголовной ответственности являются в совокупности следующие основания: а) со-

\* Старший преподаватель кафедры уголовного права Академии МВД Республики Узбекистан.

вершение одного из сорока двух составов преступлений, исчерпывающий перечень которых содержит ст. 66<sup>1</sup>; б) признание вины; в) заглаживание причиненного вреда.

Проведя ретроспективный сравнительный анализ, мы попытались дать собственную оценку разработанности данного института в национальном законодательстве.

Итак, возможность добиться примирения между сторонами в уголовном процессе достигается только по статьям, перечисленным в ч. 1 ст. 66<sup>1</sup>. В свою очередь, все предусмотренные нормы относятся к преступлениям, не представляющим большой общественной опасности, или менее тяжким. И хотя перечень норм является исчерпывающим, ч. 2 ст. 66<sup>1</sup> гласит о невозможности примирения за совершение тяжких и особо тяжких преступлений. Считаем рассмотрение законодателем конкретики данного положения примирения весьма продуманным. Во многих странах постсоветского пространства, введших институт примирения в качестве основания освобождения от уголовной ответственности, предусмотрено достижение согласия, если речь идет о составе преступления небольшой тяжести, т.е. в общем плане за преступления, предусматривающие наказание в виде лишения свободы на срок не более двух лет.

Так, в Российской Федерации установление возможности прекращения уголовного дела в связи с примирением возможно на любой стадии уголовного процесса. Дознаватель может прекратить уголовное дело с согласия прокурора, следователь — с согласия начальника следственного органа, суд может прекратить уголовное дело сам по себе и в первой инстанции, и во всех последующих. Но препятствием к прекращению уголовного дела становится формулировка: дознаватель может, следователь может, суд может, т.е. могут, но не обязаны. Здесь возникает конфликт интересов. Решением таких конфликтов, как правило, выступает сторона защиты, которой приходится отстаивать позицию примирения и добиваться непосредственного акта примирения в рамках идущего уголовного процесса по делу до момента принятия мировым судьей решения по уголовному делу.

В нашем случае достаточно установления соответствия официальной квалификации по одной из норм, предусмотренных

ст. 66<sup>1</sup> УК, для того, чтобы считать данное обстоятельство удовлетворенным со стороны судебных органов.

В качестве следующего основания примирения сторон является признание вины обвиняемым. Признание вины со стороны обвиняемого должно выражаться в виде деятельного раскаяния виновного в содеянном и закреплено в материалах уголовного дела. Данное обстоятельство нормативно закреплено в качестве самостоятельного вида освобождения от уголовной ответственности в ст. 66 УК. Суду, в свою очередь, необходимо принять во внимание осознание виновным содеянного, чистосердечное раскаяние, способствование раскрытию преступления и проявление желания заглавить причиненный ущерб по отношению к пострадавшей стороне.

Научно-практический комментарий к ст. 66<sup>1</sup> определяет заглаживание причиненного ущерба в виде возмещения ущерба потерпевшему лицу в качестве: а) материального ущерба — выплат в денежном эквиваленте причиненного вреда либо недополученной прибыли в зависимости от природы совершенного деяния; б) морального ущерба. Здесь возникает вопрос о соотношении причиненного вреда и оценки его возмещения в связи с отсутствием в национальном законодательстве определенных правил установления эквивалентности нарушения психологическому состоянию потерпевшего в момент совершения преступления и после него.

В научной литературе нет четкого определения критериев оценки дестабилизации психики у лица, на которое оказывается психическое воздействие в виде угроз, запугиваний, оскорблений во время непосредственного «контакта» с преступником, а также опосредованного воздействия, например, распространения клеветнических измышлений в СМИ. Ведь для достижения согласия между обеими сторонами уголовного процесса возмещение или устранение вреда должно быть адекватным причиненному вреду.

Как правило, при возникновении вопроса о возмещении морального ущерба потерпевшему лицу инициатива оценки (обычно в денежном эквиваленте) должна исходить от самого потерпевшего. При рассмотрении данного вопроса многие ученые придерживаются единого мнения. Так, С. И. Никулин отмечает, что «моральный вред должен устанавливаться самостоятельно

---

потерпевшим и получить конкретное отражение в материалах дела — во избежание «последующих необоснованных требований потерпевшего о необходимости выплаты ему дополнительных денежных сумм»<sup>4</sup>.

Хочется подчеркнуть, что приоритет установления размера причиненного морального ущерба должен быть установлен самим потерпевшим, причем как прямого, так и косвенного, а именно неимущественного, который причинен по факту совершенного преступного деяния и повлек определенные последствия. Как показал анализ практической деятельности, наиболее проблематичными в этом отношении являются уголовные дела, связанные с нормами, содержащимися в Главе VII УК, — преступления против свободы, чести и достоинства (ст. ст. 136, 138, 139, 140 УК). По этой причине мы считаем, что необходимо выработать рекомендации о возмещении неимущественного вреда в качестве научно-практического комментария.

В качестве условия возможности освобождения лица от уголовной ответственности закон определяет примирение лица, совершившего преступление, с потерпевшим. Следовательно, применение этого вида освобождения связывается с обязательным условием волеизъявления потерпевшего на примирение. Вместе с тем следует отметить, что такое же согласие на примирение должны добровольно высказать и подозреваемый, и обвиняемый, что составляет субъективную основу института примирения. Данное положение вытекает из предписания Уголовно-процессуального кодекса, который дополнен Законом от 29 августа 2001 г. самостоятельной Главой 62, регламентирующей производство по делам о примирении.

В соответствии с ч. 5 ст. 585 Уголовно-процессуального кодекса для установления оснований и условий возможности освобождения лица от уголовной ответственности в связи с примирением суд должен выяснить ряд вопросов, таких как:

- добровольность примирения и его мотивы;
- добровольность признания вины подозреваемым, обвиняемым, подсудимым;
- осознал ли подозреваемый, обвиняемый, подсудимый последствия совершенного им деяния и принял ли меры к заглаживанию причиненного вреда;
- не оказывалось ли на потерпевшего

---

(гражданского истца) или подозреваемого, обвиняемого, подсудимого какое-либо давление;

— вопросы, связанные с возмещением причиненного вреда;

— согласие подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, их законных представителей на примирение.

При этом в ч. 7 ст. 585 УПК определяется, что, если в ходе судебного заседания будут установлены недобровольность примирения, признания вины, отказ от возмещения вреда, а также наличие в совершенном деянии признаков более тяжкого преступления, то суд должен вынести определение о направлении дела прокурору для производства предварительного следствия по общим правилам.

Таким образом, примирение означает, что потерпевший (гражданский истец либо его законные представители) в заявлении уведомляет на любой стадии предварительного следствия, а также судебного разбирательства, но до удаления суда в совещательную комнату, о том, что он удовлетворен постпреступным поведением лица, совершившего преступление, и согласен с его освобождением от уголовной ответственности. Однако, как уже отмечалось выше, это не является обязательным для суда основанием для освобождения от уголовной ответственности, если установлена совокупность фактических оснований и условий, предусмотренных в ст. 66<sup>1</sup> УК, при обязательном условии их добровольности. Отсутствие добровольности, даже при наличии формальных оснований, не дает право суду применить освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением.

При обобщении судебной практики освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением сторон нами был выявлен формальный подход к примирительным процедурам, связанным с возмещением ущерба и признанием вины. В связи с тем обстоятельством, что ходатайство потерпевшего о желании примириться со своим обидчиком может быть подано на любой стадии следственного или судебного разбирательства при соблюдении определенных требований к форме, содержанию и порядку подачи заявления о примирении, предусмотренных законом, в отношении делопроизводства нами не были выявлены

---

существенные недочеты. Однако практическая реализация, с точки зрения полноты доказательственной базы в отношении подсудимого, зачастую неудовлетворительна.

Органы дознания при наличии заявления о примирении не уделяют должного внимания объективности сбора информации для передачи материалов уголовного дела в судебные органы, ограничиваясь необходимым минимумом документации. Впоследствии в ходе судебного разбирательства подсудимые, не осознавая в полном объеме степени ответственности по предъявленному им обвинению, под влиянием судей и государственного обвинителя соглашаются с прекращением уголовного дела в связи с примирением сторон, поскольку такой исход дела не влечет для них наказания.

Со стороны потерпевшего заблуждение может быть связано с обещанием подсудимого, инициированным судом, возместить ущерб, с навязанной судом оценкой доказательств как недостаточных для вынесения обвинительного приговора, а также с разъяс-

нением судом потерпевшему различного рода неблагоприятных для него последствий, связанных с рассмотрением дела (например, длительность и затратность судебного процесса, влияние судимости на социальный статус потерпевшего и пр.). Таким образом, примирительные процедуры с последующей перспективой прекращения производства по делу вопреки интересам сторон нередко используются судьями, не желающими рассматривать дело по существу<sup>5</sup>.

Опираясь на результаты исследований, можно сделать вывод об отсутствии безупречного механизма прекращения уголовных дел в связи с примирением сторон не только со стороны судебных органов, но и с позиции законодателя. Показатели результатов применения института примирения дают основания констатировать работоспособность данного института в нашей стране (требующего, однако, доработки) как действенного и имеющего огромный потенциал способ решения конфликтных ситуаций, порождаемых фактом преступного деяния.

---

<sup>1</sup> Каримов И. А. Справедливость – в приоритете закона: Доклад на VI сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва // Народное слово. – 2001. – 30 авг.

<sup>2</sup> Комментарий к Уголовному кодексу РСФСР / Отв. ред. Ю. Д. Северин. – М., 1984. – С. 74.

<sup>3</sup> См.: Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 2001. – № 9–10. – Ст.165.

<sup>4</sup> См.: Российское уголовное право. Общая часть / Под ред. В. Н. Кудрявцева и А. В. Наумова. – М., 1997. – С. 352.

<sup>5</sup> Чурилов Ю. Ю. Использование примирительных процедур в уголовном судопроизводстве вопреки интересам сторон // Уголовное судопроизводство. – 2009. – № 2. – С. 40–42.

#### **Якубов С. А. Жинойт ишларини муҳокама қилишда ярашув шаклларининг тартиблари**

**Таянч иборалар:** жинойт иши, муҳокаманинг ярашув шакли, тарафларнинг муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш; айбланувчининг айбини тан олиши, етказилган зарарни қоплаш, келтирилган зиённи бартараф этиш, моддий зарар, маънавий зарар.

Мақолада ретроспектив таҳлил ва хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида ярашув институтининг бугунги ҳолатига баҳо берилган. Ярашганлик муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш ҳолатлари батафсил ўрганилган.

#### **Якубов С. А. Процедура примирительной формы разбирательства уголовных дел**

**Ключевые слова:** уголовное дело, примирительная форма разбирательства, освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением; признание вины обвиняемым; возмещение причиненного вреда; заглаживание причиненного вреда; материальный вред; моральный вред.

Статья отражает оценку современного состояния института примирения на основе ретроспективного анализа и опыта зарубежных стран. Детально рассмотрены обстоятельства освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением сторон.

#### **Yakubov S. A. Procedure of conciliation form of handling the criminal cases**

**Key words:** criminal case, conciliation form of handling, exemption from criminal liability in connection with conciliation, admission of guilt by accused, indemnification of damage, redressing of damage, material damage, moral damage.

The article reflects the estimation of modern condition of the institute of conciliation on the basis of retrospective analysis and experience of foreign countries. The circumstances of exemption from criminal liability in connection with conciliation are considered in detail.

## ТАДБИКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШ УСУЛЛАРИ

Давлат иқтисодиётни ривожлантиришнинг истиқболли старатегиясини белгилаш ва амалга ошириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, соғлом рақобатни таъминлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш каби умумий манфаатлардан келиб чиқиб, иқтисодиётга оммавий-ҳуқуқий таъсир этади. Шу жараёнда маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларидадан фойдаланилади.

Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари тадбиркорлик фаолиятини ижроия ҳокимият органлари томонидан тартибга солиш ва бошқариш учун қўлланиладиган императив характердаги ҳуқуқий таъсир этиш усулларида хисобланади. Бошқача айтганда, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари иқтисодиёт соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ва бошқаришнинг мақсадини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларида бошқа хусусий-ҳуқуқий тартибга солиш усулларида фарқли жиҳатлари куйидагиларда намоён бўлади:

1) бажарилиши мажбурий бўлган маъмурий-ҳуқуқий нормалар билан ифодаланади;

2) ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига ўз ҳаракатларининг муқобил вариантларини танлаш имконини бермайди, яъни бундай императив нормалар субъектлари хулқ-атворини бевосита белгиловчи қоидалардан иборат бўлиб, улар мазкур ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг келишувига биноан бошқа хулқ-атвор қоидалари билан алмаштирилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

3) ижроия ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятида амалга оширилади;

4) давлат томонидан давлат ва жамиятнинг умумманфаатларини рўёбга чиқариш учун қўлланилади;

5) тадбиркорлик субъектлари амал қилиши лозим бўлган мажбурий тартиботлар ва шартлар бажарилмаса, тадбиркорлик субъектларига тегишли чоралар кўрилади ёки уларнинг давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат беришга оид бошқа муурожаатлари рад этилади.

Ўтган йиллар давомида қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш билан боғлиқ қонун ҳужжатлари таҳлили ушбу фаолиятни маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг куйидаги усулларида ажратган ҳолда тадқиқ қилиш имконини беради:

1. *Давлат рўйхатидан ўтказиш тартиботларини белгилаш.* Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектлари фуқаролик ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи, молия ҳуқуқи, божхона ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ каби ҳуқуқ соҳаларининг субъекти сифатида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолатларда ҳам тадбиркорлик субъекти расмий ҳуқуқ субъекти бўлиши учун белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтиши лозим.

М.Э. Абдусаломов тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш муҳим юридик факт ҳисобланиши, қонунчилик ҳужжатларига кўра шу пайтдан бошлаб у ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинishi, тўлиқ ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши, яъни ҳуқуқий муносабатларда алоҳида мустақил шахс вужудга келишини таъ-

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Катта илмий ходимлар-изланувчилар институтининг катта илмий ходим-изланувчиси.

кидлайди<sup>2</sup>. З.О. Кувандиков ҳам шу мазмунда фикр юритиб, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш тадбиркорликнинг асосий талабларидан бири эканлиги ва бу жараён уни мустақил субъект сифатида расман тан олиншини билдиришини таъкидлайди<sup>3</sup>.

М.Э. Абдусаломов ва З.О. Кувандиковларнинг фикрини маъқуллаган ҳолда тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтиши уларнинг мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида шаклланишини англатиши билан бирга, тадбиркорлик субъектларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланиши ҳамда тартибга солиниши учун ҳам асос бўлиб хизмат қилишини таъкидлаш зарур. Қолаверса, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада соддалаштириш, бунда ортиқча маъмурий тартиботлардан воз кечиш, интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтиш амалиётини янада кенгайтириш, барча ҳолларда рўйхатдан ўтишни «ягона ойна» тамойили асосида ташкиллаштириш мақсадга мувофиқ.

2. *Лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тартиботларини белгилаш.* Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солишнинг кенг қўлланиладиган усулларида бири лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тартиботлари ҳисобланади. Лицензиялаш мазмун-моҳияти билан давлат хавфсизлиги ва мамлакат мудофаасини, фуқаролар саломатлигини таъминлаш, маънавиятини юксалтириш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг бир тури ҳисобланади<sup>4</sup>.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда 19 та соҳадаги жами 220 та фаолият учун ваколатли органлар томонидан берилган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар<sup>5</sup>, шунингдек, 58 та фаолиятнинг амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинади<sup>6</sup>.

Лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тизимларида муайян фаолиятни амалга ошириш учун, аввало, маълум маъмурий тартиб-қоидалар ва шартларни адо этиш лозим. Иккинчидан, ушбу фаолият турларини

бажариш ёки амалга ошириш жараёнида ҳам маълум маъмурий тартиб-қоидалар ва шартларга амал қилиниши зарур. Учинчидан, бу жараён ижроия ҳокимиятнинг тегишли ваколатли субъектлари томонидан маъмурий тартибда назорат қилиб борилади. Тўртинчидан, лицензиялаш ва бошқа рухсат бериш тартибларига амал қилмаслик, маъмурий жавобгарликка ёхуд бу борадаги рухсатни маъмурий тартибда тўхтатилиши ёки тугатилишига олиб келади.

3. *Маъмурий-иқтисодий чеклов.* Бунда муайян мулкларга эгалик қилиш, хизмат кўрсатиш ва иқтисодий фаолият юритиш учун фақатгина давлатга ёки давлат томонидан белгиланган субъектларга ваколат берилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги 1991 йилдаги 19 ноябрь қонунининг 4-моддасига биноан, хусусийлаштирилиши мумкин бўлмаган объектлар белгилаб қўйилган<sup>7</sup> бўлиб, ушбу объектлар тадбиркорлик фаолиятининг мулкӣ асоси бўла олмайди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Табиий монополиялар тўғрисида»ги 1999 йил 19 август қонунининг 4-моддасига кўра, нефть, нефть маҳсулотлари ва газни қувур орқали транспортировка қилиш, электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш ҳамда транспортировка қилиш, темир йўллар инфратузилмасидан фойдаланиш ҳисобга олинган ҳолда темир йўлларда ташиш, умумий эркин фойдаланиладиган почта алоқаси хизматлари, сув қувурлари ва канализация хизмати, аэронавигациялар, портлар ва аэропортлар хизматларида монополия ўрнатилиши ва давлат томонидан тартибга солиб турилиши белгиланган<sup>8</sup>. Бу борада профессор О. Оқюловнинг куйидаги фикрлари эътиборга молик: «Мазкур соҳаларни табиий монополия деб номланишига сабаб, ушбу товарлар бозорида рақобатни вужудга келтириш одамларнинг эрки ва хоҳишига боғлиқ эмас. Бунга сабаб, табиий монополия шароитида ишлаб чиқариладиган товар(иш, хизмат)ларнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканликларида<sup>9</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланишлари



---

мумкин бўлмаган фаолият турларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 7 январь қарорига биноан, 75 фаолият турлари билан хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланишлари мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган<sup>10</sup> бўлса, ҳукуматимизнинг «Оилавий корхоналар томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2012 йил 13 сентябрь қарори билан 141 та моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналардан оилавий корхоналар томонидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланган<sup>11</sup>.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган мансабдор шахсларнинг рўйхати тўғрисида»ги 1992 йил 6 март қарори билан айрим мансабдор шахслар учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш тақиқланган.

Юқоридаги чекловларга амал қилиниши ижроия ҳокимият органлари томонидан маъмурий тарзда таъминланади ва ушбу чекловларни «ҳатлаб ўтган»лик учун маъмурий ва бошқа жавобгарликлар келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрель қонунининг 1-моддасига биноан деҳқон хўжалигидаги фаолият ҳам тадбиркорлик фаолияти жумласига киради. Бироқ мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилиши ва уларнинг оилавий даромадларини шакллантиришда деҳқон хўжалиги муҳим аҳамият касб этиши сабабли, қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳолининг аксарият қисми, шу жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган мансабдор шахслар ҳам ўз оила аъзолари билан биргаликда деҳқончилик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Шу сабабли, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин бўлмаган шахслар рўйхатига «оила аъзолари билан деҳқон хўжалиги фаолиятида иштирок этиш бундан мустасно», деган нормани киритиш лозим.

4. *Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва шу каби умумманфаатларни таъминлаш юзасидан бажарилиши ва амал қилиниши лозим*

---

*бўлган маълум тартиботлар ва қоидалар.* Тадбиркорлик субъектлари ўзлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, бажарилган хизматлар ва ишларнинг хавфсизлиги ва мақсадга мувофиқлигини таъминлаш учун маълум мажбурий тартиботлар ва қоидалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрель қонунига биноан, товарни истеъмол қилиш, ундан фойдаланиш, уни сақлаш, ташиш ёки утилизация қилишнинг, шунингдек, иш ёки хизмат натижаларидан фойдаланишнинг одатдаги шароитларида истеъмолчининг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига ва атроф муҳитга зарар етказилиши эҳтимоли билан боғлиқ хавф-хатарнинг йўқлиги талаб қилинади<sup>12</sup>. Ўзбекистон Республикасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги 1997 йил 30 август қонунининг 4-моддасига кўра, озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат томонидан нормалаш, озиқ-овқат маҳсулотини ҳамда уни тайёрлашга мўлжалланган ва фойдаланганда озиқ-овқатга тегиб турадиган ускуналарни давлат рўйхатидан ўтказиш, озиқ-овқат маҳсулотини сертификатлаш, давлат назорати ва текшируви, озиқ-овқат маҳсулотининг сифатини ва хавфсизлигини таъминлаш тадбирларини режалаштириш бўйича давлат бошқаруви амалга оширилади<sup>13</sup>. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрь қонунига асосан, маҳсулотлар, жараёнлар, ишлар ва хизматларнинг аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига, атроф-муҳит учун хавфсизлиги, ресурсларни тежаш масалаларида истеъмолчилар ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотларнинг ўзаро алмашинувини ва бир-бирига мос келишини таъминлаш, фан ва техника тараққиёти даражасига, шунингдек, аҳолининг ҳамда халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда маҳсулот сифати ҳамда рақобат қила олиш имконини ошириш, барча турдаги ресурслар тежалишига кўмаклашишдан, ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий дастурлар ва лойиҳаларни амалга

ошириш, табиий ва техноген фалокатлар ҳамда бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавф-хатарини ҳисобга олган ҳолда халқ хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ҳамда сифати тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотга бўлган талабини қондириш, мудофаа қобилиятини ва сафарбарлик тайёрлигини ва ўлчовларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлаш мақсадида ҳамма учун мажбурий бўлган стандарлаштириш тизими жорий этилади<sup>14</sup>. Унга кўра, тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва улар томонидан бажариладиган ишлар ҳамда хизматлар қонун ҳужжатларида белгиланган стандартларга мувофиқ бўлиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги 1993 йил 28 декабрь қонунига асосан, одамларнинг ҳаёти, соғлиги, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш, маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат қила олишини таъминлаш, мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар халқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва халқаро савдо-сотиқда иштирок этишлари учун шароит яратиш, истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш, маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъкидлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш мақсадида муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандартга ёки бошқа норматив ҳужжатга мос бўлиши лозимлиги белгилаб қўйилган<sup>15</sup>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 28 апрель қарорига биноан 77 та маҳсулотнинг мажбурий сертификатланиши зарурлиги белгиланган<sup>16</sup>.

Юқоридаги тартиботлар қатъий характерга эга бўлиб, уларнинг бажарилиши ёки уларга риоя этилиши давлатнинг ижроия ҳокимият органлари томонидан қаттиқ назорат қилинади.

5. *Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш.* Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини аниқлаш мақсадида текшириш, шу жумладан, тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибда текшириш, статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш шаклида давлат томонидан назорат қилинади<sup>17</sup>.

Назорат қилишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ижроия ҳокимият субъектлари фаол аралашади. Шу сабабли, айнан мазкур жараёнда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари нисбатан кўпроқ учрайди. Шунинг учун назорат қилиш билан боғлиқ нормаларда назорат қилувчи органнинг ваколатли мансабдор шахсларига маълум талаблар қўйилади ва мажбуриятлар юкланади. Ҳатто Россия Федерациясида юридик шахслар якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини давлат томонидан контроль (назорат) қилиш бўйича қабул қилинган федерал қонуни «Давлат томонидан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини контроль (назорат) қилишда улар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» деб номланиб, контроль (назорат) жараёнида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни норматив таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

6. *Бажарилиши мажбурий бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари.* Барча ҳолларда тадбиркорлик фаолияти савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда ишларни бажаришда намоён бўлади. Бунда савдо ва хизмат кўрсатиш ҳамда ишларни бажаришга нисбатан муайян талаблар ва тартиботлар белгиланади.

Савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти турли-туман ҳуқуқ нормалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига амал қилинмаслиги уларга нисбатан тегишли тартибда маъмурий таъсир чоралари қўлланилишига олиб келади.

7. *Тақдим этилиши лозим бўлган солиқ, молиявий ва бошқа ҳисоботлар.* Ўзбекистон

Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»-ги 2012 йил 2 май қонунининг 9-моддасига кўра, бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишга мажбурдирлар<sup>18</sup>. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август қонунига кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари бухгалтерия ҳисоби субъектлари ҳисобланадилар ҳамда асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ хўжалик операцияларининг ҳисобини юритадилар ва у бўйича ҳисобот тақдим этадилар<sup>19</sup>.

8. *Белгиланган миқдордаги нақд пул тушумини мажбурий инкассация қилиниши.* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдо тушуми инкассация қилинишини ва назорат-касса машиналаридан фойдаланишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 11 декабрь қарорига биноан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кунлик тушум республикада белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ортиқ бўлганда нақд пул тушумини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг инкассация хизмати орқали ҳар куни топширишга мажбурдир.

9. *Антимонополь чоралар.* Тадбиркорлик субъектларига бир хил имконият ва шарт-шароит яратиш, уларни инсофсиз рақобат, иқтисодий концентрация, камситувчи шартлар ва шу каби уларнинг тенглигини бузувчи бошқа ҳолатлардан сақлаш мақсадида, рақобат соҳасида маъмурий тартиб-қоидалар белгиланади. Бу борада К.Э. Мансуровнинг «Мамлакатимиз иқтисодиётида рақобатнинг ривожланиши, уни ҳуқуқий тартибга солиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш ва субъектларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун муайян ҳуқуқбузарликларнинг, монополистик фаолият, инсофсиз рақобатни амалга оширишнинг олдини олишда иқтисодиётнинг монополлашуви устидан назоратни таъминлашга қаратилган тадбирларнинг ўзи

кифоя қилмайди. Шу муносабат билан, тадбиркорлар рақобатга бўлган ҳуқуқни тақдим қилувчи ва кафолатловчи, яъни рақобатчиликни амалга оширувчи қонунлар муҳим аҳамият касб этади»<sup>20</sup>, **деган фикрлари эътиборга молик.**

Таъкидлаш жоизки, эркин иқтисодиётнинг ривожланиши ва тараққий этишида рақобат муҳим ва зарурий омиллардан бири ҳисобланади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда янги бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилганлиги ва унинг фаолияти кенг йўлга қўйилганлиги рақобатнинг нақадар муҳим аҳамият касб этишини яққол кўрсатади. Бироқ рақобатнинг салбий томонга оғиб кетиши натижасида вужудга келадиган монополия иқтисодий тараққиётга акс таъсир этиши, тадбиркорлик субъектларининг тенглигини чеклашга олиб келиши мумкин. Шу сабабли, давлат томонидан монополияга қарши курашнинг махсус маъмурий қоидалари ва тартиботлари белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги 2012 йил 6 январь қонунда адолатли рақобатни таъминлаш мақсадида амал қилиниши мажбурий бўлган маъмурий тартиб-қоидалар белгиланган. Масалан, товар ёки молия бозорида ўзаро рақобатлашган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, потенциал рақобатчилар бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб олинган ҳаракатлар ва битимлар носоғлом рақобатни вужудга келтирадиган бўлса, фаолияти тақиқланади. Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этиш ёки уларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш натижасида уларнинг монополь мавқеи вужудга келиши мумкин бўлса, хўжалик юритувчи субъектларнинг бирлашмаларини ташкил этиш ёки уларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга оид битимларни тузиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилиги олиниши зарур<sup>21</sup>.

Бугунги кунда мамлакатимизда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ривожини йўлидаги ортиқча маъмурий ғов-тўсиқларни олиб

---

ташлаш ва бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, иқтисодийтни либераллаштиришни янада кучайтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу сабабли, тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш асосларини танқи-

дий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, бу борадаги бир қатор маъмурий-ҳуқуқий нормаларни хусусий-ҳуқуқий нормалар билан алмаштириш, давлатнинг стратегик ва иқтисодий асосланган вазифаларини бажариш учун ғоят муҳим ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Ма'мурий ҳуқуқ: Darslik / Н.Т. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.Т. Ismoilov va boshq; prof. Н. Т. Odilqoriyev va В. Е. Qosimovning umumiy tahriri ostida. — Т., 2010. — Б. 40.

<sup>2</sup> Абдусаломов М.Э. Тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг фуқаролик-ҳуқуқий усуллари ва муаммолари: Юрид фан. номз. ... дис. — Т., 2003. — Б. 53.

<sup>3</sup> Қувандиқов З.О. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: юрид. фан. номз. ... дис. — Т., 2009. — Б. 79.

<sup>4</sup> Умаров О.Қ. Хўжалик ҳуқуқи. — Фарғона. 2008. — Б. 24.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2013. — № 33. — 442-м.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2002. — № 2. — 14-м.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1992. — № 1. — 43-м.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 4-5. — 106-м.

<sup>9</sup> Оқюлов О. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқидан маърузалар матни. — Т., 2010. — Б. 177.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2011. — № 1-2. — 8-м.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012. — № 37. — 430-м.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996. — № 5-6. — 59-м.

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1997. — № 9. — 239-м.

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1994. — № 2. — 46-м.

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. — 1994. — № 2. — 50-м.

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2011. — № 18. — 178-м.

<sup>17</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1999. — № 1. — 8-м.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 2000. — № 5-6. — 40-м.

<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. — 1996. — № 1. — 2-м.

<sup>20</sup> Мансуров К.Э. Рақобатни ҳуқуқий тартибга солиш — тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш мезони сифатида // Ўзбекистонда тадбиркорлик ҳуқуқининг ривожланиши ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришнинг ҳуқуқий таъминлаш масалалари: Илмий-амалий анжуман материаллари. Масъул муҳаррир: проф. О.Оқюлов. — Т., — 2008. — Б. 106.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. — 2012. — № 1. — 5-м.

#### **Примов Ф. А. Тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари**

**Таянч иборалар:** ҳуқуқий тартибга солиш, маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш, тадбиркорлик фаолияти, тартибга солиш усуллари, рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, ҳисоб ва ҳисобот, табиий монополия.

Мақолада тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш ва унинг усуллари ҳамда уларни такомиллаштиришнинг айрим масалалари кўриб чиқилади ва амалдаги қонун ҳужжатлари мисолида тадбиркорлик фаолиятини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш усуллари таҳлил қилинади.

#### **Примов Ф. А. Административно-правовое регулирование предпринимательской деятельности**

**Ключевые слово:** предпринимательская деятельность, правовое регулирование, административно-правовое регулирование, регистрация, лицензирование, учет и отчетность, естественные монополии.

В статье рассматриваются вопросы административно-правового регулирования предпринимательской деятельности, на примере действующих законодательных актов проанализированы конкретные методы административно-правового регулирования данной деятельности.

#### **Primov F. A. Administrative and legal regulation of business activity**

**Key words:** business activity, legal regulation, administrative and legal regulation, registration, licensing, accounting, natural monopoly.

The article deals with some questions of administrative and legal regulation of business activity; concrete methods of administrative and legal regulation of this activity are analyzed by the example of current legislation.

Д. Х. Разаков\*  
Ш. Ш. Хасанов\*\*

## МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК ВА ШАРҚОНА ҚАДРИЯТЛАР

Маълумки, жамият ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлардан айри ҳолда шаклланимайди. Инсоннинг инсон бўлиб шаклланишида маънавиятнинг ўрни беқиёсдир. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «маънавият — инсонни руҳан поклашиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир»<sup>1</sup>.

«Маънавият — инсон ахлоқи ва одоби, билимлари, истеъдоди, қобилияти, амалий малакалари, виждони, иймони, этиқоди, дунёқарashi, мафкуравий қарашларининг бири билан узвий боғланган, жамият тараққиётига ижобий таъсир этадиган муштарак тизимдир»<sup>2</sup>. Ушбу таърифда баҳсли томонлар мавжуд бўлсада, у илмий-назарий қарашларни маълум даражада ўзида мужассам этади, дунёвий ёндашиш нуқтаи назаридан демократик тамойилларга, талабларга жавоб беради. Шунинг учун маънавиятнинг шартли равишта қуйидаги 4 таркибий қисмини табиий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин. Булар:

- 1) ахлоқ ва одоб;
- 2) улар асосида ва амалий меҳнат жараёнида юзага келадиган билим, илм, амалий малака, истеъдод ва қобилият;
- 3) ахлоқий, илмий етукликнинг натижаси бўлган имон, этиқод, виждон, инсоф ва ихлос;
- 4) инсон билимлари, амалий тажрибасини умумлаштирувчи, фаолиятига йўналиш берувчи дунёқараш, гоя, мафкура ва маърифатдир<sup>3</sup>.

Ижтимоий-маънавий қадриятлар ҳар бир халқнинг узоқ тарихи билан чамбарчас боғлиқ бойликлари ҳисобланади. Халқнинг ўзлиги, миллатнинг ўзини идрок этиши ана шу қадриятлари орқали кечади. Шунинг учун

ҳам Президентимиз Ислоҳ Каримов. «Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз»<sup>4</sup>, — деб таъкидлайди. Чунки, маънавият — инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир.

Ижтимоий-тарихий парадигмага айланган ахлоқий қадриятлар халқни халқ, миллатни миллат сифатида бошқа этнослардан фарқлайди. Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-ахлоқий қадриятлар миллатнинг бош миллий белгиси, маданиятининг ўзгидир. Бу ўринда қуйидаги мисолни келтириш ўринлидир. «Ўзбекнинг уйига бегона келса, у бирданига нима учун келганини эмас, балки ҳол-аҳволини, бола-чақасининг тинчлигини сўрайди, уйининг тўрига ўтқазиб, қўлига бир пиёла чой беради, шундан кейингина келишининг сабабини сўрайди. Бу ҳам ўзига хос ўзбекона ахлоқ белгисидир. Қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик, маҳалла-қўйчилик, ошна-оғайничилик муносабатлари асосида ҳам асосан ахлоқий мезонлар ётади. Ўзбекларнинг маҳалла-қўй, қариндош-уруғчилик, қўни-қўшничилик борасидаги маданий-маънавий бирлиги ҳам ахлоқий борлиқнинг ифодасидир. Тўйларда, дафн маросимларида кишиларнинг бир-бирига бўлган оқибати, меҳр-муруввати ҳам муайян вазиятлардаги ахлоқий муҳит кўришишларидир»<sup>5</sup>.

Халқимизнинг тарихий-маданий анъаналаридан беҳабар, узоқ бўлган киши учун улар консерватизм, трансформация ва модернизацияга бефарқлик бўлиб кўринади. Чунки, демократияга тинмай ўзгариш, ижтимоий ҳаётни тинмай янгилаш, зарур бўлса, ҳатто нигилизмга хос. Модернизацияга мойил бўлмаган объектни демократияга

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедраси доценти.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фалсафа ва политология кафедраси ўқитувчиси.

бегона, ёт ёки консерватив нарса сифатида қараш Фарб индустриал, постиндустриал ва информацион жамиятларига хос хусусият бўлиб, масалага бундай ёндашув Шарқ қадриятларини тушунмаслик ёхуд тушунишни истамасликдан келиб чиқади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий демократик ўзгаришлар эса халқ анъаналарини, ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган қадриятларни қўллаб-қувватлайди, уларни миллий-маданий бойликлар сифатида асрашга ва янги авлодни шакллантиришда улардан унумли фойдаланишга даъват этади.

Демократия, у қайси мамлакатда ва қайси ижтимоий маконда рўёбга чиқарилмасин, модернизация байроғи остида анъанавий қадриятларни рад этолмайди, тадрижийликка таянмаган ўзгаришлар халқ турмуш тарзидан, қалбидан жой олмайди. Маълум бир объектив сабаблар кишиларни янги нормаларни, ўзгаришларни қабул қилишга мажбур этиши мумкин, бироқ бундай ўзгаришларнинг умри узоқ бўлмайди. Бу масалада Президентимиз Ислом Каримовнинг фикрлари муҳим аҳамиятга эга. «Ҳозирги пайтда, — деб ёзади Давлатимиз раҳбари, — маълум тарихий сабаб ва шароитларга кўра демократик андозалардан ҳали узоқ бўлмаган мамлакатларда демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, демократия гоёларини зўрма-зўраки қарор топтириш учун уринишлар тескари натижа бериши бундан учинчи бир куч фойдаланиб қолиши муқаррар бўлган вазиятни келтииб чиқариши мумкин. Бу учинчи куч — радикал исломдир.

Бундай вазият қарийб 80 фоиз аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган Марказий Осиё ҳудудида ислом динини ниқоб қилиб олган турли тоифадаги экстремист ва ақида-парастларга жуда қўл келиши мумкин. Албатта, биз ҳам Фарб дунёси, демократия ривожланган давлатлар ҳаракат қиляётган мақсадларга етиш учун интилишимиз керак. Лекин айтиш жоизки, ҳозир демократиянинг бутун дунёда тан олинган тарафдори бўлмиш Збигнев Бжежинский ҳам демократияни экспорт ёки импорт қилиб бўлмаслигини эътироф этмоқда. Чунки, бу борадаги шошқалоқлик жиддий фожиавий оқибатларга олиб келиши мумкин»<sup>6</sup>.

Демак, республикамизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар халқимизнинг ижтимоий-ахлоқий қадриятлари билан уйғунлиги сабабли эътиборлидир. Бизда демократия ижтимоий-сиёсий инсти-

тутларни ўзгартириш ва уларни модернизациялашдангина иборат эмас, у халқимиз ижтимоий ҳаётининг таркибий қисми, жамиятимиз мустақиллик йилларида яратган маънавий-ахлоқий бойликларининг мағзи ҳамдир.

Маълумки, шарқона демократия негизида инсон ахлоқи, одоби, иймони, эътиқоди ва маънавиятини юксалтириш ётади. Шарқ учун Фарбдагидек ижтимоий-сиёсий институтлар, тизимлар, бошқариш усуллари эмас, балки инсоннинг руҳий, маънавий дунёсини такомиллаштириш зарур<sup>7</sup>. Демократия ҳам маданият, бинобарин маънавиятдир. Етук демократия эса, юксак маънавиятли жамиятдагина қарор топади. Кўпчилик демократия намунаси, тимсоли деб биладиган давлатларда маънавий маданиятнинг юксаклиги эмас, балки аксинча, бошқа халқларнинг тарихий-маданий ҳаёт тарзини, эрки ва ҳуқуқларини менсимаслик, уларни топташга мойиллик кўзга ташланади. Уларга, ўз ҳарбий қудратларига таяниб, ўзлари тасаввур қиладиган демократик тузум ўрнатишга интилиш хос. Бу аслида зўравонликнинг бир кўринишидир. Масалан, XX асрнинг 60-йилларида Фарбда ташвиқ этилган сексуал эркинлик у ерда анъанавий оилавий қадриятларни емирди. Бугун Фарбда айримлар учун нормал қадриятга айланган бир жинсли никоҳ анъанавий Шарқ жамиятида қабул қилинмаслиги, албатта, шарқона маънавият нуқтаи назаридан тўғри ва табиийдир. Бироқ Фарбда бу ҳолат демократия ва инсон ҳуқуқларининг бузилиши, камситилиши, дея талқин қилинади.

Шарқона демократияга кўра, жамиятда ҳар бир кишининг ўз ўрни, масъулияти, вазифалари ва бурчи бор. Ўз ўрнини билмаган ёки демократия байроғи остида дуч келган вазифага, лавозимга, ўринга даъво қиладиган киши бир кунмас бир куни уятга қолади, ўзининг уқувсизлиги, чаламуллаллиги, иқтидорсизлиги билан ўзини бадном этади. «Ҳукмдор ҳукмдордек бўлсин, хизматкор — хизматкордек, ота отадек бўлсин, фарзанд — фарзанддек бўлсин»<sup>8</sup> деганида Конфуций ҳар кимнинг жамиятдаги, ҳаётдаги ўрнига, эгаллаган мавқеига қараб, ўз вазифасини, бурчини адо этиши зарурлигини назарда тутди. Жамиятдаги иноқлик, иттифоқ, бирлик ҳар ким ўзининг ўрнини, вазифасини бажаришига боғлиқдир. Албатта, ҳар ким ўз иқтидорига лойиқ ишни бажарсин, деган қоида инсон эркини, ҳуқуқларини чеклаш эмас. Агар ушбу қоида тор маънода ва нотўғ-

ри талқин қилинса, шарқона талаб гўёки демократияни инкор этишдек бўлиб кўрилади. Бирор соҳани мукамал ўрганмай, билмай бошқа соҳани ҳам талаб даражасида бажариш қийин. Шарқ мудом ўз касбини, илмини, вазифасини чуқур англаган шахсларни эъзозлаб, уларни маънавий етуклик тимсоли атаб келган. Демак, Шарқ демократияси ахлоқий-маънавий қадриятларга асосланади. Шахснинг ўз касбини, вазифасини мукамал билишини қадрлайди. Халқ оммасининг давлат ва жамият ишларини бошқаришдаги иштироки ҳам чуқур билимга, соҳадан яхши хабардорликка, мавжуд муаммоларнинг оқилона ечимларини топа олишга асосланади. Қта масъулиятли, минг-миллионлаб кишилар ҳаётига тааллуқли давлат ва жамиятни бошқариш ишларини ҳаваскорлар қўлига топшириш мумкин эмас. Кўпчиликнинг фикри, талаблари тингланган ҳолда, масъулият бир шахс, профессионал кадр, мутахассис устига юклатилиши лозим. Демократия бошбошдоқлик эмас, у энг аввало, жамият олдидаги вазифасини тўла бажариш ҳиссидир. Миллий демократик тараққиёт ҳар бир инсонни, шахсни ижодий изланишларининг, ён-атрофини ўзгартиришга интилишларининг, ақл-идроки билан жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшадиган дурдоналар яратишининг натижаси бўлади.

«Ўзбекистон, — дейди Юртбошимиз Ислом Каримов, — инновацион ривожланиш турининг ҳозирги замон моделига ўтиш учун ҳамма зарур шароитларга эга. Бу модель вужудга келтирилган илмий-техникавий салоҳиятдан кенг ва самарали фойдаланишга, фундаментал ва амалий фаннинг ютуқларини, чуқур илм талаб қиладиган технологияларни амалиётга кенг жорий этишга, юқори малакали, иқтидорли илмий кадрлар сонини кўпайтиришга асосланади. Бу — мамлакатимиз жаҳондаги иқтисодий ва саноати ривожланган давлатлар қаторига кириб боришининг зарур шарт ва мустақкам пойдевори бўлиб хизмат қилади»<sup>9</sup>.

Тадбиркорлик, ишбилармонлик ўзбек халқига хос тарихий-анъанавий хислатдир. Буюк ипак йўли ўлкамиз ҳудудидан ўтгани, Шарқ ва Фарб трансминтақавий иқтисодий алоқалари марказида, ўртасида юртимиз тургани халқимиз қалбида тадбиркорлик, ишбилармонлик хислатлари мавжуд бўлганидан далолат беради. Тарихчи олимларимизнинг ёзишича, «қадимий даврларда узоқ

масофаларни от-уловда босиб ўтиш анча мушкул бўлган вақтларда аждодларимиз Миср, Бобил, Юнонистон каби мамлакатлар билан алоқа қилганлар. Ипак йўлининг кўп қисми мамлакатимиздан ўтиши ҳунармандчилик, савдо-сотикнинг эрта ва кенг ривожланишига олиб келган. Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурон бўлганларки, Византия императорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман, Ватанимиз вакилларини жалб этганлар»<sup>10</sup>.

Ижтимоий муносабатларда умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва демократик ўзгаришлар марказида турган вазифалардан биридир. Республика-миз мустақилликка эришган биринчи кунлардаёқ жаҳон халқлари билан интеграцияга киришиб, улар яратган моддий ва маънавий бойликлардан фойдаланишни ўзининг демократик тараққиёт йўли, деб эълон қилди. Шундан бери халқимиз жаҳон халқлари билан кенг алоқалар ўрнатиб, умуминсоний қадриятларни ҳаёт тарзига айлантиришга интилиб яшамоқда.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этишда, албатта диний омил ҳам ўз ўрнига эга. Чунки, дин демократияга ўтишни секинлаштириши ҳам, тезлаштириши ҳам мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Фарбнинг айрим сиёсатдонлари нутқлари, асарларида «Ислом демократияни инкор этади» қабилидаги нуқтаи назарлар, баёнотлар тез-тез учрамоқда. Бу исломнинг моҳиятини билмаслик натижасидир. Аксинча, «Айнан Аллоҳнинг яктолигини эътироф этароқ, Исломда демократия барҳақдир, чунки Яратувчининг бетакрорлигини тан олмоқ заминдаги диктатура ва диктаторлардан, шахсга сифинишдан асрайди. Исломда фақат Аллоҳнинг эътироф этилиши заминдаги бандаларнинг барини унинг қошида тенг шароитга кўяди, эътиқод тақводорни ўзини «Тангрининг сояси», «вакили» атаётганлар қошида қалтирамасликка ўргатади. «Байб Парвордигор», демак, бандалар гуноҳдан холи эмаслар, демак, уларга сифиниш ҳам жоиз эмас, демак, бу гуноҳкорлар ҳақида сўзламоқ мумкин. Бу Ислом плюрализмидир»<sup>11</sup>.

Улуғ тарихий бурилишлар даври мафкурасини белгилаган жаҳоний динлар инсоният тараққиётининг муайян босқичида

янги маънавий-руҳий зарурат, фикрий ва ҳиссий изланишлар эҳтиёжга жавоб тариқасида пайдо бўлганлиги сабабли маданий-маънавий ҳаётнинг ҳамма соҳасини қамраб олиб, ижодий кўтарилиш, тахаййул ва тасаввуротлар олами, ақлий ва бадий фаолият тарзига таъсир этиб келади. Айни вақтда, инсоннинг тўхтовсиз ижодий фаолияти динларнинг ўзига таъсир ўтказиб, хусусиятини кучайтириб туради, янги таълимотлар, мазҳаблар, қарашлар силсиласини вужудга келтиради<sup>12</sup>.

Дин шунчаки тарихий-маданий мерос, қадриятгина эмас, у инсоннинг олам ҳақидаги тасаввурларининг ифодаси, ўз «мен»ини топишга интилиши, маънавий-руҳий коммуникни излаш усули ҳамдир. «Ақл», «руҳ», «қалб», «эътиқод» деган тушунчалар мавжуд экан, инсон мавжуд борликдан зиёдроқ, улугроқ, юксакроқ бир нарсани қидиришдан тинмайди. Трансцендентал фикрлаш, хаёлотга берилиш, мавжудликдан ўзиш кишини маънавий идеал излашга ўргатади, кўпинча худо ана шундай идеал бўлиб кўрилади. Бироқ республикамиз дунёвий давлат, фуқаролик жамияти қурмоқда, бу дегани дунёвий қадриятлар камситилмайди, кишиларнинг реал ҳаётий ташвишлари дин байроғи остида мавҳумлаштирилмайди ёки Гегель айтганидек, «абсолют гоёларга қурбон қилинмайди. Миллий демократик тараққиёт диндаги реал ҳаётий талабларга жавоб берадиган қадриятларни дунёвий қадриятлар билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Дин кишиларнинг реал ҳаётий муаммоларни ечишига халақит бермаслиги, бошқаларнинг ҳуқуқларини топтамаслиги, мавжуд ҳаёт тарзини, сиёсий тузумни куч билан ўзгартиришга даъват этмаслиги лозим. Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган, давлат ҳам диннинг ички ишларига аралашмайди. Кишилар эътиқодни, қайси динга ишонишни ихтиёрий танлайдилар. Бу қоидалар, нормалар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларидан келиб чиқиб ўрнатилган. Динга ишониш, эътиқод қўйиш, эркин фикрлаш ҳар бир фуқаронинг ихтиёрий ишидир.

Шу билан бирга, давлат ва жамият диндорларнинг ижтимоий фаолиятига, хатти-ҳаракатларига бефарқ қарай олмайди. Дин кишилар онги ва турмуш тарзига интенсив таъсир қилишнинг кўп асрлик тажрибасига, усулларига эга. У инсон руҳи, қалби ва онгини тез ўзига жалб эта олади. Айниқса, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятлар яққол ўзини намоён қилганида, кишилардаги маънавий-

руҳий изланишларга иштиёқ, қизиқиш кучайганда дин фаол ҳаракатга келади. Аслида ҳам ислом фалсафаси ва унинг тармоқлари бўлган тавҳид, калом, тафсир, ҳадис инсоншунослик илмлари ва табиий фанлар ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиб, буларнинг ўзаро уйғун ривожланиш йўллари кашф этган, фан ва дин бир-бирига душман эмас, дўст эканлигини далиллаб берган<sup>12</sup>. Бу ўринда атоқли сўфий файласуф Муҳаммад Абу Ҳомид Ғаззолий, Шайх Нажмиддин Кубро, Ибн Арабий, Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, Мирзо Бедил ижоди ва асарларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин<sup>13</sup>.

Имом Ғаззолий дейди: «Инсон жавҳари аввал яралишда ноқислик ва камлик бирла халқ қилинубдир. Инсон меҳнат ва машаққатсиз бу нуқсонларидан қутулиб, камолга етмаги мумкин эмас»<sup>14</sup>. У дилни мамлакат (тана, вужуд) подшоҳи, ақлни вазир деб билади. Донишманд ёзади: «Одамнинг ҳақиқати ул нимарсадурки, камоли ва шарофати ани бирла бордур, яъни ақл бирладур. Ва ўзга сифатлар ғариб ва ориятдурки, ақлнинг мадади ва чокарлиги билан амалга ошмаса»<sup>15</sup>. Демак, Ғаззолий киши меҳнат, машаққат ва ақли орқали камолот топиши, ўз нуқсонларидан қутулиб кимиёи саодатга етиши мумкин, деган рационалистик хулоса чиқаради.

Хўш, диннинг демократик тараққиётга қандай дахли бор? Бу саволга тасаввуфшунос олим Н. Комилов шундай жавоб беради: *Биринчидан*, тасаввуф халқимиз руҳиятига, маънавиятига сингиб, Шарқ фалсафаси, адабиёти ва санъатида чуқур из қолдирган. Ҳар бир ўқимишли инсон ушбу тарихий-маданий меросдан хабардор бўлиши керак. *Иккинчидан*, тасаввуф инсоннинг ички оламини, унинг руҳий-маънавий дунёсини тадқиқ этган. Унда инсоннинг Илоҳ, Табиат, Коинот, Борлик билан муносабатлари очиб берилган. Бу тасаввуфнинг дунёвий илмлар билан боғлиқлигидан далолат беради. *Учинчидан*, тасаввуф покиза ахлоқ, эзгу амалларни кўпайтириш, ёмонликни, нафсни жиловлаш ҳақидаги илмдир. Тасаввуф — ҳаққа ташна зотларнинг қалб эътиқоди бўлиб, улар талпинар эканлар, ҳақ ва ҳақиқатни инсоннинг ўзидан излаш, Ер юзида ҳақиқат нуруни ёйиш учун курашганлар. Улар нафсни, бадахлоқликни тарк этган эдилар, аммо дунёни тарк этмаганлар. Билакс, дунёни эзгулик қонунини асосида қайта қуришга шайланган мардлар эдилар<sup>15</sup>. Демак, дин кишини эзгуликка, маънавий покликка, нафсни тийиб



яшашга ундайди. Республикамизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар негизида ҳам юксак маънавиятли баркамол авлодни шакллантириш мақсади ётади. Айнан шу мақсадда, нуқтада улар уйғундирлар.

Инсоннинг ижтимоий-маънавий камолоти демократик ислоҳотларимизга ҳам, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият куришдек стратегик мақсадимизга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Аслида дин ҳам ушбу мақсадга хизмат қилади. Шу ўринда, Н. Комиловнинг фикрларига яна мурожаат қиламиз. «Тасаввуфдаги комил инсон тушунчаси билан бизнинг тушунчаларимиз ўртасида фарқ бор, албатта. Ҳатто маърифатли ҳар кишини комил инсон дея олмаймиз. Тасаввуф таълимоти бўйича комил инсон аллақандай идеал, Худога яқин бир вужуд. Ўша ғайб оламидан оддий одамларга хабар берадиган, илми ўша ғайб илмига уланган кишидир. Албатта, маънавий баркамолликни ният қилар эканмиз,

идеалга интилишимиз керак бўлади. Хўш, идеалга интилиш нима дегани ўзи? Менимча, бу идеалнинг хислатларини ўзида синдира бориш, ўзида кашф этиш, пайдо қилиш, шакллантириш деганидир»<sup>17</sup>. Демак, маънавий комилликда киши идеалликни ахлоқан энг пок, энг мусаффо, энг етук тимсол сифатида хаёл этади ва ушбу идеалга етишга умр бўйи талпиниб яшайди.

Маънавий ҳаёт шахснинг бутун борлигида, одамлар ва жамият билан муносабатларида акс этади. Ушбу мураккаб муносабатлар шахсга турлича таъсир этади ва унинг маънавий ҳаётини турлича шакллантиради. Шунинг учун ҳам, маънавий дунёси мутлақ бир хил, ўхшаш кишилар йўқ, инсон бошқа инсондан руҳий-маънавий дунёси билан фарқ қилади. Лекин умумий ижтимоий-маънавий меъёрлар мавжуд, улар инсонийлик, поклик, меҳр-муҳаббат, эзгулик, халқпарварлик, ахлоқпарварлик, қаноат кабилардир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т., 2010. — Б. 19.

<sup>2</sup> Маънавий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. — Т., 2003. — Б. 7.

<sup>3</sup> Ўша жойда.

<sup>4</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.4. — Т., 1998. — Б. 25.

<sup>5</sup> Ўша манба. — Б. 10—11.

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. — Т., 2005. — Б. 339—340.

<sup>7</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.4. — Т., 1998. — Б. 25.

<sup>8</sup> Мудрецы Поднебесной. — Симферополь, 1998. — С. 47.

<sup>9</sup> Баркамол авлод орзуси. — Т., 1999. — Б. 77.

<sup>10</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. — Т., 1997. — Б. 3.

<sup>11</sup> Демократия ва инсон ҳуқуқлари. — Т., 1997. — Б. 46.

<sup>12</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. — Т., 1996. — Б. 3.

<sup>13</sup> Ғазолий Абу Ҳомид. Кимиёи саодат: (Рух ҳақиқати). — Т., 2005. — Б. 3.

<sup>14</sup> Ўша манба. — Б. 25.

<sup>15</sup> Ўша манба. — Б. 44.

<sup>16</sup> Комилов Н. Тасаввуф. Тавҳид асари. Иккинчи китоб. — Т., 1999. — Б. 195.

<sup>17</sup> Ўша манба. — Б. 196.

### **Разаков Д. Х., Хасанов Ш. Ш. Маънавий баркамоллик ва шарқона қадриятлар**

**Таянч иборалар:** маънавият, ахлоқ, одоб, демократия, шарқона демократия, дин, тасаввуф, идеал, маънавий ҳаёт.

Мақолада инсоннинг шаклланишида маънавиятнинг роли, Ғарб ва Шарқнинг демократик тамойиллари, Шарқ демократик тамойилларининг ахлоқий-маънавий қадриятларга асосланиши, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишда диний омилнинг ҳам қадриятлар тизимида ўз ўрнига эга эканлиги ҳақида фикр юритилган.

### **Разаков Д. Х., Хасанов Ш. Ш. Гармоничное духовное развитие и восточные ценности**

**Ключевые слова:** духовность, мораль, демократия, восточная демократия, религия, идеал, духовная жизнь.

В статье исследуется значение духовности в формировании гармонично развитой личности, рассматриваются принципы демократии Запада и Востока, подчеркивается важная роль морально-духовных ценностей, основанных на принципах демократии Востока, в процессах формирования демократического правового государства и гражданского общества в Узбекистане.

### **Razakov D. H., Hasanov Sh. Sh. Harmonious intellectual development and oriental values**

**Key words:** spirituality, morals, democracy, oriental democracy, religion, ideal, spiritual life.

The article deals with the role of spirituality in formation of the harmoniously developed person, considers principles of democracy of the East and the West, emphasizes the important role of moral and spiritual values based on the principles of democracy of the East in the processes of formation a democratic legal state and a civil society in Uzbekistan.

---

---

К. В. Джавакова\*

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ГЛОБАЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИОННОЙ СЕТИ В ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ ПРОПАГАНДЕ И ПРЕОДОЛЕНИИ ПРАВОВОГО НИГИЛИЗМА

*Законы должны иметь для  
всех одинаковый смысл.  
Шарль Монтескье*

На современном этапе развития общества, в эпоху глобализации решающую роль в жизни всех государств и народов мира приобретает информационная сфера. И Узбекистан здесь не исключение. Сегодня поиск новых, более совершенных инновационных методов повышения эффективности информационных технологий, всемерное содействие процессам информатизации, широкое внедрение их во все сферы жизни общества становится важнейшим направлением деятельности государства.

Очевидно, что эффективность государственного и общественного управления неразрывно связана со степенью проникновения информационных технологий в сферы общества. Однако информация, информационное общество должны служить прежде всего общей цели – постепенному повышению качества жизни граждан<sup>1</sup>, совершенствованию системы государственного управления и развитию гражданского общества.

Одной из основных задач гражданского общества является содействие в обеспечении высокого уровня доступности для населения информации и технологий, обеспечение эффективного информационного обмена, увеличение объемов и качества услуг в электронном виде и др.

В нашей стране во всех сферах жизни активно внедряются информационно-коммуникационные технологии. В целях дальнейшего совершенствования системы государственного управления, ускоренного внедрения современных информационных технологий и коммуникаций, системы «электронного правительства», информационных

систем в отраслях и сферах экономики страны, модернизации телекоммуникационной инфраструктуры и сетей передачи данных был издан Указ Президента Республики Узбекистан от 4 февраля 2015 г. «О создании Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан». Одной из основных задач министерства является обеспечение дальнейшего формирования национального сегмента сети Интернет, создание необходимых технических и благоприятных условий для развития современных отечественных веб-ресурсов различной направленности, в том числе сетевых ресурсов для удовлетворения информационных и интеллектуальных потребностей населения, особенно молодого поколения.

Известно, что XXI в. – это век стремительных скоростей, век информации и информационных технологий, когда основными факторами человеческого развития становятся интеллектуальные ресурсы, высокие технологии и современные знания<sup>2</sup>. Именно знания человека помогут ему вникнуть в суть информации, определив, насколько она верна и прогрессивна.

Действительно, знания, усвоенные индивидом, составляют основу как политического, так и правового сознания. А демократия, гражданское общество, обеспечение прав и свобод человека возможны только тогда, когда человек просвещен, когда он не просто потребитель благ демократии, а активный их создатель и защитник. Без глубоких изменений в сознании людей невозможны никакие общественные перемены. В

---

\* И.о. профессора кафедры политологии и философии Академии МВД Республики Узбекистан, доктор философских наук

---

---

то же время сознание — это не только знания, но и отношение к ним: главное — активное их использование для социальных преобразований. Неслучайно Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов отмечает: «Люди должны, если хотите, обязаны знать, как принимаются властные решения, как контролируется ход их исполнения, принимать активное участие в их выработке и реализации...»<sup>3</sup>.

Сегодня для совершенствования политико-правовой культуры личности в нашей стране, преодоления правового нигилизма необходимо использовать все условия информационного общества для повышения объема и качества политико-правовых знаний наших граждан. Что для этого нужно?

Прежде всего — создание адекватной правовой инфраструктуры, законодательного обеспечения реформ, широкого доступа граждан к процессу управления государством. Выступая на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, И. Каримов подчеркнул: «К обсуждению проектов законов, особенно тех актов законодательства и решений, которые прямо затрагивают жизненно важные интересы, социальные права населения, необходимо широко привлекать общественность, представителей гражданских институтов. Поскольку основу государственного управления составляет закон, то в законотворческой деятельности самое активное участие должны принимать институты гражданского общества. В этой связи важной задачей является обеспечение открытости деятельности палат парламента, всестороннее информирование общественности о его законотворческой, контрольно-аналитической работе»<sup>4</sup>.

Конечно, в этом направлении проделана огромная работа, однако, учитывая стремительные скорости всех процессов в мире, необходимо эффективно совершенствовать вопросы повышения уровня правового сознания и правовой культуры наших граждан, воспитания у граждан чувства уважения к Закону. Важно активнее вовлекать широкие слои населения, заинтересованных субъектов в нормотворческую деятельность государственных органов, осуществлять последующее разъяснение населению положе-

---

---

ний вновь принимаемых нормативных правовых актов. Одним словом, законодательная пропаганда должна дойти до широких масс людей. И в этом существенную помощь может оказать глобальная информационная сеть.

Роль и значение глобальной сети проявляется в том, что в условиях развития информационного общества существенно возрастает влияние электронных средств массовой информации, сосредоточенных в глобальной сети Интернет, — многочисленных социальных сетей, блогов, форумов и иных средств активного общения.

В Узбекистане формирование Интернет-пространства и вхождение в мировую сеть приходится на 1993–1994 гг. Тогда были заложены законодательные основы информатизации и охраны программной продукции. Активное развитие в Узбекистане сеть Интернет получила в последние годы, когда ряд программ по ее развитию и становлению были инициированы руководством страны<sup>5</sup>. Сегодня в Узбекистане постоянно растет число веб-сайтов доменной зоны «uz». Так, количество активных доменов по состоянию на январь 2015 г. составило более 18 тысяч, а число пользователей Интернетом в стране — около 11 миллионов<sup>6</sup>. При этом пропускная способность Интернета в республике увеличена в четыре раза, а скорость доступа — в 1,5 раза. Наряду с этим стоимость Интернета, по сравнению с прошлым годом, снижена на 11,6 %<sup>7</sup>.

С появлением и распространением Интернета он стал сам по себе во многом использоваться как средство массовой коммуникации, и в его рамках стали действовать традиционные средства массовой коммуникации, появились интернет-СМИ. «Все более важную роль играют интернет-сайты, интернет-радио и интернет-телевидение. Программы и передачи телерадиоканалов Узбекистана через глобальную сеть в режиме реального времени транслируются на многие государства мира, большая часть отечественных СМИ имеет свои веб-сайты. Естественно, это служит укреплению позиций нашей страны в международном медиапространстве»<sup>8</sup>.

Благодаря развитию интернет-СМИ количество людей, предпочитающих читать

---

бумажную прессу, с каждым годом сокращается. Так, опросы общественного мнения в 2009 г. Показывали, что только 19 % жителей США в возрасте от 18 до 35 лет просматривают бумажную прессу. Средний возраст читателей бумажных газет в США равен 55 годам. Общий тираж выпускаемых в США газет с 1989 по 2009 г. сократился с 62 млн. до 49 млн. экземпляров в день<sup>9</sup>. По разным данным, в конце 2000 г. в мире насчитывалось около 400 млн. пользователей Интернета. Для сравнения: для охвата 50 млн. человек радио потребовалось 38 лет, а телевидению – 13<sup>10</sup>.

Что же такое глобальная сеть? Глобальная сеть – это объединение компьютеров, расположенных на большом расстоянии друг от друга, для общего использования мировых информационных ресурсов. В настоящее время для обеспечения связи в глобальных сетях выработаны единые правила – технология Интернет. Эти правила устанавливают: единый способ подключения отдельного компьютера или локальной сети к глобальной; единые правила передачи данных; единую систему идентификации компьютера в сети (сетевой адрес).

В связи с тем, что Интернет, чаты, социальные сети являются разновидностью массового воздействия на сознание населения, следует активнее использовать их для проведения законодательной пропаганды, преодоления правового нигилизма, организации правового всеобуча и праворазъяснительной работы как одного из главных направлений правовой политики нашего государства. «Воспитание в людях правовой культуры, пропаганда правовых знаний должны стать одной из основных наших задач, – отмечает Президент И. Каримов. – Пока каждый член общества не будет четко знать свои права и обязанности, пока они не станут для него жизненной нормой, все наши реформы, стремления к обновлению, все наши действия не дадут должных результатов»<sup>11</sup>.

К сожалению «недостаточный уровень правового сознания, правовой культуры у наших граждан приводит к разрушению критериев справедливости в обществе»<sup>12</sup>, к правовому нигилизму. Правовой нигилизм (от лат. nihil – ничто, ничего) – отрицание

права как социального института, системы правил поведения, которая может успешно регулировать взаимоотношения людей. Такой юридический нигилизм заключается в отрицании законов, что может приводить к противоправным действиям, анархии и в целом, тормозить развитие правовой системы.

Речь идет о сознательном игнорировании права обществом. Причем правовой нигилизм подразделяется на бытовой, когда человек не знает закон, и философский, когда мировоззрение личности отрицает социальную роль права. В то же время правовой нигилизм может наблюдаться у людей, активно взаимодействующих с правом в качестве номинального института, но реально для реализации своих интересов использующих коррупцию и иерархические структуры. К примеру, бездействие, принятие необходимых мер правоохранительными органами, произвольное толкование закона и др. Однако суть заключается в отсутствии уважения к праву, когда человек в своих действиях руководствуется чем угодно, только не законом.

Зачастую основной причиной правового нигилизма становится знание людей о том, что законы не исполняются. Когда человек узнаёт о правонарушении, за которым не последовало наказание, его вера в силу закона падает и может упасть до такого уровня, что он вообще не будет учитывать закон в своих действиях, дойдя до крайности – правового нигилизма. К сожалению, все сложности в обществе возникают из-за недооценки права. Правовой нигилизм приводит к преградам, торможению процессов реформирования нашего общества. Преодоление же правового нигилизма – весьма сложный и длительный процесс.

Опыт показывает, что там, где активно ведется правовая пропаганда среди работников государственного аппарата, актива органов власти и управления на местах, заметно сокращается число незаконных и необоснованных приказов, решений и иных нормативных актов, меньше допускается нарушений прав и законных интересов граждан. Следовательно, нужно повсюду активизировать эту серьезную комплексную работу, предполагающую взаимодействие пра-

---

---

воохранительных органов с другими государственными органами, общественными объединениями, ННО и СМИ. Особое внимание следует обратить на все слои населения, повышать правовые знания, правовой кругозор, правовую культуру, прежде всего молодежи, чтобы каждый знал свои права и умел их отстаивать<sup>13</sup>.

В целях повышения уровня правовой культуры населения, обеспечения широкого доступа юридических и физических лиц к нормативно-правовым актам, совершенствования системы правовой информатизации общества и поэтапной систематизации действующего законодательства Кабинет Министров постановил ввести с 1 сентября 2000 г. государственный учет всех нормативно-правовых актов Республики Узбекистан<sup>14</sup>. Только в 2011 г. органами юстиции проводилась разъяснительная работа в более чем в 204 тысячах мероприятий с участием свыше 3,2 миллиона человек. Кроме того, в 2011 г. издано и распространено свыше 400 тыс. экз. сборников законов, а также книг и журналов в юридической сфере. Для образовательных учреждений подготовлено 20 тыс. экз. 9 наименований учебно-методических пособий<sup>15</sup>.

Сегодня граждане страны бесплатно пользуются созданной Министерством юстиции Системой поиска правовой информации Lex.Uz. Действует официальный сайт Министерства юстиции, на котором граждане могут получить информацию о министерстве, его деятельности, интерактивных услугах, о международном сотрудничестве, законодательстве, о публикациях и изданиях и др.

Через глобальную информационную сеть государственные организации могут осуществлять правовое просвещение граждан, а именно обеспечивать качественное информирование граждан о вопросах права, о новшествах в законодательстве. Необходимо и дальше расширять доступ граждан к информационно-правовым системам.

Но, на наш взгляд, и этого недостаточно, поскольку наличие возможности получения нормативно-правовых актов не является гарантией их применения. Как говорил известный мыслитель Юстиниан, «знать законы — значит воспринимать не их сло-

ва, а их содержание и значение». Очень важно разъяснение конкретных норм, изложение их содержания простым языком, объяснение каждого требования и правила, т.е. комментариев. Без этих факторов невозможно повысить правовую грамотность населения.

Законодательная пропаганда через глобальные сети необходима и актуальна, так как она помогает нашим гражданам получить важную информацию, которая поможет им в их повседневной жизни. В частности, законодательная пропаганда через глобальные сети должна разъяснять не только нормы уголовного и уголовно-процессуального законодательства, но и комментировать нормы гражданского, жилищного, семейного, земельного права, законы об охране здоровья, природоохранное законодательство. Ведь в судах в порядке гражданского судопроизводства, а также в арбитражных судах рассматривается немало конфликтных ситуаций, возникновение которых связано только с незнанием законов ее участниками.

Одним словом, законодательная пропаганда через глобальные сети должна быть доступной, т.е. следует обращать внимание на те вопросы, которые близки нашим гражданам, касаются их повседневной жизни. Комментирование законодательных норм, пояснения, сделают их максимально доступными для массового сознания.

Таким образом, использование глобальной информационной сети в законодательной пропаганде будет способствовать:

- повышению правовой культуры и правосознания граждан;
- массовому правовому просвещению, правовому воспитанию;
- укреплению законности, правопорядка, государственной дисциплины;
- уважительному отношению к личности человека, обеспечению его прав и свобод;
- подготовке высококвалифицированных кадров юристов;
- судебной-правовой реформе и, соответственно, преодолению правового нигилизма.

Вместе с тем беспрепятственный доступ граждан к юридической и правовой по-

---

---

мощи через глобальные сети будет содействовать дальнейшему укреплению режима законности, соблюдению конституционных прав и свобод человека и гражда-

нина, обеспечению устойчивого социального, экономического и политического развития страны, укреплению нашей государственности.

<sup>1</sup> См.: Каримов И. А. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т., 2008. — Б. 111.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Основные направления дальнейшего углубления демократических преобразований и формирования основ гражданского общества в Узбекистане // Избранный нами путь — это путь демократического развития и сотрудничества с прогрессивным миром. Т.11. — Т., 2003. — С. 15.

<sup>3</sup> См.: Каримов И.А. Узбекистан, устремленный в XXI век. — Т., 1999. — С. 20.

<sup>4</sup> Каримов И. А. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово. — 2015. — 24 янв.

<sup>5</sup> См.: Нурназаров Р. К. Некоторые аспекты обеспечения информационной безопасности в Узбекистане и ее место в развитии юридической науки // Хуқуқ — Право — Law. — 2004. — № 3. — С. 29–30.

<sup>6</sup> См.: Активно участвовать в жизни общества // Народное слово. — 2015. — 28 янв.

<sup>7</sup> Каримов И. А. Создание в 2015 году широких возможностей для развития частной собственности и частного предпринимательства путем осуществления коренных структурных преобразований в экономике страны, последовательного продолжения процессов модернизации и диверсификации — наша приоритетная задача / Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2014 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической пропаганды на 2015 год // Народное слово. — 2015. — 17 янв.

<sup>8</sup> См.: Каримов И. А. Работникам печати и средств массовой информации // На посту. — 2013. — 29 июня.

<sup>9</sup> См.: Цуладзе А. М. Большая манипулятивная игра. — М., 2000. — С. 100–101.

<sup>10</sup> См.: Контуры мировой политической структуры мира // Политология. — М., 2005. — С. 541.

<sup>11</sup> См.: Каримов И. А. Справедливость должна быть основой нашей деятельности // Свое будущее мы строим своими руками. Т.7. — Т., 1999. — С. 239.

<sup>12</sup> Там же. — С. 245.

<sup>13</sup> См.: Каримов И. А. Наша высшая цель — независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа / Доклад на первой сессии Олий Мажлиса Республики Узбекистан второго созыва. 22 января 2000.

<sup>14</sup> Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 5 августа 2000 г. «О мерах по совершенствованию систематизации законодательства и упорядочению распространения правовой информации» // www.lex.uz.

<sup>15</sup> Правовая культура — основа демократического государства. 12 марта 2012 г. // www.uz.uz.

**Джавакова К. В. Қонунчилик тарғиботини олиб бориш ва ҳуқуқий нигилизми бартараф этишда глобал ахборот тармоғининг роли ва аҳамияти**

**Таянч иборалар:** қонунчилик тарғиботи, глобал ахборот тармоғи, интернет, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий нигилизм.

Мақолада қонунчилик тарғиботини олиб бориш ҳамда ҳуқуқий нигилизми бартараф этишда глобал ахборот тармоғининг роли ва аҳамияти кўриб чиқилади, шунингдек Ўзбекистон давлатининг ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги сиёсати таҳлил қилинади.

**Джавакова К. В. Роль и значение глобальной информационной сети в законодательной пропаганде и преодолении правового нигилизма**

**Ключевые слова:** законодательная пропаганда, глобальная информационная сеть, интернет, правовая культура, правовое сознание, правовое воспитание, правовой нигилизм.

В статье рассматриваются роль и значение глобальной информационной сети в законодательной пропаганде и преодолении правового нигилизма, а также анализируется государственная политика Узбекистана в области информационных технологий и коммуникаций.

**Djavakova K.V. Role and significance of the global information network in legislative propaganda and overcoming of legal nihilism**

**Key words:** legislative propaganda, global information network, internet, legal culture, legal consciousness, legal education, legal nihilism.

The article discusses the role and importance of the global information network in legislative propaganda and overcoming of legal nihilism, analyzes the state policy of Uzbekistan in the field of information technologies and communications.

Н. П. Азизов\*

**ТУРКИСТОН СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ДАСТУРЛАРИДА ИНСОН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ**

Фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини белгилаш, уларнинг амалда таъминланишига эришиш, ишчилар масалалари XX аср бошларида Туркистон сиёсий партиялари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири саналган. Жамият, гуруҳлар ва алоҳида шахсларнинг у ёки бу партияга муносабати инсон ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг нечоғлик ифодаланганлиги билан белгиланган. Партиялар ўз дастурларида мазкур масалага ўта жиддий эътибор қаратганлар ва уни батафсил ифодалашга ҳаракат қилганлар.

Маълумки, жамият тараққиёти, инсон фаровонлиги, обод турмушининг негизини мулк, мулкчилик масалалари ташкил этади. Мулк, мулкчилик, мулкдорларга муносабатда сиёсий партиялар бир-бирига қарама-қарши гуруҳга бўлиниб кетганлар. Улардан *биринчи* гуруҳи мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузум инсонни таназзулга юз тутишга сабаб бўлаётганлигини, шу сабабли амалдаги мулкчилик муносабатларини йўқ қилиб, хусусий мулкка чек қўйиш, оммавий мулкни жорий, этиш билан бундай ҳолатдан чиқиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Бунга социал-демократлар, социалист-инқилобчилар партиялари мисол бўла олади; *иккинчи* гуруҳ мавжуд ижтимоий иқтисодий тузумни сақлаб қолиш, мулкчилик муносабатларини ривожлантиришни ёқлаб чиққан партиялар. Бундай партиялар сирасига конституцион-демократлар, «17 октябрь иттифоқи», «Шўрои Исломия», «Шўрои Уламо» кабиларни киритиш мумкин.

Социал-демократлар ва социалист-инқилобчилар хусусий мулк ва шунга асосланган мулкчилик муносабатлари жамият тараққиётига тўсқинлик қилаётганлиги, жами мулкнинг жамият аъзоларининг озчилик қисми қўлида тўпланиши меҳнаткашлар оммасининг оғир ва ночор аҳволга солиб қўяётганлигини таъкидлаганлар. Шу сабабли, мавжуд хусусий мулкка асосланган муносабатларга барҳам бериб, ижтимоий мулкни шакллантириш лозим деб билиб, шу йўлда кураш олиб борадилар.

Уларнинг фикрича, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкни йўқ қилиш, уни ижтимоий мулкка айланттириш, ижтимоий-ишлаб чиқаришни режали асосда ташкиллаштиришни жорий этиш, жамият барча аъзоларининг фаровонлигини ва ҳар томонлама ривожланишини таъминлайди<sup>1</sup>.

Социал-демократлар партияси Туркистонда ҳокимиятни ўз қўлига олишининг биринчи кунидан бошлаб иқтисодиётни умумлаштириш, ишлаб чиқаришни национализациялаштириш йўлидан борди. 1918 йил 20 апрелда Тошкентда ўлка ишчи, солдат, деҳқон депутатларининг V съезди ўз ишини бошлади. Унда саноатни национализациялаштириш масаласи муҳокама этилди. Мазкур масала бўйича большевиклар ва сўл эсерлар томонидан ишлаб чиқилган резолюциялар муҳокамага қўйилди. Большевикларнинг саноатни национализациялаштириш бўйича резолюцияси 80 киши ёқлаб, 97 киши қарши, 15 киши бетараф қолиб, сўл эсерлар таклиф этган резолюцияни 94

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курслари юридик фанлар цикли бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

---

---

киши ёқлаб, 82 киши қарши, 17 киши бетараф қолиб овоз берди.

Лекин большевиклар овоз бериш натижаларини тан олишдан бош тортиб, ўз резолюцияларини ўтказишга муваффақ бўлганлар. Съездда сўл эсерлар ва коммунистлар томонидан ишлаб чиқилган резолюциялар қабул қилинганлиги, охириги таҳрирдан ўтказиш ва эълон қилиш учун Туркистон МИКқа топшириш тўғрисида қарор қабул қилинган<sup>2</sup>.

Съезднинг коммунистик фракцияси томонидан саноатни национализациялаштириш бўйича қуйидаги резолюция эълон қилинган: Туркистон саноат корхоналарини национализациялаштириш масаласи декларатив тарзда ҳам эмас, ҳам маҳаллий манфаатларни ҳимоя қилиш тарзида ҳам кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги; Россия миқёсида саноатни национализациялаштириш билан умумий алоқада туриб, Туркистонда саноатни национализациялаштириш пролетар оммасининг синфий манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан ўтказилиши лозимлиги; Советларнинг V съезди коммунист-большевиклар фракцияси ўз фаолиятини пролетар оммаси ва камбағал деҳқонларнинг манфаатини ҳимоя қилиш принциpidан келиб чиқиб ташкил этади. Национализация ва социализация каби икки тushунчани қатъий фарқлаган ҳолда фракция айни вақтда фақат национализациялаштиришни таклиф этади. Қлқадаги ишлаб чиқаришнинг суғориш, ёқилғи, қишлоқ хўжалиги, пахта, темир, тоғ металлургияси, балиқчилик ва бошқа соҳаларини национализациялаштириш гоясини съезд олдига қўйиши уқтирилади<sup>3</sup>.

Социал-демократлар (большевиклар) ҳокимият тепасига келгандан сўнг мулкчилик масаласида ўз гояларини амалга ошира бориб, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, бой ва ўрта ҳол деҳқонларни қулоқлаштириш йўлини тутдилар. Унда улар ўз раҳбарларининг «Қулоқлар совет ҳокимиятининг ашаддий душманларидир. Ё қулоқлар беҳисоб кўп ишчиларни қириб ташлайдилар, ё халқнинг озчилигини таш-

кил этган қулоқларнинг меҳнаткашлар ҳокимиятига қарши кўтарган босқинчилик кўзғолонини ишчилар раҳмсизлик билан тор-мор келтирадилар. Бунда ўрта йўлнинг бўлиши мумкин эмас. Асло ярашиб бўлмайди: қулоқни помешчик, подшо ва поп билан, ҳатто улар аччиқлашиб қолган тақдирда ҳам яраштириш мумкин ва осон, лекин ишчилар синфи билан ҳеч вақт яраштириш мумкин эмас. Шу сабабли қулоқларга қарши жангни биз охириги ва кескин жанг деб атаймиз... Бу қулоқларга қарши аёвсиз уруш очмоқ керак! Уларга ўлим! Уларни ҳимоя қилувчи партияларга: ўнг эсерлар, меньшевиклар ва ҳозирги сўл эсерларга минг лаънат»<sup>4</sup>. деган сўзларини дастуриламал амал қилиб олганлар: Бу «доҳий»нинг, инсон қиёфасидаги махлуқнинг сўзи билан миллионлаб инсонлар азиз жонидан, молумулкидан, соғлиғидан айрилганлар. Махсус ташкил этилган қамоқхоналарда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган азоб-уқубатларга дучор бўлганлар.

Мазкур сиёсат натижасида республика бўйича 4801 та хўжалик «қулоқ хўжалиги» деб топилиб тугатилди, 23036 та хўжаликнинг ери «ортиқча ер» деб тортиб олинди. Республиканинг ер жамғармасига 474393 десятина ер кўшилди. Ерлар билан бирга деҳқонларнинг иш ҳайвонлари, меҳнат қуроллари, асбоб-ускуналари ҳам мусодара қилинди<sup>5</sup>.

Коммунистларнинг «қулоқларга қарши кураш сиёсати» қандай оқибатга олиб келганлигини, профессор Р.Шамсуддинов келтирган фактлар исботлайди. Олимнинг таъкидлашича, «1930 йилда Ўзбекистонда 750 минг деҳқон хўжалиги бўлиб, шундан 40 минги (қарийб 6 фоизи) қулоқ сифатида ҳибсга олиниб, суд қилинган ёки Украина ва Шимолий Кавказга, Қрта Осиёнинг янги ўзлаштирилган чўл туманларига бадарга этилган. Агар ўзига тўқ ўзбек оилалари кўп сонли, ҳар бири камида 8-9 жондан иборат бўлганлигини инобатга олсак, 1930-1932 йиллардаги қулоқлаштириш даврида республикамининг 350-400 минг аҳолиси жабр кўрганлигини билиш мумкин<sup>6</sup>.



---

Кўриниб турибдики, большевиклар бир томондан, жамият ва давлат ҳаёти учун энг муҳим бўлган соҳаларни ўз қўлларига тўплашни мақсад қилиб қўйган бўлсалар, иккинчи томондан, «инқилобни сақлаб қолиш», «ташқи агрессорларга қарши кураш», «очарчиликнинг олдини олиш», «меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш» каби шиорлар билан ўлка халқларининг бойликларини талаганлар. Мусодара қилиш, талончилик, национализациялаштириш орқали тўпланган ҳисобсиз мол-мулк ўлкадан олиб чиқиб кетилди. Инқилобнинг хорижий бюрократлари хусусий мулки янада кўпайтирилди.

Мулк масаласида социалист-инқилобчилар партияси социал-демократларга яқин нуқтаи-назарни қўллаб-қувватлаган. Уларнинг фикрича, инсоннинг табиат устидан ҳокимлиги жамиятда тарқоқ хўжалик бирликларининг буржуа рақобатлашуви, ишлаб чиқариш асосида хусусий мулкчилик, унинг капиталга айланганлиги, ишлаб чиқарувчи кучни ўта эксплуатация қилиш ёки уларни капиталга бўйсундириш остида амалга оширилади.

Эксплуататорлар синфи ренталар, ҳамма шаклдаги капиталдан даромад олиш ва меҳнаткашлар оммасининг солиқ юкини ошириш орқали ўзининг мавжудлигини абадийлаштиришга уринмоқда. Синдикатлар, картеллар ва трестлар орқали улар ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш жойларини худбинлик билан эгаллашга интилди<sup>7</sup>.

Социалист-инқилобчилар хусусий мулкни мулкдорлар қўлидан тортиб олиш орқали мулкни умумлаштириш, яъни экспроприация қилиш асосида ишлаб чиқариш ва ижтимоий тузумни қайта ташкил этишни лозим топишган.

«Алаш» партияси дастурида мулкчилик масаласида ер ва сувга алоҳида эътибор қаратилади. «Алаш»чилар ерни сотиш мумкин эмас, деган нуқтаи назарни қўллаб қувватлаганлар. Уларнинг фикрича, Таъсис мажлисида ер тўғрисида қонун ишлаб чиқарилаётганда биринчи навбатда ерни (маҳаллий) аҳолига бериш кўзда тутилиши лозим. Кўчиб келган деҳқонларга ер маҳаллий

---

аҳолига ер бўлиб бериш тугалланмагунча амалга оширилмаслиги керак. Қирғизлардан илгари кўчиб келганларга тортиб олиб берилган ерлар қайтариб берилиши керак. Қирғизлар маҳаллий комитетдан ернинг энг унумдор жойларини олиши лозим. Ортиқча ер участкалари маҳаллий ҳокимиятга тегишли бўлиши керак, чунки улар янги тугилганларга мана шу ердан бўлиб беришади. Туркистонда ерни бўлиш билан бирга сувни ҳам бўлиш лозим. Ердан фойдаланиш алоҳида оила билан эмас, балки район ва овулдаги уруғлар билан амалга оширилиши шарт. Ерни сотиш қатъиян тақиқланади. Ернинг барча бойликлари — ўрмон, дарё давлатга тегишли ва ҳокимият томонидан бошқарилади<sup>8</sup>.

Ишчилар масаласи, меҳнаткашлар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, иш вақтини чеклаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, кексайганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда таъминот олиш ҳуқуқи кабиларга партиялар дастурларида алоҳида эътибор қаратилган.

Аксарият партиялар дастурларида ишчилар масаласи алоҳида банд ёки бўлим сифатида кўриб чиқилган. Мазкур соҳада ҳал этилиши лозим бўлган асосий талаблар қуйидагилардан иборат бўлган: *биринчидан*, меҳнатнинг давомийлигини муайян вақт билан чеклаш, ёш болалар ва вояга етмаганлар учун қисқартирилган иш вақти жорий этилиши; *иккинчидан*, ишчи ва оиласининг турмуш шароитини яхшилашга етадиган тарзда меҳнатга адолатли ҳақ тўланиши; *учинчидан*, аёллар ва болалар меҳнатининг муҳофаза этилиши, уларнинг соғлиғига зарар етказадиган тармоқларда меҳнат қилишига йўл қўймаслик; *тўртинчидан*, меҳнат қонунчилиги талабларининг ижросини таъминлаш, ишчилар вакиллари ва ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан меҳнатнинг назорат этилиши; *бешинчидан*, ишчиларнинг яшаш ва турмуш шароитларини яхшилаш ва бошқалар.

Ишчилар масаласи социал-демократлар партияси дастурида жуда кенг даражада ўз ифодасини топган. Ишчилар синфининг жисмоний ва маънавий таназулга юз тутишининг олдини олиш ҳамда унинг озодлик

---

ҳаракатида лаёқатини ривожлантириш мақсадида социал-демократлар партияси томонидан барча ёлланма ишчилар учун иш кунини 8 соатлик қилиб чеклаш; халқ хўжалигининг барча тармоқларида ҳар икки жинсдаги ёлланма ишчилар учун узлуксиз давом этган 42 соатдан сўнг қонун йўли билан ҳафталик дам олиш кунини белгилаш; муддатидан ортиқ ишларни тўлиқ тақиқлаш; истисно тариқасида ишчи ташкилотлари томонидан маъқулланган, техник нуқтаи назардан сўзсиз шарт бўлганлардан ташқари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида тунги меҳнатни тақиқлаш талаблари илгари сурилган<sup>9</sup>.

Маълумки, ўша даврларда ёш болалар, аёллар меҳнатидан фойдаланиш одатий тусга кирган. Тадбиркорлар мутахассис эркакларга қараганда бир неча баробар ҳақ тўлаш ҳисобига ишлаб чиқаришга мактаб ёшидаги болалар, аёллар меҳнатидан фойдаланиш тобора авж олиб борган. Шу сабабли, социал-демократлар тадбиркорларга мактаб ёшидаги болалар (16 ёшга қадар) меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш ва ўсмирларнинг (16-18 ёш) меҳнатини 6 соат билан чеклаш; аёллар организми учун зарарли бўлган тармоқларда, уларнинг меҳнатидан фойдаланишни тақиқлаш; бола туғилгунига қадар 4 ҳафта ва бола туғилганидан сўнг 6 ҳафта давомида, шу вақт давомида одатий миқдордаги иш ҳақини сақлаш шарти билан, меҳнатдан озод қилиш; аёллар меҳнат қилаётган барча завод, фабрика ва бошқа корхоналарда эмизикли ва ёш болалар учун болалар боғчаси ташкил этиш; болани эмизадиган аёлларни ҳар уч соатда ярим соатдан кам бўлмаган вақтда ишдан озод этиш гоёларини илгари сурганлар.

Ишчилар ҳаёти ва соғлиғини суғурталаш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланишига эришиш, иш ҳақидан чегирмаларни бекор қилинишига эришиш, ишчилар вакиллари томонидан меҳнатнинг назорат қилинишига эришиш муҳим саналган. Дастурда капиталистларга махсус солиқ солиш йўли билан ташкил этилган алоҳида жамғарма ҳисобидан ишчиларнинг кексайганда, меҳнат қобилиятини тўлиқ ёки қисман йўқотганда

давлат суғуртасини жорий этиш; иш ҳақини маҳсулотлар билан тўланишини тақиқлаш; ишчиларни ёллаш тўғрисидаги барча шартномалар бўйича пул тўловлари тўлашнинг ҳафталик муддатини белгилаш ва иш ҳақини иш вақтида бериш; тадбиркорларга нима муносабати билан ва қандай мақсадда амалга оширилишидан қатъи назар, иш ҳақидан ушлаб қолишни тақиқлаш; халқ хўжалигининг барча тармоқларида тегишли миқдордаги фабрика инспекторларини тайинлаш ва ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган барча корхоналарда фабрика инспекторлари назоратини ўрнатиш (уй хизматкорлари меҳнати бу назорат соҳасига киради); аёллар меҳнати қўлланиладиган тармоқларда аёллардан инспекторларни тайинлаш; фабрика қонунчилиги ижросини назорат этиш ҳамда нархларни белгилаш, маҳсулотни қабул қилиш ва сифатсизлигини аниқлаш бўйича ишчилар томонидан сайланган ва давлат томонидан ҳақ тўланадиган вакилларнинг иштироки таъминланиши уқтирилади<sup>10</sup>.

Ишчиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг яшаши учун ажратилган биноларнинг ҳолатини назорат қилиш, меҳнатни муҳофаза этиш, тадбиркорларнинг меҳнат қонунчилигини бузганлиги учун жавобгарлигини белгилаш кабиларга эътибор қаратилган. Социал-демократлар тадбиркорлар томонидан ишчиларга ажратилган яшаш биноларининг санитария ҳолатини, бу биноларнинг ички тартибини, уларни ижарга бериш шартлари устидан ишчилардан сайланган вакиллар иштирокида ўзини ўзи бошқариш органларининг назорати ўрнатилишини; ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган барча корхоналарда тўғри ташкил этилган санитар назоратини жорий этиш, врачлик-санитария ташкилотларининг тадбиркорлардан тўлиқ мустақиллигини таъминланишини; меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун тадбиркорларнинг жиноий жавобгарлигини белгиланишини; халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишчилар ва тадбиркорларнинг тенг вакилларидан иборат судларни ташкил этилишини; маҳаллий ўзини ўзи бошқариш

---

органларига маҳаллий ва бошқа жойлардан келган ишчиларни ёллаш бўйича, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида воситачи ташкилотларни таъсис этиш вазифаси юкланишини талаб қилганлар<sup>11</sup>.

Социалист-инқилобчилар ва конституцион-демократлар партиялари дастурларида ишчи масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Уларда социал-демократлар партиясининг дастурий ғоялари анча чекланган тарзда баён этилган. Бунда иш вақтини қисқартириш; меҳнатни назорат қилиш; аёллар ва болаларнинг меҳнатини тартибга солиш; ишчилар ва тадбиркорларни муросага келтириш комиссияларини ташкил этиш; барча турдаги суғуртани жорий этиш; меҳнат қонунчилигини бузганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш кабилар кўзда тутилди<sup>12</sup>.

«17 октябрь иттифоқи» партияси дастурида бошқалардан фарқ қилган ҳолда ишчилар масаласида аниқ талаблар қўйилмаган, балки меҳнатни муҳофаза этиш учун умумий йўналишларни белгилаб бериш билан чекланган эди. Унда ишчи масаласи энг муҳим масалалардан бири эканлиги, шу сабабли Давлат думаси томонидан жиддий эътибор қаратишга лойиқлиги уқтирилади. Дума маърифий, саноати ривожланган мамлакатларда қабул қилинган асосларда, ишчилар тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш, такомиллаштириш ва кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйиши лозим. Ишчилар ва уларнинг оиласини касаллик, ногиронлик ва ўлими ҳолатида таъминлаш, меҳнатнинг барча турларида ишчиларни суғурталашни амалга ошириш чораларини кўриш; соғлиғи учун зарарли ишлаб чиқариш соҳаларида аёллар ва болаларнинг иш вақтини қисқартириш шулар жумласидандир<sup>13</sup>.

Ишчиларнинг манфаатини ҳимоялаш чоралари сифатида, касаба уюшмаларга уюшиш ва намоийшлар ўтказиш эркинлигига эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозимлиги, иқтисодий курашнинг бу шартларини қонунчилик йўли билан тартибга солиш ғояси илгари сурилади. Бунинг учун бир то-

мондан, уюшмага аъзо бўлиш ёки намоийшда иштирок этишда мажбурлаш усули сифатида шахс устидан зўрлик ишлатилиши ва мулкка тажовуз қилиш ҳолатларининг олдини олиш, иккинчи томондан, аҳолининг соғлиғи ва ҳаёти, жамият ва давлатнинг ўта муҳим манфаатлари, давлат хавфсизлиги, мудофаа манфаатлари боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, корхона ва муассасалар алоҳида гуруҳга ажратилиши лозим. Давлат аҳамиятига молик бўлган бундай тармоқларда ишлаш ва хизмат қилиш, ишчи ва хизматчиларнинг манфаатини ҳимоя қиладиган махсус қонунчиликка асосланиши керак<sup>14</sup>.

Социал-демократларнинг ишчилар масаласидаги ғоялари маҳаллий партияларга ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Маҳаллий партияларнинг дастурлари таҳлили шуни кўрсатадики, уларда ишчилар масаласи бир қадар чекланган тарзда ифодаланган, энг умумий йўналишлар кўрсатиб ўтилган. Баъзи бир дастурларда мазкур масала юзасидан у ёки бу партия дастурига қўшилиши кўзда тутилиши билан чекланган. Масалан, «Алаш» партияси дастурида фабрика ва заводларнинг, шу жумладан, ишчиларнинг кам сонлиги сабабли, мазкур масалада социал-демократлар (меньшевиклар) партияси дастурини қўллаб-қувватлаши кўрсатиб ўтилган, холос<sup>15</sup>.

Иккинчи думадаги мусулмон парламент фракцияси ва «Турк адами марказият» партияси дастурларида ишчилар масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Унда илгари сурилган ғоялар конституцион-демократлар партияси дастурида ифодаланган ғояларга жуда яқин.<sup>16</sup> Ундан фарқли равишда жума кунининг мусулмонлар учун дам олиш куни сифатида белгиланиши ҳамда мусулмонларни христиан байрамларини нишонлашдан озод этишни қонунчилик йўли билан тартибга солиниши лозимлиги ифодаланган<sup>17</sup>.

Шундай қилиб, Туркистон сиёсий партиялари фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ғояларини ўз дастурларида ифодалаб, шу йўлда кураш олиб борганлар.

---

---

<sup>1</sup> Программа социал-демократической рабочей партии // Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданейшего - доклада графа Витте. - М., 2001. - С. 11.

<sup>2</sup> Қаранг: Съезды советов (в документах) 1917–1922 гг. Т. I. - М., 1970. - С. 248.

<sup>3</sup> Қаранг: О национализации промышленности (резолюция коммунистической фракции съезда) // Съезды советов (в документах). 1917–1922 гг. Т. I. - С. 250.

<sup>4</sup> Шамсуддинов Р. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. - Т., 2001. - Б. 59.

<sup>5</sup> Ўша жойда. - Б. 102.

<sup>6</sup> Қаранг: Программа партии социалистов-революционеров // Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданейшего доклада графа Витте. - М., 2001. - С. 19.

<sup>7</sup> Қаранг: Программные документы мусульманских политических партий 1917–1920 гг. - М., 1985. - С. 52-53.

<sup>8</sup> Программа Российской социал-демократической партии // Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданейшего доклада графа Витте. - М., 2001. - С. 14.

<sup>9</sup> Ўша жойда.

<sup>10</sup> Ўша жойда. - С. 14–15.

<sup>11</sup> Қаранг: Программа социалистов-революционеров. - С. 24; Программа конституционно-демократической партии // Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданейшего доклада графа Витте. - М., 2001. - С. 63.

<sup>12</sup> Қаранг: Программа «Союза 17 октября» // Полный сборник платформ всех русских политических партий. С приложением высочайшего манифеста 17 октября 1905 г. и всеподданейшего доклада графа Витте. - М., 2001. - С. 97.

<sup>13</sup> Ўша жойда.

<sup>14</sup> Программа партии «Алаш-Орда» // Программные документы мусульманских политических партий 1917–1920 гг. - Оксфорд, 1985. - С. 52.

<sup>15</sup> Қаранг: Политическая жизнь русских мусульман до февральской революции // Программные документы мусульманских политических партий 1917–1920 гг. - Оксфорд, 1985. - С. 82-84.

<sup>16</sup> Ўша жойда.

<sup>17</sup> Қаранг: Программа Туркестанской социалистической партии // Программные документы мусульманских политических партий 1917–1920 гг. - Оксфорд, 1985. - С. 123.

**Азизов Н. П. Туркистон сиёсий партиялари дастурларида инсон ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларининг акс эттирилиши**

**Таянч иборалар:** Туркистон, сиёсий партиялари, сиёсий дастурлар, фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари.

Мақолада XX аср бошларида Туркистонда фаолият кўрсатган сиёсий партиялар дастурларида фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликларининг ифодаланиши, партиялар дастурларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари таҳлил этилган.

**Азизов Н.П. Отражение социально-экономических прав и свобод человека в программах туркестанских политических партий**

**Ключевые слова:** Туркестан, политические партии, политические программы, социально-экономические права граждан.

В статье анализируется отражение вопросов социально-экономических прав и свобод граждан в программных документах политических партий Туркестана начала XX в., а также сходство и различие идей, выдвигавшихся политическими течениями в этом вопросе.

**Azizov N.P. Reflection of social and economical Human rights and freedoms in the programs of political parties of Turkestan**

**Key words:** Turkestan, political parties, political programs, social and economical rights of citizens.

The article deals with the reflection of questions concerning social and economical rights and freedoms of citizens in program documents of political parties of Turkestan in the beginning of XX century, as well as similarities and differences of ideas put forward by political parties in this issue.

А. К. Янгибаев\*

**СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИДАГИ ИШТИРОКИ:  
ҚОНУНЧИЛИК АСОСЛАРИ**

Сайловда сиёсий партияларнинг иштироки ўта серқирра жараёндир. Унга демократиянинг асосларидан бири, конституциявий тузум институти ва фуқаролик жамияти институти (фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этиши борасида конституциявий ҳуқуқини ифодалаш ва амалга ошириш шакли) сифатида қаралиши мумкин. Сиёсий партиялар ва уларнинг сайловда иштироки масаласининг конституциявий-ҳуқуқий тартибга солинганлиги

демократик институтларнинг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, ҳозирги жамиятда сайлов халқ ҳокимияти тизимини ташкил этишни таъминловчи муҳим институтлардан бирига айланган. Давлатимиз учун эса, сайлов сиёсий партияларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ва ўзини ўзи сиёсий ташкил этишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги замон юридик фани намояндаларининг нуқтаи назарларини ўрганиш ва умумлаштириш айрим хулосаларга келиш имконини беради. Авваламбор, давлат органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг сайлов орқали иштирок этиши — *ҳозирги замон демократиясининг муҳим жиҳатларидан бири*. Айнан демократия шароитида бундай иштирокни амалга ошириш учун кенг имкониятлар берилади ва унда вакиллик органларини шакллантиришнинг самарали механизми амал қилади. Бундан ташқари, сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этиши — *фуқаролик жамиятининг ҳаёт фаолияти соҳаси ҳисобланади*. Бу амалга ошириш шаклига қараб, *сиёсий ҳокимият* бўлиши ҳам, *сиёсий таъсир кўрсатиш* бўлиши ҳам мумкин, лекин ҳар икки ҳолда ҳам бу жамият доирасида бирлашган гуруҳларнинг давлат ва унинг органларига нисбатан сиёсатидир. Шу туфайли ҳам бундай иштирок субъекти сифатида партия

фуқароларнинг ўзини ўзи ташкиллаштиришнинг алоҳида ҳуқуқий шакли сифатида амал қилади.

Давлат ҳокимиятини амалга оширишда сиёсий партияларнинг иштироки халқ ҳокимиятини амалга оширишнинг бир тури ҳисобланишидан келиб чиқиб, мазкур иштирок, халқ ҳокимиятига хос муҳим хусусиятга эга бўлган ҳолда, уни табақалаштириш имкониятини беради, деган хулосага келиш мумкин. Сиёсий партияларнинг сайловдаги иштирокини амалга ошириш жараёнида давлат ҳокимиятининг фаолиятига кўрсатадиган таъсири биринчи даражали аҳамият касб этади, яъни давлат (ҳукумат, марказий сайлов қўмитаси, ҳокимликлар ва бошқалар)га мазкур иштирокни таъминлаш борасида қонун йўли билан тартибга солинган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайди.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг сайловда иштироки тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *бу турли ҳуқуқий шаклларда юз берувчи, сиёсий партиялар ва давлатнинг ўзаро алоқасини белгиловчи жараён бўлиб, унда партиялар ўзларига қарашли ваколатларни амалга ошириб, давлатнинг вакиллик органларини шакллантиришда сайланадиган лавозимларга номзодларни қўйиш, давлатнинг қонун йўли билан белгиланган муайян муқаррар таъсирига сабаб бўлиш орқали иштирок этишидир*.

Айни шу сабабли, сиёсий партиянинг конституциявий мақсади сиёсий партиянинг муайян натижага эришишга қаратилган ҳаракатларининг конституциявий механизми бўлса, сиёсий партия фаолиятининг бевосита натижаси сайлов жараёнида ишга солинмадиган конституциявий воситалар ва усуллар ёрдамида ҳокимиятни қўлга киритиш ҳисобланади.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси конституциявий ҳуқуқ кафедрасининг катта ўқитувчиси.

Сайлов тизими тубдан ўзгарган шароитларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва маҳаллий Кенгашларга сайлов цикли жараёнида партиявий тизимни мустақамлаш ва унинг сайлов тизими билан алоқасини кучайтириш партияларнинг энг муҳим мақсадларидан бирига айланади. Сайловни кўппартиявийлик асосида ўтказиш нуфузли сиёсий партияларнинг шаклланиши ва ўз мавқеини мустақамлаши учунгина эмас, балки энг муҳими – мамлакат аҳолисининг эҳтиёжларига жавоб берувчи ҳокимият вакиллик ва ижроия органларини шакллантириш учун принципиал аҳамият касб этади.

Партиялар сайловчилар учун ва энг аввало, сайловчиларнинг манфаатлари учун конструктив курашда иштирок этиш жараёнида ўз стратегик ва қисқа муддатли дастурларини қабул қиладилар, **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги Конституциявий қонун қоидаларига мувофиқ амалга оширилган янгиланишларни ҳисобга олган ҳолда илгари белгиланган режаларга тузатишлар киритадилар.

Конституциявий қонун сиёсий партияларга доир мавжуд қонун ҳужжатлари билан уйғунликда сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари ва жойлардаги партиявий гуруҳларнинг самарали фаолияти учун ҳуқуқий майдон яратди, уларга мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш учун янги имкониятлар берди. Ижро этувчи ҳокимият органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ролининг кучайтирилиши партияларга ҳукуматни таркиб топтиришда, турли даражадаги ижроия ҳокимияти органларидаги у ёки бу лавозимларга номзодларни танлашда бевосита иштирок этиш ҳуқуқини берди. Мамлакат раҳбарияти эълон қилган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсатини амалга оширишнинг мазкур йўли партия ташкилотларининг ўзинигина эмас, балки сайловчиларни, у ёки бу партияга ўз овозини берган фуқароларни ҳам биринчи ўринга чиқаради. Партияларнинг кучайиб бораётган роли ва имкониятлари билан жамулжам ҳолда бу, шак-шубҳасиз, уларга қўшимча масъулият юклайди. Шу тариқа, партиялар давлат сиёсати ва ҳукумат таркибини шакллантиришда янада фаолроқ иштирок этиш орқали, ўз

сайловчилари олдидагина эмас, балки бутун мамлакат халқи олдида ҳам масъул бўлган тузилмаларга айланадилар.

Партиялар ўртасида сиёсий курашнинг кучайиши, партиялараро рақобатнинг кескинлашуви мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ислохотларнинг бирдан-бир мақсади эмас. Сайловчилар олдида жавобгарликнинг кучайтирилиши айнан ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга қаратилган. Республика сиёсий майдонида турли партияларнинг вакиллари ўртасида баҳс-мунозара қанча қизгин бўлса, уларнинг конструктив рақобати шунча кучли бўлади, сайловчиларнинг манфаатлари янада тўлиқроқ қондирилади.

Сайлов халқ ҳокимияти органларини таркиб топтириш жараёнини ташкил этишга доир муносабатларнинг мураккаб тизимини ўз ичига олади. Сайлов фундаментал демократик институт сифатида, сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга ошириш соҳаси билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, сайлов сиёсий тизим фаолиятига тузатиш киритиш имкониятини берувчи, уни инқироздан асровчи, айрим сайловчилар хоҳиш-иродасини сиёсатчилар ҳукмига айлантириш учун имконият яратувчи механизм ҳисобланади.

Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги тизими ўз ривожланиш жараёнида бир неча босқичдан ўтди. Натижада, мазкур тизимнинг ҳозирги ҳолати юзага келди. Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги тизимининг ҳолатини белгиловчи қуйидаги омилларни ажратиш мумкин:

– ижтимоий омиллар – фуқароларнинг электорал-ҳуқуқий маданияти, сайлов институти ва сайлов қонунчилигига фуқароларнинг ишонч даражаси, фуқаролик жамиятининг таркиб топтирилганлиги, шу жумладан, партиявий тизимнинг ривожланиш даражаси;

– сиёсий омиллар – ўтиш даври сиёсий вазияти, давлат сиёсатига амалда таъсир кўрсатаётган кучларнинг сиёсий манфаатлари ва қонунчилик сиёсатининг уларга мувофиқ келувчи устуворликлари, сайловга доир муносабатларнинг сиёсий жиҳати;

– юридик-техник омиллар – сайлов қонунчилиги тизимини бирламчи шакллантириш жараёнида юзага келган юридик техника анъаналари; бу тизимнинг ривожланиш жараёнида юзага келувчи янги вазифаларнинг юридик-техник ечимлари<sup>1</sup> (шу жумладан, сайлов қонунчилигига референдум ўтказиш масалаларини тартибга солувчи

нормаларнинг киритилиши, барча электорал таомилларни ҳуқуқий тартибга солишнинг муфассаллаштирилиши).

Ўзбекистон Республикасида сайлов қонунчилиги тизимининг ҳозирги ҳолати амалда ўзаро боғланган ижтимоий, сиёсий ва юридик-техник омиллар мажмуи билан белгиланади ва умуман, сайловга доир муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни қонун йўли билан расмийлаштириш соҳасидаги жамият ва давлат эҳтиёжларига мувофиқ келади, деб айтиш мумкин. Партиявий ва сайлов қонунчилиги ислоҳ қилиниши натижасида сиёсий партиялар ҳам, партиявий тизим ҳам бутунлай янги институционал ва қонунчилик доирасига солинди. Сиёсий партиялар янги партиявий ва сайлов қонунчилигига мувофиқ сайлов жараёнининг асосий субъекти бўлиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг ривожланиши билан сайлов тизимини янгилаш ва ислоҳ қилиш тинимсиз амалга оширилди. Асосий онституциявий нормаларга мувофиқ ва уларнинг доирасида мамлакатда бутунлай янги сайлов қонунчилиги изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги 1993 йил декабрь қонуни ислоҳотларнинг ўша босқичида кўп партияли сайловни ташкил этиш ва ўтказишнинг бутун дунёда эътироф этилган меъёрларига мувофиқ эди. Аммо шуни унутмаслик лозимки, 1993-1994 йилларда мамлакат сиёсий майдонида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг таъсири айниқса кучли эди. Кўппартиявийликнинг ҳуқуқий базаси яратилмаса, мазкур партия янги парламентда яккаҳокимликни қўлга киритиши мумкин эдики, амалда бу орқага — бир партияли сиёсий тизимга қайтишни англаган бўларди. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ҳудудий ривожланишнинг номутаносиблиги шароитида мазкур механизм парламентда мамлакат минтақалари вакилликни таъминлаш йўллари билан бири ҳисобланар эди.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 1994 йил 5 май қонуни қабул қилинди. Бу қонун ҳозиргача Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг фаол сайлов ҳуқуқи ва ўз хоҳиш-иродасини ифода этиш эркинлигини амалга ошириш механизмларини инсон

ҳуқуқларига доир асосий халқаро ҳужжатларда (мустақиллик эълон қилинганидан сўнг Ўзбекистон бундай ҳужжатларнинг олтмишдан ортигига ихтиёрий равишда қўшилди ва жаҳон ҳамжамияти олдида тегишли мажбуриятлар олди) қайд этилган андозаларга мувофиқ мустаҳкамлади. Қонунда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари мажмуи ҳам мустаҳкамланди.

Натижада, парламент сайлови 1994 йилда илк бор кўппартиявийлик асосида ўтказилди. Бунда жами партиявий вакиллик парламентнинг депутатлар корпусидагина эмас, балки давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органлари таркибида ҳам кўпчиликка эга бўлди.

Олий Мажлисни икки палатали профессионал парламентга айлантириш вазифалари сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш заруриятини белгилади. Профессионал парламент турли тоифалар, сиёсий партиялар ва ҳаракатлар вакиллари воситасида жамиятдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий қарашларни ўзида акс эттиради.<sup>2</sup> Парламент ислоҳотини амалга ошириш босқичида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунлардан давлат ҳокимияти маҳаллий органларидан депутатликка номзодлар кўрсатишни назарда тутувчи қоидаларнинг чиқариб ташланиши мазкур қонунчилик эволюциясининг асосий хусусиятига айланди.

Сиёсий партиялар ҳамда фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодларнинг сайловда иштирокини тартибга солувчи бошқа бир қанча нормаларга ҳам аниқлик киритиш ва уларни такомиллаштириш амалга оширилди. Жумладан, тегишли қонунларга киритилган ўзгартишларда хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозимлиги назарда тутилган.

Сайлов қонунчилиги босқичма-босқич, тадрижий ривожлантирилиши натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда халқаро андозаларга мувофиқ келадиган ва тинимсиз такомиллаштирилаётган қонунчилик базасига таянадиган, ҳозирги вақтда амалдаги сиёсий партиялар томонидан номзодларнинг сайловда фаол иштирок этишларини тўла таъминловчи замонавий сайлов тизими вужудга келди.

Шу ўринда, сайловлар тўғрисидаги ягона норматив ҳужжат (айтайлик, Сайлов кодекси)ни қабул қилиш мақсадга мувофиқ

эканлигини қайд этиш, фикримизча, ўринли бўлади. Зеро, у коллизияларни бартараф этиш, сайлов қонунчилигига изчил ва тадрижий тус бериш учун имконият яратган бўлур эди. Сайлов кодекслари бир қанча хорижий давлатларда (жумладан, Озарбайжон, Албания, Аргентина, Арманистон, Беларусь, Бразилия, Грузия, Мексика, Молдова, Сенегал, Франция ва бошқ.) мавжуд ва самарали қўлланилмоқда. Мазкур давлатларнинг сайлов қонунчилигини кодекслаштириш борасидаги тажрибасидан мамлакатимизда сайлов қонунчилиги тизимини тегишлича ўзгартиришда фойдаланиш мумкин.

Сиёсий партиялар фаолиятининг қонун ҳужжатларида белгиланган асосий мақсадлари таҳлили давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда, жумладан, сайлов жараёнида иштирок этиш сиёсий партияларнинг энг муҳим функцияси (электорал функция), деган хулосага келиш имкониятини беради. Қонун йўли билан белгиланган мақсадларга эришиш учун сиёсий партиялар бевосита демократия институтларидан фойдаланган ҳолда давлат ҳокимияти органларида вакилликка ва давлатни бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этишга қараб мўлжал олишлари лозим. Шунини эътиборга олиб, биз сиёсий партия давлат ҳокимияти органлари сайловида сурункасига етти

йил мобайнида иштирок этмаган тақдирда, мазкур партия тугатилиши ҳақидаги қондан қонун йўли билан белгилашни таклиф қиламиз. Сиёсий партиялар умумреспублика мақомига эга эканлигини ҳисобга олганда, партиялар ўз легитимлигини тасдиқлаш учун айнан мамлакат давлат ҳокимияти органларида ўз сиёсий вакилликларини таъминлашга ҳаракат қилишлари лозим<sup>3</sup>.

Ҳозирги вақтда сиёсий партиялар сайлов жараёнида етакчи роль ўйнайдилар, чунки айнан улар сайловда иштирок этувчи бирдан-бир ташкилий-коллектив субъектлар ҳисобланадилар. Сайлов жараёнида сиёсий партиялар иштирокининг кафолатларига сайлов комиссияларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг иштирокини, уларнинг номзодлар киритиш имкониятини, сайловолди ташвиқоти шакллари ва усуллари кенг доираси мустаҳкамланганлигини, сайлов кампанияси мажбурийлик, очиқлик ва ошкоралик асосида ўз вақтида давлат томонидан молиялаштирилишини, овоз бериш жараёнини кузатиш институтининг мавжудлигини, сайловни ўтказиш жараёни устидан давлат назоратини киритиш мумкин. Бинобарин, электорал функция ҳозирги шароитда сиёсий партиянинг энг муҳим функциясига айланган.

<sup>1</sup> Қаранг: *Бердияров Ш. Н.* Икки палатали парламент шароитида қонунчилик техникаси (назария, методология, амалиёт). Юрид. фанлар номз. .... дис. автореф. – Т., 2009 – Б. 5.

<sup>2</sup> *Каримов И. А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – Б. 483.

<sup>3</sup> Қаранг: *Мухамедов Қ. Х.* Конституция ва қонун устуңлигини таъминлашнинг назарий муаммолари: Юрид. фан. номз. .... дис. автореф. – Т., 2002. – Б. 8.

#### **Янгибаев А.К. Сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштироки: қонунчилик асослари**

**Таянч иборалар:** Парламент, ижро этувчи ҳокимият, сиёсий партия, сайлов қонунчилиги, сайлов тизими, кўппартиявийлик, сайлов кампанияси, сайлов жараёни, сайлов ҳуқуқи.

Мақолада сиёсий партияларнинг сайлов жараёнидаги иштироки, сайлов қонунчилиги тизими ва ривожланиш жараёнлари босқичлари таҳлил этилади, шунингдек, сиёсий партияларнинг фаолияти ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш борасида таклиф ва тавсиялар илгари сурилади.

#### **Янгибаев А.К. Участие политических партий в процессе выборов: законодательные основы**

**Ключевые слова:** Парламент, исполнительная власть, политическая партия, избирательное законодательство, избирательная система, многопартийность, избирательная кампания, избирательный процесс, избирательное право.

В статье рассматриваются законодательные основы и роль политических партий в процессе выборов, поэтапный процесс развития законодательства об избирательной системе, а также формулируются предложения и рекомендации о совершенствовании законодательства о выборах и повышении роли политических партий в этой сфере.

#### **Yangibayev A.K. Participation of political parties in elections: legislative foundations**

**Key words:** Parliament, executive branch, political party, electoral legislation, electoral system, multi party system, code of elections, election campaign, election process, suffrage.

The article deals with the participation of political parties in elections, stage by stage process of development of the electoral legislation system. The author gives proposals and recommendations on improvement of electoral legislation.